

С. Маматов

**КИЧИК ДАРЁЛАР
СУВ РЕСУРСЛАРИНИ
МУКАММАЛ БОШҚАРИШ ВА
УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ**

Тошкент – 2014

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги
Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти

Собитжон Маматов

**КИЧИК ДАРЁЛАР
СУВ РЕСУРСЛАРИНИ
МУКАММАЛ БОШҚАРИШ ВА
УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ**

Тошкент – 2014

Маматов С.А. Кичик дарёлар сув ресурсларини мукаммал бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш / Тошкент, 2014 - 171 б.

Қўлланмада кичик дарёлар ҳавзаларида сув ресурсларини мукаммал бошқариш ва улардан оқилона фойдаланишнинг тавсифи, дунёдаги трансчегаравий дарёлар, дарёлар сув ресурсларини мукаммал бошқариш тушунчалари, Орол денгизи ҳавзаси минтақасида сув ресурсларини мукаммал бошқариш, кичик дарёлар ҳавзаларининг ўзига хосликлари ва Подшаота дарёси ҳавзасининг сув ресурслари ва улардан оқилона фойдаланиш масалари бўйича маълумотлар ёритилган.

Қўлланма Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг “Трансчегаравий сув ресурслари” дастурининг қўллаб қувватлаши асосида “Подшаота дарёси сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳаси доирасида Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти томонидан бажарилган тадқиқот ишлари натижаси сифатида тайёрланган.

Қўлланма қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари мутахассислари, соҳа йўналишида таҳсил лоаётган талабалар ва муаммо билан қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	5
I боб. Трансчегаравий сув ресурсларини мукаммал бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланиш асослари.....	6
1.1. Трансчегаравий сув ресурсларини мукаммал бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланиш тизимининг шаклланиш тарихи.....	6
1.2. Трансчегаравий сув ресурсларини мукаммал бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланишнинг назарий мазмуни.....	14
1.3. Трансчегаравий сув ресурсларини мукаммал бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланишга ёндашув турлари.....	19
II боб. Трансчегаравий сув ресурслари ва уларни мукаммал бошқариш жараёнини назорат қилиш.....	25
2.1. Трансчегаравий дарёлар ва уларнинг худудий кўлами.....	25
2.2. Трансчегаравий сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш йўналишида фаолият юритувчи халқаро ташкилотлар.....	35
III боб. Трансчегаравий сув ресурсларини мукаммал бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари....	41
3.1. Трансчегаравий сув ресурсларини мукаммал бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланишга доир меъёрий ҳужжатлар турлари.....	41
3.2. Трансчегаравий сув ресурсларини мукаммал бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланишга оид халқаро ҳуқуқий меъёрлар..	47
3.3. Трансчегаравий сув ресурсларини мукаммал бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланишда “Ҳавзаларда сув ресурсларини мукаммал бошқариш бўйича қўлланма”нинг аҳамияти.....	52
IV боб. Марказий Осиёда трансчегаравий сув ресурсларини мукаммал бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланиш..	55
4.1. Орол денгизи ҳавзасининг умумий тавсифи.....	55
4.2. Орол денгизи ҳавзасининг трансчегаравий сувларидан ҳамкорликда фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари.....	62
V боб. Дарё ҳавзасида сув ресурслари миқорини баҳолаш ва улардан фойдаланишни режалаштириш.....	73
5.1. Дарё ҳавзаси сув ресурслари миқдорини баҳолаш ва ўзгаришларини башоратлашнинг асослари.....	73
5.2. Подшаотасой дарёси ҳавзасининг сув ресурсларини баҳолаш.....	73
5.2.1 Подшаотасой дарёсининг сув оқими.....	74
5.2.2 Подшаотасой дарёси ҳавзасининг бошқа сув ресурслари.....	76
5.3. Подшаотасой дарёси ҳавзасидаги сув истеъмолини баҳолаш.....	78
5.4. Подшаотасой дарёси ҳавзасидаги мавжуд сув ресурслари ва умумий сув истеъмоли миқдорларини қиёсий таққослаш натижалари.....	80
5.5. Дарё ҳавзасида сувдан фойдаланишни режалаштириш.....	82
5.5.1 Сувдан фойдаланишни режалаштиришнинг қонуний асослари.....	82
5.5.2 Сувдан фойдаланиш режасини тузиш тартиби.....	83

5.5.3	Сувдан фойдаланиш режасини тузиш учун зарур .маълумотлар.....	84
5.5.4	Сувдан фойдаланиш режасини тузиш (Подшаота дарёси ҳавзасининг Ўзбекистон қисми мисолида).....	85
VI боб	Сув ресурсларидан фойдаланишда атроф-муҳит муҳофазаси масалалари	89
6.1	Атроф-муҳит муҳофазасининг Ўзбекистондаги қонуний асослари.....	89
6.2	Сув хўжалиги амалиётида атроф-муҳит муҳофазаси.....	90
6.3	Қишлоқ хўжалиги фаолияти натижасида атроф-муҳитга бўладиган таъсирлар ва уларни камайтириш.....	97
6.3.1	Суғориладиган деҳқончиликни атроф-муҳитга кўрсатадиган таъсирларининг тавсифи.....	99
6.3.2	Суғориладиган деҳқончиликни атроф-муҳитга кўрсатадиган таъсирларини камайтириш йўллари.....	100
	Хулоса	104
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	108
	Иловалар	111
1-илова	Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Конвенция.....	111
2-илова	Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни.....	126
3-илова	Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида низом.....	146
4-илова	Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистраль каналлар ва коллекторларнинг шунингдек, ичимлик сув ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари тўғрисида низом.....	158-171

СЎЗБОШИ

Сув Марказий Осиё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини ва экологик барқарорлигини таъминловчи асосий омил саналади. Минтақа сув ресурсларининг 80 % дан ортиғи Қирғизистон ва Тожикистондаги абадий музликлар ва қорлар ҳисобига шаклланади. Асосий сув истъемолчиси саналган суғориладиган деҳқончиликнинг асосий майдонлари дарёларнинг ўрта ва қуйи оқимида жойлашган Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистон мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон фойдаланадиган сув ресурсларининг асосий қисмини трансчегаравий сувлар ташкил қилади. Мазкур сув ресурсларига бўлаётган антропоген таъсирларнинг ортиши ва иқлимнинг ўзгаришлари туфайли мамлакатнинг турли ҳудудларида сув тақчиллиги кучайиб бораётган шароитда қишлоқ хўжалиги майдонларидан кафолатли ҳосил олиш, пировардида мамлакат аҳолисини озиқ овқат маҳсулотлари, шу жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлаш учун мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва суғоришнинг сув тежовчи технологияларини кенг жорий қилиш мақсадга мувофиқ саналади.

Ўзбекистон Республикасининг сув таъминотида қўшни давлатлардан оқиб келадиган йирик дарёлар билан бир қаторда кичик дарёлар ҳам муҳим рол ўйнайди, хусусан улар аҳоли пунктлари, саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги майдонларининг сув таъминотида муҳим аҳамиятга эгалар. Жумладан, Сирдарё ҳавзасида Ўзбекистон ҳудудида истъемол қилинадиган дарё сув ресурсларининг қарийб ярми кичик дарё ва сойлар ҳиссасига тўғри келади.

Кичик дарёлар ҳавзалари бошқа сув манбаларининг йўқлиги, суғориш каналларида сув оқими тезлиги ва сув фильтрациясининг кучлилиги ҳамда суғориладиган майдонлари қиялигининг катта эканлиги билан характерланади.

Кичик дарёлар ҳавзаларида мавжуд сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ва улардан тежамли фойдаланишни йўлга қўйиш мазкур дарёлар ҳавзаларидаги истъемолчилар сув таъминотини яхшилашнинг энг тўғри йўли саналади. Сув таъминоти яхшиланган қишлоқ хўжалик экин майдонларидан олиннадиган ҳосил миқдори кўпайиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барқарорлашади ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшиланиши учун мустаҳкам замин яратилади.

I БОБ. ТРАНСЧЕГАРАВИЙ СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ВА УЛАРДАН ҲАМКОРЛИҚДА ФОЙДАЛАНИШ АСОСЛАРИ

1.1. Трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланиш тизимининг шаклланиш тарихи

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос йўли танлаб олинди. Эндиликда жамият ҳаётининг барча соҳаларида ташкил этиладиган ижтимоий муносабатларда умуминсоният тажрибасидан ўтган ҳамда миллий қадриятларга асосланган илғор ғояларга таянилиши муҳим эътироф этилди. Айниқса, экологик муаммолар кескинлашаётган бир вазиятда табиат, атроф-муҳитга нисбатан аввалгидек хўжасизларча муносабатда бўлишнинг олдини олиш, аксинча, табиий неъматлардан оқилона, эҳтиёткорлик, тежамкорлик билан фойдаланиш, табиий мусаффоликни сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш йўлида қатор амалий ҳаракатлар ташкил этилди.

Энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (11-боб 50-модда)да фуқаролар “атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур”¹ эканликлари алоҳида қайд этиб ўтилди. Бунга мувофиқ фуқаролар кундалик ҳаётда, меҳнат фаолиятида ўзлари томонидан ташкил этиладиган ҳаракатларнинг атроф табиий муҳитга зиён етказмаслиги, зарар келтирмаслиги учун масъулиятли бўлишлари зарур. Шунингдек, таълим муассасаларида ушбу ғоянинг ёш авлод онгига сингдирилиши муҳим педагогик вазифалар сирасига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-боб, 55-моддасида кўрсатилганидек, фуқаролар, яна шунингдек, табиат, атроф-муҳит билан ўзаро муносабатда “ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойлик” сифатида давлат муҳофазасида эканлигини, улардан оқилона фойдаланиш зарур²лигини англаб етишлари зарур.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона
муносабатда бўлишга мажбурдирлар
XI боб, 50-модда

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси
ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир,
улардан оқилона фойдаланиш зарур
ва улар давлат муҳофазасидадир
XII боб, 55-модда

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1992. – 19-бет.

² Ўша манба. – 19-бет.

Саноат, ишлаб чиқариш ва техниканинг шиддатли ривожланиши, урбанизациянинг кучайиши туфайли экологик тизимда кескин ўзгаришлар рўй бераётган, экологик хавфли ҳудудлар кўлами тобора ортиб бораётган бир шароитда Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг илк йилларида амалга оширилган воқеликнинг яна бири – бу Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1992 йил 9 декабр) Қонуни³нинг қабул қилиниши бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг
“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни
(1992 йил 9 декабрда қабул қилинган.
11 боб, 53-моддадан иборат)

Таркибий тузилмаси:

- I. Умумий қоидалар – 6 та модда.
- II. Давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг табиатни муҳофаза этишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари – 5 та модда.
- III. Ўзбекистон республикаси аҳолисининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари – 2 та модда.
- IV. Атроф табиий муҳит сифатини нормативлар билан тартибга солиш – 2 та модда.
- V. Табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш – 2 та модда.
- VI. Экология экспертизаси – 4 та модда.
- VII. Экологик назорат – 5 та модда.
- VIII. Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий чора-тадбирлари – 5 та модда.
- IX. Фавқулодда экология вазиятлари – 3 та модда.
- X. Хўжалик фаолияти ва бошқа йўсиндаги фаолиятга доир экология талаблари – 6 та модда.
- XI. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик, табиатни муҳофаза қилишга оид низоларни ҳал қилиш – 7 та модда
(http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=107115)

Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон Республикасида табиий муҳит шароитларини сақлаш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари белгилаб берилди. Қонун инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг ўзаро уйғун, мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофазасини таъминлаш, шунингдек, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадини кўзда тутди.

³ Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни // http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=107115

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, республикада жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳамда ҳуқуқий асосларини ёритувчи ҳужжатларнинг барчасида атроф муҳит муҳофазасини таъминлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш зарурлиги, бу борада ҳар бир фуқаронинг масъул эканлигига алоҳида урғу берилиб, тириклик манбаи бўлган сув ва унинг иқтисоди янада долзарблик касб этишига тўхталиб ўтилади.

Дарҳақиқат, сув – табиатнинг мўъжизавий неъматларидан бири. Инсоният тарихий тараққиётининг асосий босқичларида сув тирик организмнинг табиий, физиологик эҳтиёжини қондириш, деҳқончилик, кейинчалик эса саноатни ривожлантирувчи омиллардан бири сифатида қадрланиб келинган. Бинобарин, у тирик мавжудотга чанқокни қондириш, уруғларни ундириш, ниҳолларни ўстириш, ўсимликларни ривожлантириш, ҳосилни кўпайтириш, инсон ёки ҳайвон танасини поклаш (ювиш), шунингдек, озиқланишга ёрдам беради. Шу сабабли жуда қадимдан сувни эъзозлаш, асраб-авайлашга эътибор қаратиб келинган.

Ахлоқий нуқтаи назардан сув табиатнинг тирик мавжудотга берган буюк инъоми, диний қарашларга кўра эса Яратганнинг ўзи томонидан яратилган мавжудотларига берган неъмат сифатида улуғлаб келинган. Жумладан, зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлган “Авесто”да Амударё (Дарёи Фароҳи Карт) “суви энг муқаддас ва пок” дея эътироф этилиб, ер (тупроқ), олов ҳамда ҳаво сингари уни ҳам эъзозлаш, асраб-авайлаш, тоза, мусаффо ҳолда сақлаш зарурлиги, бу борадаги талабларни бузган киши эса 400 марта қамчи ёрдамида калтаклаш билан жазоланганлиги кўрсатиб ўтилган⁴. Шунингдек, мазкур манбада “сув манбаларини покиза сақлаш, эҳтиётлаш, муҳофаза қилишга” алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, “Вендидод”да “канал, ариқ ва ҳовузларни вақти-вақти билан ҳашар усулида тозалаб туриш, атрофлари покизалигига алоҳида эътибор бериш қайта-қайта уқтирилган. Ичимлик сув оқадиган ариқлар, ҳовуз ва қудуқ лабига, соҳилига фақат ихота буталари ўтқозиш, тавсия этилиб, мевали дарахтлар ўтқозиш қатъиян ман этилган”⁵. Маълумки, сувга тушган мевалар чириш хусусиятига эга. Чириш натижасида эса сув турли касалликларни тарқатадиган микроблар билан ифлосланади. Шу сабабли асарда юқоридаги тавсия берилган. Шу билан бирга “Авесто” асарида “сувга тупуриш, ҳас-ҳашак ёки барглари ташлаш қаттиқ қораланган. Ҳовуз ёки қудуққа ўлимтик ёки бирон мурдор – кўланса, ифлос нарса тушса, уни тоза сув ёки ёмғир суви билан бир неча бор тўлдириб, бўшатиш йўли билан қатрон қилиш тавсия этилган... Сув манбалари лабида ёки атрофида ҳар хил матоларни ювиш, мол боқиш, туя ва отларни боғлаш, таҳорат қилишга руҳсат этилмаган. Бирон кишининг нопок сатил, кўза билан ҳовуз, қудуқ ёки ариқдан сув олганига бировнинг назари тушса, у “25 қамчи калтаклаш” билан жазоланган”⁶. Англаниганидек, бундан сувни муқаддас манба сифатида эъзозлаш, ундан

⁴ Ҳомидий Х. “Авесто”дан “Шоҳнома”га. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2007. – 115-бет.

⁵ Ўша манба. – 115-бет.

⁶ Ўша манба. – 115-бет.

тириклик, мавжудликни таъминлаш йўлида оқилона фойдаланиш мақсади кўзда тутилган.

**“Зардуштийлар замони матни,
сосонийлар даври ёдномаси –
“Бундахишин” (“Оламнинг яратилиши”) асари**

Аҳриман Тангрининг доноликла яратувчилигига қарши хуруж қилганида Тир муқаддас амал ҳимоясига киришади.

Натижада у ўттиз кун давомида олий хилқат яратган рўшнолик бағрида парвоз этиб, ўн кеча-кундуз ёмғир ёғдиради. Ер юзасини одам бўйи келадиган сув босади. Аҳриман яратган зараркунанда барча жонзотлар ҳалок бўлади. Қаттий шамол эсиб, сувларни Ер юзининг бир минтақасига суриб кетади ва ундан Дарёи Фарохи Қарт (Амударё) ҳосил бўлади. Заминда ўлимтиқлар қолади. Шу он қурғоқчилик деви пайдо бўлади. Тир унга қарши курашиб, маҳв этади. Тирнинг гурзисидан қурғоқчилик деви Спинчакар (бир ўринда Апа Уса) наъра тортиб, йиқилади. Ёғингарчилик олдидан момоқалироқ бўлиб, чакмоқ чақилиши ана шу Спинчакар ноласи эмиш. Тир дунёни баббўйликдан тозалаш учун яна ёмғир ёғдиради.

Дунёдаги шўр сув, океан ва дарёлар ана
шу сувдан пайдо бўлган экан

*“Аҳриманнинг Тангри яратувчилигига
қарши ҳамласи” боби*

(Ҳомидий Х. “Авесто”дан “Шоҳнома”га. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2007. – 117-бет.)

Ислом динининг муқаддас манбаи – “Қуръони Карим” ва ҳадисларда ҳам барча неъматлар билан бирга сувни тежаш, ундан унумли фойдаланиш яхши, эзгу амаллардан эканлигига алоҳида урғу бериб ўтилган.

Илмий манбаларда эса сув бир қатор кимёвий ва физикавий хоссаларга эга кимёвий бирикма эканлиги кўрсатилган. М: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да “сув” тушунчасига қуйидагича таъриф⁷ берилган:

Сув – водород оксид (H_2O), водород (11,19 %) ва
кислород (88,81 %) дан иборат энг содда кимёвий бирикма.
Сув рангсиз, ҳидсиз суюқлик (қалин қатламда яшил рангли).

Молекуляр массаси 18,0160.

Сув ернинг геологик тузилиши тарихи ва унда ҳаётнинг пайдо
бўлиши, физик ва кимёвий муҳит, иқлим ва об-ҳавонинг
шаклланишида муҳим аҳамиятга эга

⁷ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Солнома – Тўйтепа / 12 томли. 8-том. Бош таҳрир ҳайъати аъзолари: А.Азизхўжаев ва б. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. – 84-бет.

“Ер юзидаги мавжуд тирик организмларнинг ҳаётида сув муҳим аҳамиятга эга. уларнинг ҳеч бири сувсиз ҳаёт кечира олмайди. Зеро, уларнинг пайдо бўлиши, ўсиши ва ривожланиши бевосита сув иштироки ва таъсирида кечади. Сув “Ер юзининг қарийб 3/4 қисмини сув ташкил қилади... Ернинг сувли пўсти 1,4-1,5 млрд. км³ ни ташкил этади. Атмосферада сув буғ, туман, булут, ёмғир ва қор кўринишида учрайди. Қуруқликнинг 10 % га яқин қисми музликлар билан қопланган. Литосферада гидросферадагига яқин микдорда, яъни 1-1,3 млрд. км³, Ер мантиясида эса улкан микдорда (13-15 млрд. км³) сув бор. Барча тирик организмлардаги сув Ер юзидаги дарёлар сувининг ярмига тенг. Ердаги ҳамма сув бир-бири билан ва атмосфера, литосфера, биосферадаги сув билан ўзаро таъсирда бўлади”⁸.

Сувнинг инсоният ҳаёти ва у томонидан ташкил этиладиган фаолият соҳаларидаги аҳамияти шу қадар каттаки, буни кишилиқ тарихи тараққиётининг деярли барча босқичларида сувли ҳудудларга эгалиқ қилиш, сувдан ўз эҳтиёжлари, баъзи ҳолатларда эса шахсий манфаатлар йўлида фойдаланишга уриниш учун олиб борилган курашлар мисолида ҳам англаш мумкин. Бироқ, инсониятнинг юксак тафаккур, маънавий-ахлоқий қадриятлар, инсонпарварлик ғояларга эга бўлиши тарихий тараққиётнинг дастлабки поғоналарида уруғлар, қабилалар, сўнгги босқичларида эса давлатлар томонидан сувдан шахсий эҳтиёжлар учун эмас, балки умуминсоний манфаатлар йўлида фойдаланиш имкониятини таъминлаб келган. Саноат ривожланишининг юқори босқичи бўлган мавжуд шароитда сув тобора давлатлар ижтимоий, иқтисодий тараққиёти даражасини белгиланишда стратегик аҳамият касб этувчи омиллардан бирига айланиб бормоқда.

Трансчегаравий сув ресурсларини бошқаришдан дастлаб бу каби дарёларда кемаларнинг эркин қатнови учун қулай муҳитни яратиш, улар ёрдамида трансчегаравий дарёларда савдо-сотик, товар айирбошлаш ҳамда йўловчи ташишнинг изчил йўлга қўйилишига эришиш мақсади кўзланган. Турли мамлакатлар ҳудудидан оқиб ўтадиган трансчегаравий дарёлар, кўлларнинг табиий имкониятларидан тор миллий манфаатлар йўлида фойдаланишга уриниш борасидаги муаммолар XVIII-XIX асрларда юзага келган. Доимий келишмовчиликлар бир-бирига қўшни давлат ўртасида трансчегаравий дарё, кўлларнинг имкониятларидан фойдаланиш борасида юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш, аксинча мавжуд сув ҳавзаларидан биргалиқда, ўзаро ҳамкорликда фойдаланиш юк ташиш, ишлаб чиқариш, халқаро муносабатларни ташкил этишда муваффақиятларни кафолатлай олиш йўллари изланиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Бироқ, ҳар бир қирғоқбўйи давлати трансчегаравий сув ҳавзаларига нисбатан муносабатда ўзи ва қўшни давлатлар учун улардан оқилона, адолатли фойдаланишнинг аҳамиятини тушуна олиши ҳамда ўзаро келишувга кела олишлари зарур эди.

Бу борадаги биринчи қадам XVIII аср охирида, янада аниқроғи 1792 йилнинг ноябр ойида қўйилди. Худди шу санада Франция ҳукумати ўзининг ҳамда Бельгия ва Нидерландия мамлакатлари ҳудудидан оқиб ўтувчи Шельда

⁸ Ўша манба. – 84-бет.

ва Маас дарёларидан фойдаланиш тўғрисидаги Декретни қабул қилиши билан қўйилди. Декретда ушбу дарёлардан фойдаланишда Шельда ва Мааснинг юқори қисмида жойлашган давлатлар томонидан уларнинг имкониятлари, неъматларидан фойдаланишда қўшни мамлакатларга нисбатан тўсқинлик қилмаслиги, адолатсиз ёндашиб, ўзи учун манфаатли ҳуқуқлардан фойдаланмаслиги кўрсатилди.

1814 йилда эса Париж шаҳрида Германия, Франция, Швейцария, Нидерландия, Австрия, Бельгия, Люксембург, Лихтенштейн ва Италия каби 9 та давлат худудидан оқиб ўтадиган Рейн дарёсида кемаларнинг изчил қатновини таъминлаш, ишлаб чиқариш, савдо-сотик ва йўловчи ташиш мақсадида сув ҳавзаси имкониятидан эркин фойдаланишнинг умумий қоидалари баён этилган Тинчлик шартномаси имзоланди.

1818 йилда ташкил этилган Вена Конгрессининг Якуний битимида эса Европанинг барча дарёлари бўйича кемаларнинг эркин қатнашишини таъминлаш тамойили устувор ғоя сифатида эътироф этилди. Мазкур битимда дарёларнинг турли давлатлар ўртасида савдо-сотикни ташкил этишдаги аҳамияти юқори эканлиги қайд этилиб, бу ҳуқуқдан трансчегаравий дарёлар бўйида жойлашган мамлакатларнинг фойдаланишлари учун ҳеч қандай куч тўсқинлик қила олмаслигига алоҳида урғу бериб ўтилди.

Вена Конгрессининг иштирокчилари бир овоздан трансчегаравий дарёлар бўйича кемалар қатнови масаласини ҳал қилиш ҳуқуқига қирғоқбўйи давлатлари эга эканлигини ёқлади. Қирғоқбўйи давлатлари ушбу масалани ҳеч бир таъйиқсиз, бошқа давлатларнинг аралашувларисиз кўнгилли равишда тенг ҳуқуқлилиқ асосида ҳал қилишлари зарур эди. Бу қоидага XIX асрнинг ўрталаригача амал қилинди. Кейинчалик иқтисодий жиҳатдан бақувват давлатларнинг аралашуви, таъйиқи остида Вена Конгресси битими қоидаларига амал қилишда сусткашликларга йўл қўйилди. Натижада халқаро кемалар қатнайидиган дарёларнинг ҳуқуқий режими иқтисодий жиҳатдан бақувват давлатлар томонидан белгиланадиган бўлди.

1884-1885 йилларда мустамлака масалалари бўйича ташкил этилган Берлин Конференциясида 14 та давлат, жумладан, Германия, Франция, Буюк Британия, Россия, Бельгия, Португалия ва АҚШ иштирокида Конго дарёси ҳавзасидан то Ҳинд океанига қадар бўлган худудда эркин савдо қилиш ҳаракатларини амалга ошириш тўғрисидаги Қарор қабул қилинди. Конференцияда Конго дарёси, Нигер дарёси ва унинг ирмоқларида кема қатновини назорат қилиш бўйича Халқаро комиссия таркиби тасдиқланди. Бироқ, амалда бу комиссия ташкил этилмади. Оқибатда Конго ва Нигер дарёлари ҳамда уларнинг ирмоқларида фақат иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларнинг кемаларигина эркин қатнаш имкониятига эга бўлди.

Худди шу даврда Дунай дарёсида кемалар қатновини ташкил этишда муаммолар юзага келди. Ушбу дарё имкониятларидан юқори оқим худудларида жойлашган давлатларнинг адолатсиз, тенгсизлик асосида фойдаланишлари қуйи оқим худудларида жойлашган мамлакатларнинг кескин норозиликларига сабаб бўлди. Оқибатда Дунай дарёси имкониятларидан фойдаланиш масаласини халқаро миқёсда кўриб чиқиш эҳтиёжи юзага келди.

Париж шаҳрида тузилган Тинчлик шартномасига (1814 йил) асосан 1856 йилнинг 30 мартда Дунай дарёсида кемаларнинг эркин катновини йўлга қўйишга оид келишув имзоланиб, кучга киритилди. Шартнома шартларига кўра ушбу сув ҳавзасида кемалар қатнови ташкил этилишини назорат қилиш махсус – Дунай Комиссиясининг зиммасига юклатилди. Комиссия таркиби Буюк Британия, Австрия, Франция, Пруссия, Россия, Сардиния ва Туркия каби мамлакатлар иштирокида шакллантирилди. Бироқ, шартнома шартларига риоя этилмади, қирғоқбўйи кучли давлатларнинг доимий аралашуви, кучли босим ўтказилиши натижасида Дунай дарёсининг табиий имкониятларидан фойдаланиш масаласи янада кескинлашди.

1919-1920 йилларда Германия, Австрия, Бельгия ва Венгрия ўртасида имзоланган шартнома, шунингдек, 1921 йилда имзоланган “Дунай дарёсидан фойдаланиш тўғрисида”ги Конвенцияга мувофиқ Дунай дарёси, унинг Қора денгиз ва Браилов шаҳрига яқин қўйи оқимидан фойдаланиш бўйича халқаро ҳамкорликка эришилди. Конвенция ғояларига таянган ҳолда Европа-Дунай Комиссияси ташкил этилди. Франция, Буюк Британия, Италия, Руминия каби мамлакатлар Европа-Дунай комиссиясининг аъзолари сифатида эътироф этилди. Бельгия, Греция, Югославия, Германия, Австрия, Болгария, Чехия ҳамда Венгрия давлатлари ҳам Конвенция шартларини ёқлаб, уни имзолади.

Конвенция талабларига асосан Дунайнинг Браилов ва Ульм шаҳарлари ўртасидан оқиб ўтадиган қисмида кемалар қатновини ташкил этиш ва тартибга солиш вазифаси Вюртемберг, Бавария, Австрия, Чехия, Венгрия, Югославия, Болгария, Руминия, Буюк Британия, Франция ва Италия давлатларининг вакилларида иборат Халқаро Дунай комиссияси зиммасига юклатилди.

I Жаҳон уруши якунланганидан сўнг ғолиб давлатлар – Буюк Британия ва Франция Европадаги барча давлатларнинг ҳудудларида Эльба, Одер, Неман, Висла, Буг ва Нарва дарёларида кемалар қатновини ташкил қилиш, тартибга солишда бошқаришни ўз қўлига олди. Шунга қарамай, Эльба, Одер ва Неман дарёлари бўйича бошқарув қирғоқбўйи давлатларидан ташкил топган Халқаро комиссияга юклатилди.

II Жаҳон урушидан кейин собиқ Иттифок, шунингдек, Болгария, Руминия, Венгрия давлатлари ўртасидаги шартномага Дунай дарёсида кемалар қатновининг йўловчилар ҳамда барча давлатларнинг савдо кемалари ва товарлари учун очиқ эканлиги, қатновнинг эркин бўлиши тўғрисидаги ғояни баён қилган Низом илова қилинди. Низомда савдо-сотик, кемалар қатнови учун тўланадиган тўловлар, шу илан бирга савдо кемаларининг қатнови учун яратиладиган шароитлардан фойдаланишнинг тенг ҳуқуқлилик тамойилига асосланиши алоҳида қайд этилди.

1949 йилнинг июл-август ойларида Белградда Дунайдаги кемалар қатновини тартибга солиш тўғрисидаги Конвенцияни ишлаб чиқиш мақсадида конференция ўтказилди. Конференцияда қирғоқбўйи давлатлари – собиқ Иттифок, Чехословакия, Болгария, Венгрия, Руминия, Югославия, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Франция давлатларининг иштирокида муҳим ҳужжат – Дунайда кема қатновини ташкил қилиш тўғрисидаги янги Конвенция ишлаб

чиқилди. Конвенция Шарқий Европа мамлакатлари томонидан имзоланди. 1960 йилда ушбу Конвенцияга Австрия давлати ҳам қўшилди.

Белград Конвенцияси Дунай дарёсида кемалар қатновини ташкил этишнинг умумий қоидаларини белгилаб берди. Мазкур ҳужжат Дунай дарёси ҳавзасида жойлашган давлатлар ўртасида икки томонлама келишувларнинг имзоланиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

Дунё мамлакатлари ўртасида трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишда юзага келаётган зиддиятлар XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида БМТ бу масаланинг оқилона ечимини топишга эътиборни қаратди. Натижада БМТ ва унинг Европа иқтисодий комиссияси томонидан трансчегаравий сув муносабатларини тартибга солувчи Конвенциялар қабул қилинди. Ушбу Конвенциялар трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишнинг халқаро ҳуқуқий меъёрларини белгилаб берган бўлса-да, бироқ, айрим давлатлар уларни турли баҳоналар билан тан олмасликлари ва трансчегаравий сув объектларидан ўз тор миллий манфаатлари йўлида фойдаланишга уринишлари туфайли муаммо долзарблигича қолмоқда.

БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳамда суверен давлат сифатида Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларни тартибга солувчи барча меъёрий қоидалар қатори трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш талабларига ҳам қатъий амал қилиб, ўзининг бу борадаги позициясини турли даражадаги йиғинларда изчил намойиш қилиб келмоқда. Хусусан, республика Президенти И.Каримов Нью-Йорк шаҳрида бўлган ўтган БМТнинг “Минг йиллик ривожланиш мақсадлари”га бағишланган йиғилишида сўзлаган нутқи (2010 йил 20 сентябр)да Амударё ва Сирдарё мисолида трансчегаравий сув ресурсларидан ҳамкорликда оқилона фойдаланмаслик мавжуд экологик мувозанатни издан чиқаришга олиб келувчи ўнглаб бўлмас ҳаракат эканлигини таъкидлайди. Яъни⁹:

Каримов И.А. БМТ саммити Минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқ

Ушбу дарёлар (*Амударё ва Сирдарё* – С.М.) сув оқимининг камайиши мазкур кенг минтақанинг шундоқ ҳам заиф экологик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин. Бундай шароитда 30-40 йил аввал, собиқ совет даврида ишлаб чиқилган, мазкур дарёлар юқори қисмида улкан гидроиншоотларни қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга ҳар қандай уринишлар, боз устига, ушбу иншоотлар барпо этиладиган зоналарнинг сеймик хавфи 8-9 баллни ташкил этишини ҳисобга олсак, буларнинг барчаси экологияга ўнглаб бўлмайдиган зарар етказиши ва хавфли техноген ҳалокатларга олиб келиши мумкинлиги аён бўлади

⁹ Каримов И. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир / Асарлар тўплами. 19-том. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2011. – 9-бет.

Хулоса қилиб айтганда, асрлар давомида инсоният сувнинг ўзи ва бошқа барча тирик мавжудотлар ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эгаллигини англаб етган. Кундалик фаолиятда сув манбалари, ҳавзаларини муҳофазалаш, ичимлик суви сифатини сақлаш, сувдан оқилона, тежамкорлик асосида фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Қадимги ёзма манбалар, жумладан, зардуштийлик динининг муқаддас китоби – “Авесто”да сув ҳавзаларини муҳофазалаш, унга зиён етказмаслик ҳар бир кишининг бурчи эканлиги айtilган. Ислom дини ғояларига кўра, сув – Оллоҳ томонидан яратилган буюк неъмат. Уни асраш, исроф қилмаслик солиҳ амаллардан ҳисобланса, аксинча, уни беҳуда сарфлаш, увол қилиш, ифлослантириш гуноҳ эканлиги алоҳида қайд этилади.

Замонавий шароитда миллий давлатлар томонидан трансчегаравий сув ҳавзаларининг имкониятларидан янада кўпроқ фойдаланишга интилиш кучайди. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар эса трансчегаравий сув ресурсларига эга дарё ва кўлларни ўз бошқаруви тасарруфига олишга, улардан фойдаланишда имтиёзли ҳуқуқларга эга бўлишга ҳаракат қила бошлади. Бунинг натижасида қирғоқбўйи давлатларида норозиликлар келиб чиқди, баъзан улар кескин тус олди. Мавжуд зиддиятларнинг олдини олишга бўлган уриниш натижасида трансчегаравий сув ресурсларидан адолатли, тенг ҳуқуқлилиқ асосида фойдаланиш энг самарали йўл эканлигига ишонч ҳосил қилинди. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, турли минтақаларда трансчегаравий сув ресурсларидан адолатли, тенг ҳуқуқлилиқ асосида фойдаланишга эришиш сари амалий қадамлар қўйилди.

1.2. Трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланишнинг назарий мазмуни

Халқаро майдонда турли давлатлар ўртасида трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишда юзага келаётган зиддиятларнинг олдини олишга бўлган уриниш доирасида муаммони назарий жиҳатдан ўрганишга қаратилган ҳаракатлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Мавзуга доир манбаларда муаммо моҳиятини ёритишда муҳим асос бўлиб хизмат қилувчи таянч тушунчалар мазмунини ифодалашга алоҳида эътибор қаратилади. М: “Трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича” Конвенцияси¹⁰да “трансчегаравий сувлар” ҳамда “трансчегаравий сув объектлари” тушунчалари қуйидагича шарҳланади:

Трансчегаравий сувлар – икки ва ундан ортиқ давлатлар чегараларини кесиб ўтадиган ёки шундай чегараларда жойлашган ҳар қандай ер усти ёки ер ости сувларидир

¹⁰ Конвенция по охране и использованию трансграничных водотоков и международных озер // http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/watercourses_lakes.shtml

Трансчегаравий сув объектлари – икки ва ундан ортиқ давлатлар чегараларини кесиб ўтадиган ёки шундай чегараларда жойлашган сув объектлари

А.Гончаренко томонидан олиб борилган тадқиқотда “трансчегаравий дарё сувлари” термини илмий изланиш учун таянч тушунча сифатида қабул қилинган. Муаллиф бу тушунчага шундай таъриф¹¹ беради:

Трансчегаравий дарё сувлари чегарага туташган чегарадош давлатлар ҳудудига тегишли бўлади ва бу ҳудудларнинг таркибий қисми саналади

Тадқиқотчи томонидан трансчегаравий сувларнинг таркибий асоси ҳам белгилаб берилади. Яъни:

Трансчегаравий дарё сувларини халқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқли бўлган дарё, кўл, канал, сув омбори, денгиз ва океанлар, ер ости сувлари, тупроқ намлиги, музликлар ва қор қопламларининг сувлари ташкил этади

Ўз тадқиқотида А.Гончаренко “трансчегаравий дарёларнинг сув ресурслари” тушунчаси¹²ни ҳам назарий жиҳатдан асослашга уринади. Унинг фикрича:

Трансчегаравий дарёларнинг ҳавзаларида ер юзаси ва ер остида ҳосил бўлиб, табиий ўзанларда оқадиган сув оқимлари **трансчегаравий дарё сув ресурслари** ҳисобланади. Трансчегаравий дарё сув ресурслари одатда икки ёки ундан ортиқ давлатлар ҳудудидан ёки уларнинг чегаралари орқали оқиб ўтади


“Ҳозирги кунда 250 дан ортиқ йирик дарёлар ва уларнинг ирмоқлари халқаро аҳамиятга эга саналади. М: Европада Дунай (10 та давлат ҳудудидан оқиб ўтувчи), Африкада Нигер (9 та давлат ҳудудидан оқиб ўтувчи), Жанубий-Шарқий Осиёда эса Меконг (6 та давлат ҳудудидан оқиб ўтувчи) дарёлари ва б. шулар жумласидандир”¹³.

¹¹ Гончаренко А. Использование ресурсов трансграничных вод: состояние и перспективы // Ж. Мировая экономика и международные отношения. – Москва: 2002. – № 5. – С. 83.


¹² Ўша манба. – С. 83.

¹³ Ўша манба. – С. 83.

Ўзбекистон Республикасининг халқ хўжалигида икки йирик трансчегаравий сув ресурсларига дарё муҳим аҳамиятга эга. Улар ҳам бир неча ўзаро чегарадош давлатларнинг ҳудудларидан оқиб ўтади. Яъни (1- ва 2-расмлар):



1-расм. Сирдарё дарёси хавзасига кирувчи давлатлар



2-расм. Амударё дарёси хавзасига кирувчи давлатлар

Трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш муаммосини тадқиқ қилишда яна бир тушунча аҳамиятли бўлиб, таянч тушунчалар сирасига киради. Бу тушунча “сув ресурсларини мукамал бошқариш”дир. Соҳага оид айрим тадқиқотларда ушбу тушунча моҳиятини ёритишга ҳам эътибор қаратилган. Жумладан, мазкур тушунчаси Глобал Сув ҳамкорлиги (ГСХ) ташкилоти томонидан шундай¹⁴ шарҳланади:

Сув ресурсларини интеграллашган тарзда бошқариш – юқори даражада иқтисодий ва ижтимоий фаровонликка эришиш мақсадида адолатли асосда ҳаётий муҳим экологик тизим барқарорлигига зиён етказмаган ҳолда сув, тупроқ ва уларга мос келувчи ресурсларни ўзаро мувофиқ ривожлантирилиши ва бошқарилишини таъминловчи жараён

¹⁴ Ҳавзаларда сув ресурсларини мукамал бошқариш бўйича Йўриқнома. – Париж: Франция тараққиёт агентлиги, 2012. – 9-бет.

“Ҳавзаларда сув ресурсларини мукаммал бошқариш бўйича Қўлланма”да эса мазкур тушунчанинг моҳияти бир қатор омилларни инобатга олиш асосида ташкил этиладиган жараён¹⁵ эканлиги кўрсатилади:

Сув ресурсларини интеграллашган бошқариш – сув ресурсларини бошқаришда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, молиявий, вақт ва инсон омилларидан яхлит, бир бутун ҳолда фойдаланишга эришишни назарда тутадиган жараён. Бу жараён узок муддатли ва беқарор характерга эгаллиги билан жиддий ёндашишни тақозо қилади. Чунки сув ресурсларини интеграл бошқаришнинг умумий тавсифи, ҳолати ва самарадорлиги вақт ўтиши билан бошқа, хусусан, трансчегаравий сув ҳавзалари кўриниши, иқлим шароити, сув оқими, ресурслар ҳажми ва бошқа омилларнинг ўзгариши билан боғлиқ равишда янгича мазмун касб этиши мумкин. Бунинг натижасида сув ресурсларини интеграл бошқаришнинг аҳамиятлилик даражаси ҳам ёки ошади, ёки пасаяди

АҚШнинг USAID ташкилоти ҳам ўз тадқиқотларида “сув ресурсларини мукаммал бошқариш” тушунчасини тегишли соҳа нуқтаи назаридан ёритишга ҳаракат қилади. Ташкилотнинг тушунча моҳиятига нисбатан ёндашуви¹⁶ қуйидагича:

Сув ресурсларини интеграллашган бошқариш – жамиятнинг сувга, қирғоқбўйи ресурсларига бўлган узок муддатли эҳтиёжларини, зарур экологик хизмат турлари ва уларни кўрсатишдан олинadиган иқтисодий фойдани аниқлаш мақсадида манфаатдор томонларнинг ўзаро бирлашувига асосланувчи иштирокига таянган ҳолда ҳамкорликда режалаштирилиб, амалга ошириладиган жараён

Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда биз ўрганилаётган муаммо моҳиятини ёритишда асосий ўрин тутадиган таянч тушунчаларни қуйидагича шарҳлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Трансчегаравий сув ресурслари – асрлар давомида ижтимоий омиллар таъсирсиз табиий равишда ҳосил бўлиб, икки ва ундан ортиқ давлатлар ҳудудидан оқиб ўтадиган табиий ўзанларга эга ер усти ёки ер ости сувларидир

¹⁵ Дарё ҳавзаларида сув ресурсларини мукаммал бошқариш бўйича Йўриқнома. – Париж: Франция тараққиёт агентлиги, 2012. – 9-бет.

¹⁶ Интегрированное управление водных ресурсов в трансграничных бассейнах // www.usaid.gov/or_work/environment/Water/what_is_iwrm.html.

Трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш –

икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг ҳудудидан табиий ўзанларда оқиб ўтадиган сув ҳавзалари (дарё, кўл ва сув сатҳлари)нинг имкониятларида уларнинг табиий шароити ва қўшни давлатларнинг миллий манфаатларига зиён келтирмаган ҳолда аҳоли ва халқ хўжалигининг сув ҳамда сувда мавжуд бўлган табиий неъматларни ўзлаштиришга бўлган табиий эҳтиёжни қондириш

Трансчегаравий сув ресурсларидан ҳамкорликда

фойдаланиш – икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг ҳудудидан табиий ўзанларда оқиб ўтадиган сув ҳавзалари (дарё, кўл, сув сатҳлари)нинг имкониятларига таяниб, уларининг табиий шароити ҳамда қўшни давлатларнинг миллий манфаатларига зиён етказмаган, шунингдек, алоҳида имтиёзга эга бўлишни даъво қилмаган ҳолда тенг ҳуқуқлилик тамойилига ўзаро келишув асосида ҳамкорликда адолатли равишда миллий талаб ва эҳтиёжни қондириш

Трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш –

халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тегишли ҳужжатларда белгиланган талабларга қатъий риоя қилиш, трансчегаравий сув ҳавзаларининг табиий шароити ва қўшни давлатларнинг миллий манфаатларига зиён етказмаган ҳолда сув ресурсларидан фойдаланишга йўналтирилган амалий ҳаракатларнинг адолатли, оқилона ва самарали бўлишига эришиш жараёни


Трансчегаравий сув ресурсларини интеграллашган

бошқариш – халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тегишли ҳужжатларда белгиланган талабларга қатъий риоя қилиш, трансчегаравий сув ҳавзаларининг табиий шароити ва қўшни давлатларнинг миллий манфаатларига зиён етказмаган ҳолда сув ресурсларидан фойдаланишга йўналтирилган амалий ҳаракатларнинг адолатли, оқилона ва самарали бўлишига эришиш мақсадида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, молиявий, вақт ва инсон омилларида мақсадли, яхлит, бир бутун ҳолда фойдаланилишини таъминлаш

Шундай қилиб, соҳага доир кўплаб адабиётларда трансчегаравий сув ресурсларини бошқаришга оид тушунчаларнинг назарий жиҳатдан шарҳланганлиги муаммонинг мутахассислар эътиборидан четда қолмаганлигини ҳамда унинг назарий ечимини топиш йўлида амалий ҳаракатлар давом этаётганлигини тасдиқлайди. Трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш муаммосининг назарий ечими турли минтакаларда тегишли соҳада юзага келиш эҳтимоли бўлган зиддият ва келишмовчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

1.3. Трансчегаравий сув ресурсларини мукамал бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланишга бўлган ёндашув турлари

Трансчегаравий сув ресурсларини мукамал бошқаришга нисбатан турли ёндашувлар мавжуд. Бу борадаги ёндашувларга тўхталишдан аввал бошқаришнинг қандай нуқтаи назардан амалга оширилишини аниқлаб олиш талаб қилинади. Муаммо моҳиятини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш трансчегаравий сув ресурсларини мукамал бошқариш турли миқёсда амалга оширилишини кўрсатди. Улар (1-расм):



1-расм. ТСРМБ даражалари

1. Трансчегаравий сув ресурсларини мукамал бошқарувнинг халқаро даражада амалга оширилиши трансчегаравий сув ресурсларининг халқаро шартномалар, конвенциялар, кенг кўламли қадриятлар ва яхши кўшничликка амал қилган ҳолда ташкил этилишини тақозо қилади.

Халқаро даражада сув ресурсларидан ҳамкорликда адолатли фойдаланиш ҳамда давлатлараро сув оқимларининг барча давлатлар учун бирдай фойда келтирилишини таъминлайди.

2. Трансчегаравий сув ресурсларини мукамал бошқарувининг миллий даражада амалга оширилиши масалага муайян давлат иқтисодиётининг мавжуд ҳолатини, шунингдек, устувор жиҳатларни инобатга олган ҳолда ёндашиш зарурлигини тақозо қилади.


Бундай бошқариш озик-овқат маҳсулотлари етиштириш, энергетик ресурслар ишлаб чиқариш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича аниқ белгиланган мақсадларга эришишни таъминлайди.

3. Трансчегаравий сув ресурсларини мукамал бошқарувининг ҳавза даражасида амалга оширилиши таҳлил этилаётган муаммони ҳал қилишда индивидуал сув манбаси имкониятларидан фойдаланишда унинг мавжуд ички

имкониятларини, табиий шароитини, ландшафтини, ҳудуддаги аҳамиятини етарлича баҳолай олишни талаб этади.

Бу даражадаги бошқарув ҳар бир сув ҳавзасини муҳофаза қилиш, ички имкониятларини яхшилаш, табиий шароити ва ландшафтига зиён этказмаслик, ҳудуд учун аҳамиятини кучайтириш, бунинг натижасида ҳавза атрофи иқлимнинг ўзгаришсиз сақлашни таъминлашга ёрдам беради.

Трансчегаравий сув ресурсларини мукамал бошқаришда, шунингдек, муайян омиллар инobatга олинади. Аксарият ҳолатларда қуйидаги омилларнинг инobatга олиниши кузатилади (2-расм):



2-расм. ТСРМБда инobatга олинadиган асосий омиллар

1. Трансчегаравий сув ресурсларини аҳоли ва экотизимлар эҳтиёжини инobatга олган ҳолда мукамал бошқариш трансчегаравий сув ресурсларидан барча қирғoқбўйи давлатларининг тенг ҳуқуқлилик асосида, oқилона фойдаланишини, инсон ва экотизимлар эҳтиёжининг етарлича қондирилишини ифодалайди.

Қирғoқбўйи давлатлари аҳолисининг сувга бўлган мавжуд эҳтиёжлари ва экологик тизим барқарорлигини таъминлаш борасидаги талабларнинг қондирилиши сув ресурсларини бошқариш ва уларни тақсимлашнинг устувор вазифа сифатида ҳал қилинишига олиб келади.

2. Трансчегаравий сув ресурсларини бошқарув тамойиллари нуқтаи назаридан мукамал бошқариш қирғoқбўйи давлатларининг сув ресурсларини муҳофаза қилиш, имкониятларини ошириш, улардан қўшни давлатлар билан ўзарo ҳамкорликда адолатли ёндашув асосида тенг ҳуқуқлилик тамойилига кўра фойдаланиш борасидаги мажбуриятларини номарказлаштириш, жамоатчилик, шу жумладан, аёлларни бошқариш ва қарорлар қабул қилишдаги иштирокини таъминлашни назарда тутати. Бу ўринда идораларарo тарансчегаравий сув ресурсларини, шу билан бирга сув ҳавзаси чегараларидаги гидрологик иншоотларни бошқаришда ўзарo ҳамкорликка эришиш муҳим аҳамият касб этади.

3. Трансчегаравий сув ресурсларини молиявий барқарорлик нуқтаи назаридан мукамал бошқариш – трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш бошқарув тизими доирасида ишлаб чиқариш сарф-харажатларини тўлиқ қоплашга нисбатан янада фойдалироқ бўлиши мумкин. Бунда сувдан

фойдаланувчилар ва уни ифлослантйрувчилар томонидан кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш назарда тутилади.

4. Трансчегаравий сув ресурсларини уларда юзага келган вазият нуқтаи назаридан мукаммал бошқариш – индивидуал сув ҳавзаси имкониятларидан мавжуд вазият (м: қурғоқчил шароит, сув оқимининг кўпайиши ёки камайиши, сув иншоотларининг яроқликлик даражаси, аҳоли ва экологик тизим эҳтиёжи)дан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозимлигини кўрсатади.

Замонавий шароитда трансчегаравий сув ресурсларини мукаммал бошқаришда қирғоқбўйи давлатлари, шунингдек, сувдан фойдаланувчи ташкилотлар ва манфаатдор жисмоний шахслар ўртасида интеграцияни вужудга келтириш мақсадга мувофиқдир. Даражаси, кўлами ва моҳиятига кўра трансчегаравий сув ресурсларини мукаммал бошқаришда интеграцияга эришиш турли даража ва шаклларда амалга оширилади (3-расм).



3-расм. ТСРМБдаги интеграциянинг асосий шакллари

1. Трансчегаравий сув ресурсларини бошқаришда давлатлараро интеграция трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ҳамда улардан фойдаланишда юқори ва куйи оқимда жойлашган мамлакатларнинг манфаатларини бирдек инобатга олиш лозимлигидан келиб чиқади. Бинобарин, сув ресурсларини бошқаруви ҳавза давлатлари аҳолисининг ҳавзадаги сув ресурсларидан тарихан фойдаланиб келганликлари натижасида шаклланган яшаш тарзи ва хўжалик фаолиятини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиниши лозим.

2. Трансчегаравий сув ресурсларини ҳавзавий бошқаришда тармоқлараро интеграция сув ресурсларини иқтисодиёт тармоқлари ўртасида сув туфайли юзага келадиган рақобат ҳамда зиддиятларни ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва бошқариш билан боғлиқдир.

Ушбу тармоқлар – суғориладиган деҳқончилик, гидроэнергетика, ичимлик, маиший-коммунал сув таъминоти, санитария, саноат ва б. саналади.

3. Трансчегаравий сув ресурсларини бошқаришда иқтисодий, экологик ва ижтимоий интеграция сув ресурсларини бошқариш бўйича қарорларни қабул қилишда нафақат молиявий харажат ва фойдани, балки экологик ва ижтимоий харажатларни эътиборга олишни ҳам назарда тутати.

4. Трансчегаравий сув ресурсларини бошқаришда халқаро донорлар ўртасидаги интеграция лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қўллаб-қувватлайдиган ҳамда ёрдам берадиган халқаро молия институтлари ўзаро келишган ҳолда самарали иш юритишлари лозим.

5. Трансчегаравий сув ресурсларини бошқаришда маъмурий интеграция сув ресурсларини бошқариш бўйича мажбурият ҳамда фаолиятни давлат бошқарувининг барча даражасида, жумладан умумдавлат, вилоят ва маҳаллий (қишлоқ) даражаларда мувофиқлаштириш, уларнинг ўзаро боғлиқлигини эътироф этишдан иборатдир.

6. Трансчегаравий сув ресурсларини бошқаришда географик интеграция гидрологик бирликлар (яъни сув шаклландиган майдонлар ва дарёлар ҳавзалари) ёки гидравлик бирликлардан (ирригация тизимлари) сув ресурсларини бошқаришда асосий объектлар сифатида фойдаланишни назарада тутди.


Шундай қилиб, мавжуд шароитда трансчегаравий сув ресурсларини мукамал бошқариш ва улардан фойдаланишга нисбатан турлича ёндашув мавжуд. Гарчи улар турлича бўлса-да, бироқ, умумий ҳолда ягона мақсад - трансчегаравий сув ресурсларини муҳофаза қилиш, сув ҳавзаларининг табиий шароитини сақлаб қолиш, бойитиш, уларнинг имкониятларидан адолатли, оқилона фойдаланишга эришиш учун хизмат қилади.

II БОБ. ТРАНСЧЕГАРАВИЙ СУВ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРНИ МУКАММАЛ БОШҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР

2.1. Трансчегаравий дарёлар ва уларнинг ҳудудий кўлами

Дунёдаги чучук сувларнинг тахминан 60 % и трансчегаравий дарёларнинг сув захиралигига тўғри келади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сув масалалари бўйича Комиссиясининг маълумотларига кўра ҳозирги кунда дунёда жами (282 та) трансчегаравий сув ресурслари қуйидаги давлатлар ҳудудидан оқиб ўтади:



Узунлиги 1000 км дан ошадиган трансчегаравий дарёларнинг умумий сони 79 тани ташкил этиб, улар қуйидаги минтақаларда жойлашган:



Қуйида халқаро аҳамиятга эга дарёлар ва улар ҳудудидан оқиб ўтадиган давлатларга оид маълумотлар келтирилади (1- ва 6-жадваллар).

1-жадвал. Австралия минтақасидаги трансчегаравий дарёлар

№	Дарё	Узунлиги, (км)	Ҳавзага тегишли давлатлар
1.	Сепик	1126	Папуа-Янги Гвинея, Индонезия
2.	Флай	1050	Папуа-Янги Гвинея, Индонезия

2-жадвал. Африка қитъасидаги трансчегаравий дарёлар

№	Дарё	Узунлиги (км)	Ҳавзага тегишли давлатлар
1.	Нил	6852	Миср, Судан, Эфиопия, Эритрея, Танзания, Уганда, Руанда, Бурундия, Кения, Конго
2.	Конго	4700	Конго, МАР, Ангола, Республика Конго, Танзания, Камерун, Замбия, Бурунди, Руанда
3.	Нигер	4200	Нигерия, Мали, Нигер, Алжир, Гвинея, Камерун, Буркина-Фасо, Кот-д'Ивуар, Бенин, Чад
4.	Замбези	2693	Замбия, Ангола, Зимбабве, Мозамбик, Малави, Танзания, Намибия, Ботсван
5.	Убанги- Уэле	2300	Конго, МАР
6.	Кассаи	2153	Ангола, Конго
7.	Оранжевая	2092	ЖАР, Намибия, Ботсвана, Лесето
8.	Лимпопо	1800	Мозамбик, Зимбабве, ЖАР, Ботсвана
9.	Сенегал	1641	Сенегал, Мали, Мавритания
10.	Мовий Нил	1600	Эфиопия, Судан
11.	Окаванго	1600	Намибия, Ангола, Ботсвана
12.	Вольта	1600	Гана, Буркина-Фасо, Того, Кот-д'Ивуар, Бенин
13.	Джуба	1580	Эфиопия, Сомали
14.	Бенуэ	1400	Камерун, Нигерия
15.	Шире	1200	Мозамбик, Малави
16.	Кванго	1100	Ангола, Конго
17.	Гамбия	1094	Гамбия, Сенегал, Гвинея

3-жадвал. Осиё қитъасидаги трансчегаравий дарёлар

№	Дарё	Узунлиги (км)	Ҳавзага тегишли давлатлар
1.	Енисей	5539	Россия, Монголия
2.	Обь -Иртыш	5410	Россия, Қозоғистон, ХХР, Монголия
3.	Амур	5052	Россия, ХХР, Монголия
4.	Меконг	4350	Вьетнам, Кампучия, Лаос, Таиланд, Мьянма, ХХР
5.	Евфрат	3596	Ироқ, Туркия, Эрон, Сирия
6.	Инд	3180	Покистон, Ҳиндистон, ХХР, Афғонистон
7.	Сирдарё	3078	Қозоғистон, Қирғистон, Ўзбекистон, Тожикистон
8.	Салуин	3060	ХХР, Мьянма, Таиланд
9.	Брахмапутра	2948	Ҳиндистон, ХХР, Непал, Бангладеш, Бутан
10.	Амударё	2620	Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Афғонистон
11.	Ганг	2510	Ҳиндистон, Бангладеш, Непал
12.	Ишим	2450	Қозоғистон, Россия
13.	Чжуцзян	2200	ХХР, Вьетнам
14.	Тигр	1950	Туркия, Ироқ, Сирия, Эрон
15.	Тобол	1591	Қозоғистон, Россия
16.	Енисей	1480	Россия, Монголия
17.	Днестр	1352	Украина, Молдавия
18.	Или	1400	ХХР, Қозоғистон
19.	Сатледж	1372	ХХР, Ҳиндистон, Покистон
20.	Гильменд	1130	Афғонистон, Эрон
21.	Чинаб	1086	Ҳиндистон, Покистон
22.	Аракс	1072	Арманистон, Озарбайджон, Эрон, Туркия
23.	Чуй	1067	Қирғизистон, Қозоғистон

4-жадвал. Европадаги трансчегаравий дарёлар

№	Дарё	Узунлиги (км)	Ҳавзага тегишли давлатлар
1.	Волга	3731	Россия, Қозоғистон
2.	Дунай	2850	Руминия, Венгрия, Австрия, Сербия, Германия, Словакия, Болгария, Босния ва Герцеговина, Хорватия, Украина, Молдавия
3.	Урал	2428	Россия, Қозоғистон
4.	Днепр	2287	Россия, Белоруссия, Украина
5.	Дон	1870	Россия, Украина
6.	Кура	1364	Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Туркия, Эрон
7.	Рейн	1320	Германия, Франция, Швейцария, Нидерландия, Австрия, Бельгия, Люксембург, Лихтенштейн, Италия
8.	Эльба	1231	Германия, Чехия
9.	Десна	1130	Россия, Украина
10.	Шимолий Донец	1053	Украина, Россия
11.	Ғарбий Двина	1020	Латвия, Белоруссия, Россия
12.	Висла	1014	Польша, Украина, Белоруссия
13.	Тахо	1006	Испания, Португалия

5-жадвал. Шимолий Америка минтақасидаги трансчегаравий дарёлар

№	Дарё	Узунлиги (км)	Ҳавзага тегишли давлатлар
1.	Миссисипи	6275	АҚШ, Канада
2.	Юкон	3184	АҚШ, Канада
3.	Мукаддас Лаврентия дарёси	3058	Канада, АҚШ
4.	Рио-Гранде	3057	АҚШ, Мексика
5.	Нельсон	2570	Канада, АҚШ
6.	Колумбия	2250	АҚШ, Канада
7.	Колорадо	2333	АҚШ, Мексика
8.	Милк-Ривер	1173	АҚШ, Канада

6-жадвал. Жанубий Америкадаги трансчегаравий дарёлар


№	Дарё	Узунлиги (км)	Ҳавзага тегишли давлатлар
1.	Амазонка	6992	Бразилия, Перу, Боливия, Колумбия, Эквадор, Венесуэла, Гайана
2.	Ла-Плата	3998	Бразилия, Аргентина, Парагвай, Боливия, Уругвай
3.	Пурус	3379	Бразилия, Перу
4.	Мадейра	3239	Бразилия, Боливия, Перу
5.	Жапура	2615	Бразилия, Колумбия
6.	Парагвай	2549	Бразилия, Парагвай, Боливия, Аргентина
7.	Пилькомайо	2500	Парагвай, Аргентина, Боливия
8.	Журуа	2410	Перу, Бразилия
9.	Риу-Негру	2250	Бразилия, Венесуэла, Колумбия
10.	Ориноко	2101	Венесуэла, Колумбия, Гайана
11.	Гуапоре	1749	Бразилия, Боливия
12.	Уругвай	1610	Уругвай, Аргентина, Бразилия
13.	Путумайо	1575	Бразилия, Перу, Колумбия, Эквадор
14.	Игуасу	1320	Бразилия, Аргентина
15.	Мадре-де-Диос	1130	Перу, Боливия
16.	Бермехо	1050	Аргентина, Боливия

Келтирилган жадваллардан кўриш мумкинки, Ер шарида жойлашган барча қитъаларида халқаро аҳамиятга эга дарёлар мавжуд. Халқаро аҳамиятга эга дарёларнинг ҳар бири икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Бу эса трансчегаравий ҳудудларда жойлашган давлатлар томонидан халқаро аҳамиятга эга дарёларнинг табиий шароити, мавжуд ҳолати, ландшафтани сақлаб қолиш, бойитиш, ички имкониятларидан фойдаланишга эҳтиёткорона, адолатли ёндашишни тақозо этади.

Қуйида келтириладиган тасвирлар энг йирик трансчегаравий дарёларнинг халқаро аҳамиятини янада чуқур англашга ёрдам беради.


НИЛ ДАРЁСИ

Нил дарёси Африка қитъасидаги 11 та давлат (Миср, Судан, Жанубий Судан, Эфиопия, Эритрея, Танзания, Уганда, Руанда, Бурундия, Кения, Конго) чегараларидан оқиб ўтади.



АМАЗОНКА ДАРЁСИ

Амазонка дарёси Жанубий Америка минтақасидаги 7 та давлат (Бразилия, Перу, Боливия, Колумбия, Эквадор, Венесуэла ва Гайана) чегараларидан оқиб ўтади.



ДУНАЙ ДАРЁСИ

Дунай дарёси Европа минтақасидаги 10 та давлат (Германия, Австрия, Словакия, Венгрия, Хорватия, Сербия, Болгария, Руминия, Молдавия ва Украина) чегараларидан оқиб ўтади.




ДНЕПР ДАРЁСИ

Днепр дарёси Шарқий Европа минтақасидаги 3 та давлат (Россия, Беларуссия, Украина) чегараларидан оқиб ўтади.




ГАНГ ДАРЁСИ

Ганг дарёси Жанубий Осиё минтақасидаги 3 та давлат (Ҳиндистон, Бангладеш, Непал) чегараларидан оқиб ўтади.



КОЛОРАДО ДАРЁСИ

Колорадо дарёси Шимолий Америка минтақасидаги 2 та давлат (АҚШ, Мексика) чегарасидан оқиб ўтади.



КУРА ВА АРАКС ДАРЁЛАРИ

Кура ва Аракс дарёси Жанубий-Ғарбий Осиё минтақасидаги 5 та давлат (Азербайджан, Грузия, Армения, Туркия, Эрон) чегараларидан оқиб ўтади.



ТИГР ВА ЕВФРАТ ДАРЁЛАРИ

Тигр ва Евфрат дарёси Яқин Шарқ ва Жанубий-Ғарбий Осиё минтақасидаги 4 та давлат (Туркия, Ироқ, Сирия, Эрон) чегараларидан оқиб ўтади.




ЗАМБЕЗИ ДАРЁСИ

Замбези дарёси Жанубий ва Ғарбий Африка минтақасидаги 8 та давлат (Замбия, Ангола, Зимбабве, Мозамбик, Малави, Танзания, Намибия, Ботсвана) чегараларидан оқиб ўтади.



ИОРДАН ДАРЁСИ

Иордан дарёси Яқин Шарқ ва Жанубий-Ғарбий Осиё минтақасидаги 4 та давлат (Сирия, Ироқ, Араб Иттифоқи, Исроил) чегараларидан оқиб ўтади.



Шундай қилиб, дунё миқёсида халқаро аҳамияти эътироф этилган 282 та дарёлар оқиб ўтадиган ҳудудларда трансчегаравий сувлардан оқилона, адолатли фойдаланиш, уларни мукамал бошқариш муаммоси ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

2.2. Трансчегаравий сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш йўналишида фаолият юритувчи халқаро ташкилотлар

Аввал айтиб ўтилганидек, трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш пухта режалаштириш, оқилона ёндашувни талаб этадиган узоқ муддатли, мураккаб жараён саналади. Бу жараённинг мақсадли, изчил, самарали ва мукаммал ташкил этилишида соҳада фаолият олиб бораётган халқаро ташкилотларнинг роли ва ўрни беқиёс.

Трансчегаравий сув ресурсларини мукаммал бошқаришда етакчи ўрин тутадиган халқаро ташкилотлар қуйидагилардир (4-расм):



4-расм. ТСРМБда етакчи ўрин тутадиган халқаро ташкилотлар

Қуйида ана шундай ташкилотлар ва уларнинг фаолиятига оид маълумотлар берилади.

1. Халқаро Сув Ассоциацияси (ХСА; International Water Association – IWA). Ташкилот Буюк Британияда ташкил этилган.

Ташкилотнинг асосий мақсади – чучук сув ҳавзалари ҳолатини яхшилашдан иборат бўлиб, сув таъминоти, қўл, дарё ва денгизлардаги сув миқдорини ўрганиш, шунингдек, сув, жумладан, ичимлик суви сифатини бошқариш, сув таъминоти меъёрларини ишлаб чиқиш каби амалий вазифаларни бажаради

Ассоциация ўз фаолияти доирасида экологик мониторингни ташкил этиш, халқаро дарёларга доир умумий муаммолар бўйича тадқиқотларни олиб бориш, мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этиш учун хизмат қиладиган илғор технологияларни яратиш, уларни амалиётга татбиқ этиш ва сув масалаларини ёритадиган махсус адабиётларни яратиш каби ишларни амалга оширади.

Бугунги кунга қадар ташкилот томонидан трансчегаравий дарёлар сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш муаммолари бўйича Осиё-Тинч океани минтақаси, Яқин Шарқ ва Жанубий-Шарқий Европада кенг қўламли тадбирлар, жумладан, халқаро ва минтақавий конференциялар ташкил этилган.

Ассоциация ўз фаолиятига “**Water 21**” журналининг етакчи мутахассисларини жалб этган ҳолда сув ресурсларини бошқаришга оид туркум масалаларни ёритадиган илмий-техник журнал, техник ҳисоботлар, қўлланмалар, ҳисоботлар ва махсус бюллетенларни чоп этади.

Ташкилот фаолияти доирасида унинг бўлинмалари саналувчи **50** га яқин махсус гуруҳлар иш юритади. Махсус гуруҳларнинг барчаси аниқ белгиланган мақсад ва вазифалар белгиланган индивидуал дастурлар асосида фаолият олиб боради. Дастурлар ўз ғояси ва мазмунига кўра сув ресурсларини мукамал бошқаришга оид барча жиҳатларни қамраб олади. Ҳар бир гуруҳ ўз ташаббуси билан конференция ва учрашувларни ташкил этади. Шунингдек, ассоциация Интернет тармоғи орқали очик мулоқотга асосланувчи форумларни уюштиради

Халқаро Сув Ассоциацияси фаолиятининг муҳим бир йўналиши – БМТнинг ваколатли органлари билан ҳамкорликда ишлаш саналади. Шу билан бирга Сув бўйича Глобал Ҳамкорлик дастури асосида Халқаро Сув Кенгаши ҳамда сув таъминоти, сув тозалаш масалалари билан шуғулланувчи Маслаҳат Кенгаши иштирокида соҳага оид муаммоларни ҳал қилади.

Ассоциация сув ресурсларининг муҳофазаси ва улардан фойдаланиш йўналишида фаолият юритувчи ассоциациялар ҳаракатини ўзаро мувофиқлаштиришни амалга оширишга масъул Халқаро Сув Кенгашининг асосчиси ҳам саналади. Қолаверса, сув ресурсларини бошқариш соҳасида фаолият кўрсатадиган асосий халқаро ассоциациялар, уларнинг гуруҳлари ўртасида ўзаро алоқани ўрнатади.

Айни вақтда **130** та давлат, **750** дан ортиқ ташкилот ва **9** мингга яқин манфаатдор жисмоний шахслар Халқаро Сув Ассоциациясининг аъзолари саналади

2. Халқаро Сув тадқиқоти Ассоциацияси (ХСТА; International Water Research Association – IWRA). Ташкилот **1972** йилда ташкил топган.

Ассоциация халқаро миқёсда сув хўжалигини бошқариш масаласи билан шуғулланади

Ассоциация фаолият мақсадидан келиб чиқиб, сувнинг биологик, кимёвий таркибларини ўрганиш, таҳлил қилиш, сув ресурсларини бошқарувчи органлар фаолияти самарадорлиги, сувдан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини тадқиқ қилади.

“Халқаро сув” журнали
(“Water International” Journal – WIN);

Дайджест

(соҳага оид нашрларнинг қисқача мазмунини ёритувчи рисола)ни чоп этади

3. Европа Сув Ассоциацияси (ЕСА; European Water Association – EWA). Нодавлат, нотижорат мақомга эга ушбу ташкилотга **1981** йилда асос солинган.

Ассоциациянинг мақсади турли (халқаро, минтақа) миқёсида конференция ва учрашувларни уюштириш, ишчи гуруҳларни ташкил этиб, уларни реал муммоларни ўрганишга жалб этиш орқали соҳа мутахассислари ва кенг жамоатчилик эътиборига сув ресурсларини ҳал қилишга оид йўналишларда янги техник ва бошқарув ишланмалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилишдан иборат

Ташкилот ишида деярли барча Марказий ва Шарқий Европа давлатларининг, шу жумладан, Норвегия, Швейцария ҳамда аввал собиқ Иттифоқ таркибида бўлган кўплаб давлатлар иштирок этади.

Ташкилот томонидан
“Европа сув ресурсларини бошқариш”
(“European Water Management”)
номли журнал чоп этилади

Ўз фаолиятида сув муаммолари билан шуғулланувчи нуфузли ташкилотлар – Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича Европа Иқтисодий Кенгаши (ЕИК)нинг бош директори, Стандартлаштириш бўйича Европа Кўмитаси, Атроф-муҳит бўйича Европа агентлиги ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатларининг ҳукуматлари билан алоқа ўрнатиш ушбу ассоциация фаолиятининг муҳим йўналишларидан

бири саналади. Ассоциация таркибига Европа мамлакатларининг 29 та миллий ассоциацияси киради.

4. Халқаро Сув ресурсларини бошқариш институти (ХСРБИ; International Water Management Institute – IWMI). Институт 1984 йилда Шри-Ланка¹⁷да ташкил топган. У нотижорат илмий-тадқиқот ташкилоти саналади.

Институт ер ва сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш,
атроф муҳитни муҳофаза қилишга доир масалаларнинг
тадқиқи билан шуғулланади

Фаолият мақсадига кўра институт томонидан қуйидаги вазифалар бажарилади:

- турли давлатларнинг ҳукуматлари томонидан чуқур англиб, ҳал этилиши зарур бўлган сувни ва қишлоқ хўжалиги хавфсизлигига доир чуқур муаммоларни аниқлаш;
- турли давлатларнинг ҳукуматлари ва тегишли институтлар томонидан фойдаланиши зарур бўлган сув ва ер ресурсларини самарали бошқариш, шунингдек, сув тақчиллиги муаммосини ҳал этилишига оид бошқарув амалиёти ва воситаларини ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва тавсия этиш;
- турли давлатларнинг ҳукуматлари ва жамоатчиликка қашшоқлик ва сувга эҳтиёж ўртасидаги алоқани тушунтириш ҳамда сув етишмаслиги натижасида қашшоқлик келиб чиқишининг олдини олишда ёрдам кўрсатиш;
- ривожланаётган мамлакатларга сув тақчиллиги ва қишлоқ хўжалиги хавфсизлигига дор муаммоларни ечиш учун илмий потенциални яратишда ёрдам кўрсатиш

Бугунги кунда мазкур институт Коломбо, Шри-Ланкадаги штаб-квартирага, шунингдек, Марказий Осиёда фаолият олиб борадиган минтақавий идорасига эга. Минтақавий идора (2001 йил) Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, у Қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари Маслаҳат Гуруҳининг 15 та институтидан бири саналади. Ташкилот Эфиопия, Гана, Непал, Ўзбекистан, Хитой, Лаос ва бошқа яна бир қатор давлатларда ўз вакилларига, жами 16 та давлатда 100 нафар мутахассисларига эга.

5. Бутун Жаҳон Сув Кенгаши (БЖСК; The World Water Council – WWC). У 1996 йилда ташкил топган кўп тармоқли халқаро ташкилот бўлиб, глобал сув муаммоларини ҳал этиш мақсадида ўз атрофига халқаро давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамда соҳанинг етакчи мутахассисларини бирлаштирган.

¹⁷ Международный институт управления водными ресурсами (International Water Management Institute IWMI) // <http://www.eccca-water.net/content/view/2591/120/lang,russian>.

Айни вақтда Штаб-квартираси Франциянинг Марсел шаҳрида жойлашган Бутун Жаҳон Сув Кенгаши дунёнинг 50 та мамлақатида 300 та ташкилотига эга.

Кенгаш томонидан ҳар уч йилда бир марта Бутун Жаҳон Сув форуми ташкил этилади. Форум Бутун Жаҳон Сув куни, яъни 22 мартда ўтказилади. Бугунги кунга қадар Кенгаш томонидан жами 6 бора (Марокаш, 1997 йил; Гаага, 2000 йил; Киото, Осака ва Шига, 2003 йил; Мехико, 2006 йил; Истамбул, 2009 йил; Марсел, 2012 йил)¹⁸ Бутун Жаҳон Сув форумлари уюштирилган.

Халқаро нуфузли ташкилотлар, хусусан, ЮНЕСКО, Жаҳон банки, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам ўз фаолиятида сув ресурсларини бошқариш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, сув сифатини ўрганиш борасида қатор тадқиқот ишларини олиб боради. Сув муаммолари, жумладан, трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш йўналишида деярли барча мамлакатларида институтлар ва жамғармалар фаолият кўрсатади.

Сўнгги ўн йилликда соҳада турли даражада фаолият кўрсатаётган ассоциацияларнинг ўзаро бирлашиш анъанаси кузатилмоқда. Бунинг асосий сабабини қуйидаги икки ҳолат билан асослаш мумкин:

- 1. Глобал ахборотлашув шароитида ассоциация ўртасида доимий равишда ўзаро ахборот алмашиш эҳтиёжининг юзага келиши.** Бугунги кунда ахборотларнинг тезкор алмашинувиға эришмасдан туриб, трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш мавжуд ҳолатни реал баҳолаш ва аниқ кўрсаткичларга таянган ҳолда муаммони ижобий ҳал қилишга эришиб бўлмайди.
- 2. Ассоциациялар олдиға қўйилаётган вазифаларнинг моҳиятан ўзгариши.** Эндиликда улар аввалгидек ГЭС, кемалар қатнови учун иншоотларнинг қаришдан ташқари янада мураккаброқ масалаларни ҳал этишлари, трансчегаравий сув ресурсларини бошқаришда ҳамкорликка эришишнинг самарали йўллари излашлари зарур

Сув муаммолари ва уларнинг ижобий ечимини топиш йўлида амалий, тадқиқотлар олиб борадиган ташкилот (ассоциация)ларнинг фаолияти БМТ томонидан қабул қилинган трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш борасидаги халқаро аҳамиятга эга дастурлар асосий қўлланма бўлиб хизмат қилади. Ана шундай дастурлардан бири – Сув бўйича Глобал Ҳамкорлик дастури саналади.

Сув бўйича Глобал Ҳамкорлик дастурининг асосий ғояси – трансчегаравий сув ресурсларини самарали бошқариш тизимини яратиш, трансчегаравий сув ресурслари бўйича қирғоқбўйи давлатларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, янги лойиҳаларни яратиш, тақомиллаштириш каби вазифаларни ҳал қилишдан иборат

¹⁸ Всемирный Водный Совет // <https://ru.wikipedia.org/wik>.

Дастур доирасида амалга оширилган диққатга сазовор ишлардан бири Нил дарёси ҳавзаси схемасининг ишлаб чиқилганлигидир. Зеро, Нил дарёси муҳим трансчегаравий сув ҳавзаси саналади. Чунки у Миср, Судан, Эфиопия, Эритрея, Танзания, Уганда, Руанда, Кения, Конго каби 20 дан ортиқ давлат ҳудудидан оқиб ўтади.

2001 йилда Женева шаҳрида бевосита Нил дарёсида кемалар қатнови, савдо-сотик, товар айирбошлаш ва йўловчи ташиш, дарё имкониятларидан тенг ҳуқуқлилиқ асосида, эркин фойдаланиш масалаларига бағишланган конференция ташкил қилинди. Конференция ишида бир қатор халқаро аҳамиятга эга дастурлар қабул қилинди. Уларни амалиётга татбиқ этишда Нил дарёси ҳудудидан оқиб ўтадиган давлатларнинг иштироки кўзда тутилган бўлиб, самарадорликка эришишда сув ҳавзаси имкониятларидан оқилона, самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқлигига эътибор қаратилган.


Қисқа қилиб айтганда, трансчегаравий сув ресурсларини мукамал бошқаришда халқаро ташкилотларнинг фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Айни вақтда сув, шу жумладан, трансчегаравий сув ресурсларини бошқаришда муайян, хусусан, Халқаро Сув Ассоциацияси, Халқаро Сув тадқиқоти Ассоциацияси, Европа Сув Ассоциацияси, Халқаро Сув ресурсларини бошқариш институти ҳамда Бутун Жаҳон Сув Кенгаши каби ташкилотларнинг фаолияти дунё миқёсида эътироф этилган. Улар томонидан олиб борилаётган кенг қамровли лойиҳалар трансчегаравий сув ресурсларини мукамал бошқаришдек долзарб муаммони ҳал қилишга сезиларли ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

III БОБ. ТРАНСЧЕГАРАВИЙ СУВ РЕСУРСЛАРИНИ МУКАММАЛ БОШҚАРИШ ВА УЛАРДАН ҲАМКОРЛИКДА ФЙДАЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

3.1. Трансчегаравий сув ресурсларини мукаммал бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланишга доир меъерий ҳужжатлар турлари

Халқаро ва миллий миқёсида трансчегаравий сув ресурсларини мукаммал бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланиш тегишли меъерий ҳужжатларда кўрсатилган талабларга мувофиқ амалга оширилади. Моҳиятига кўра “халқаро келишув ва конвенциялар трансчегаравий объектлар ҳудудларида жойлашган мамлакатлардан улардан фойдаланишда барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олишни назарда тутди”¹⁹.

Назарий жиҳатдан ўрганиш трансчегаравий сув ҳавзаларидан фойдаланиш борасидаги муносабатларни тартибга солувчи меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар²⁰ни аниқлашга ёрдам берди. Улар қуйидагилардир:



4-расм. ТСРМБда етакчи ўрин тутадиган халқаро ташкилотлар

1. Умумий тартибни белгиловчи халқаро аҳамиятга эга конвенциялар.

Бу ўринда трансчегаравий сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланишни ҳуқуқий асослашда БМТ ва унинг Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) томонидан қабул қилинган Конвенциялар муҳим аҳамиятга эга.

Бу каби Конвенциялар сирасида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

¹⁹ Трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш — барқарор ривожланиш омили // <http://www.parliament.gov.uz/upload/iblock/b5a/eporcemxcscfdwjeaumiatkyksme-kwxp1lhoqtlsllo.pdf>.

²⁰ Ўша манба.

1. БМТ Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) нинг “Трансчегаравий сув ҳавзалари ва халқаро кўллардан фойдаланиш тўғрисида”ги Конвенцияси (Хельсинки, 1992 йил).
2. БМТнинг “Халқаро сув оқимларидан кема қатновисиз фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенция”си (1997 йил).
3. “Сув манбалари бўйича” Берлин қоидалари (Берлин, 2004 йил).
4. “Гидроэнергетика ва изчил тараққиёт бўйича” Пекин декларацияси (Пекин, 2004 йил).
5. “Ер ости сувлари бўйича” ЕИК Директиваси (2006 йил) ва б.

Мазкур Конвенциялар асосида иш юритиш трансчегаравий дарёлардан фойдаланишда барча давлатларнинг манфаатларини бирдек инобатга олиш ва сув ресурсларини адолатли бошқариш имкониятларини яратишини бугун бутун дунё экспертлари тан олишмоқда.

Европа иттифоқи сув директиваси қуйидаги асосий мақсадни кўзлайди:

- сув сифатини ёмонлашувини олдини олиш;
- сув экосистемалари ва улар билан боғлиқ ер усти ва ботқоқлик экосистемаларини муҳофаза қилиш ва уларнинг ҳолатини яхшилаш;
- сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни илгари суриш;
 - ер ости сувларини ифлосланишини камайтириш ва бартараф қилиш;
 - сув тошқинлари ва қурғоқчиликларни бартараф қилиш жараёнларини бошқариш

2. Ҳавза тизими бўйича имзоланган шартномалар. Бу каби шартномалар сирасида қуйидагиларни қайд этиш лозим:

1. “Дунай дарёсини муҳофаза қилиш ва ундан барқарор фойдаланиш бўйича” Конвенция (1948 йил).
2. “Ҳинд дарёси сувлари тўғрисида” Келишув (1960 йил).
3. “Меконг дарёсини барқарор ривожлантириш бўйича” Келишув (1995 йил).
4. “Рейн дарёсини муҳофаза қилиш бўйича” Конвенция (1998 йил).
5. “Нил дарёси бўйича” Келишув (1999 йил) ва б.

3. Сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир келишувлар. Ушбу келишувлар ҳам трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона, миллий манфаатлар тенглиги асосида фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга. Бундай меъёрий ҳужжатлар қуйидагилар саналади:

1. Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон Республикалари ўртасида имзоланган “Сув манбаларидан фойдаланишни бошқариш ва уларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Битим (1992 йил 18 феврал).
2. Ҳиндистон ва Бангладеш ўртасида имзоланган Келишув (1996 йил).
3. МДҲ давлатлари ўртасида имзоланган “Трансчегаравий сув объектларидан оқилона фойдаланиш қоидалари тўғрисида”ги шартномалар (1998 йил)

4. Қўшни давлатлар ўртасидаги ТСРФни мувофиқлаштирувчи кўп томонлама давлатлараро битимлар. Соҳада самандорликка эришишда трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишни мувофиқлаштирувчи давлатлараро кўп томонлама битимларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Жумладан:

1. Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон Республикалари ўртасида имзоланган “Давлатлараро манбалардаги сув ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни бошқаришда ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги Битим (Олма-Ота, 1992 йил 18 феврал).
2. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикаларининг ҳукуматлари ўртасида имзоланган “Сирдарё дарёси ҳавза сув-энергетика ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида”ги Битим (Бишкек, 1998 йил 17 март).
3. Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон Республикаларининг Ҳукуматлари ўртасида имзоланган “Оролни қутқариш Халқаро фондини (ОҚХФ) ташкил этиш ва унинг мақоми тўғрисида”ги Битим (Тошкент, 1997 йил 29 май).
4. “Марказий Осиёда давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси тўғрисида”ги Низом (Тошкент, 1992 йил 5 декабр).
5. “Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси қошидаги сув хўжалиги муаммолари бўйича Илмий-ахборот маркази тўғрисида”ги Низом (Бишкек, 1996 йил 9 август).
6. Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссиясининг доимий ҳаракатдаги органи (Котибият) тўғрисидаги Низом (Нукус, 1993 йил 10 октябр).
7. “Сирдарё” сув ҳавзаси бирлашмаси Низоми (Ашхабад, 1992 йил 6 апрел) ва б.

5. Қўшни давлатлар ўртасидаги ТСРФни мувофиқлаштирувчи икки томонлама келишув – (битим)лар. Трансчегаравий сув ресурсларидан

оқилона, миллий манфаатлар тенглиги асосида фойдаланишда икки томонлама келишувлар ҳам ўзига хос ўрин тутди. Бундай келишувлар каторида қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

Сурия ва Иордания ўртасидаги “Ярмук дарёсидан фойдаланиш бўйича” Шартнома (1953 йил).
Испания ва Португалия ўртасидаги “Альбуфейра Конвенцияси” (1998 йил).
Хитой ва Қозоғистон ҳукуматлари ўртасидаги “Трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида”ги Шартнома (2001 йил)

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳар бир давлат учун сув манбалари нафақат иқтисодий, балки стратегик аҳамиятга эга. Шу сабабли инсоният тарихида трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишда ҳам миллий, этник манфаатлар нотенглиги ҳам келиб чиққан ҳолатлар кўп кузатилган. Таассуфки, замонавий шароитда ҳам бундай салбий ҳолатга тўла барҳам беришга эришила олмаяпти. Бунинг натижасида инсоният цивилизациясининг замонавий босқичида ҳам трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишда чегара низолари келиб чиқмоқда. Айрим чегарадош давлатлар ўзаро чегара низолари келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган шартномаларни имзолашга уринишмоқда. Хусусан:

1. Уругвай ва Аргентина ўртасидаги трансчегаравий аҳамиятга эга “Ла-Плата дарёсининг юрисдикцияси бўйича Келишув” (1919 йил).
2. Уругвай ва Аргентина ўртасидаги “Уругвай дарёси чегарасидаги баҳсли ороллар бўйича келишмовчиликларни тўхтатиш, барча баҳсли масалаларни ҳал этиш, қайта кўриб чиқиш ва тавсиялар бериш вазифаларини амалга оширадиган Техник комиссия тузиш тўғрисида”ги Шартнома (1938 йил) ва б.

Собиқ Иттифоқ даврида сув объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Сув Кодекси билан тартибга солиниб, барча иттифоқдош республикалар ўзларининг Сув Кодексига эга бўлган. М: РСФСРда Сув Кодекси 1972 йилда қабул қилинган. Собиқ Иттифоқда гарчи даврий равишда Сув кадастри амалга оширилиб, унга кўра мамлакатнинг сув ресурслари тўғрисидаги маълумотлар, Сув кадастрида сув ресурслари, жумладан, дарёларнинг гидрологик тавсифи ҳам бериб борилган бўлса-да, трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишнинг мукамал тизимини яратишга муваффақ бўлинмади. Асосий равишда, чуқур илмий таҳлил ва башорат қилинмаган ҳолда йирик ГЭС ва хавфли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи заводлар

(жумладан, Тожикистоннинг Турсунзода шахридаги алюмин заводи) 70 йиллик фаолияти давомида сув, айниқса, трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги муаммолар йиғилиб, бугунги кунда айрим минтақалар, хусусан, Марказий Осиё ҳудудида ушбу масала тобора кескин тус олмоқда.

Трансчегаравий сувлардан ҳамкорликда фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари уни имзолаган ёки унга қўшилган давлатлар томонидан мавжуд халқаро ҳужжатлар асосида тартибга солинади. Бундай турдаги асосий ҳужжатлар тоифасига халқаро Конвенциялар, ўзаро келишувлар ва шартномалар киради.

Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг халқаро-сиёсий аҳамиятини баҳолаш қийин, яъни улар асосан трансчегаравий сувлардан фойдаланишда экологик муаммоларни ўзида акс эттириб умумий тавсиявий характер касб этади.

Ҳар бир давлат ўзи жойлашган ҳудудда ўз назорати остидаги сув объектидан сув олиши ва ундан фойдаланиши учун ўзига хос сабаби бўлади. Ўз миллий чегарасидан ташқарида жойлашаган сув захираларини асраш ёки муҳофаза қилишга давлатларда одатда интилиш сезилмайди. Баъзи мамлакатларда эса дарё ва кўллар миллий ўзликни англашнинг асоси, сув ресурсларини бошқариш ва уларни назорат қилиш мамлакат ҳаётий манфатининг омили сифатида қаралади.

Дарё ҳавзасидаги сувларнинг ифлосланиши билан бир қаторда дарёларнинг юқори қисмида турли мақсадлар учун қурилаётган йирик тўғон ва каналлар дарёнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатларнинг хавотирига сабаб бўлмоқда. Чунки бундай қурилишлар дарё ҳавзасидаги сув миқдорини камайиши ва экотизимни бузилишига сабаб бўлади. Ҳаттоки Коларадо ва Ганг каби йирик дарёларининг сувлари баъзи вақтларда денгизгача бориб етмаяпти. Коларадо дарёсининг барча суви бутунлай истеъмол учун сарфланиши натижасида денгизга тушувчи озуқа моддаларининг камайиши ва дарё дельтасида экологик мувозанатни издан чиқиши кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида балиқчилик захираларини камайишига сабаб бўлмоқда.

Трансчегаравий сув ресурсларидан бошқариш билан боғлиқ муаммоларни ечиш ўта қийин масала бўлгани билан, ушбу муаммоларни ўзаро фаол алоқалар ва келишувлар воситасида қисман ёки тўлиқ ечилишига эришиш мумкин.

Охирги 50 йил ичида сув ресурсларидан фойдаланишда 37 марта кескин низолар юзага келган бўлса, 150 ҳолатда ҳамкорликда фойдаланиш бўйича битимлар имзоланган. Бу битимларнинг давлатлар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик барқарорлигини оширишдаги роли доимо юқори баҳоланади.

Ҳақиқатдан ҳам сув ресурслари бўйича тузилган халқаро битимлар узоқ тарихга бориб тақалади. Бундан 4500 йил олдин Лагаш ва Умма давлатлари ўртасида Дажла дарёси сувидан ҳамкорликда фойдаланиш бўйича тузилган битим инсоният тарихида сувдан ҳамкорликда фойдаланиш бўйича тузилган илк битим саналади. Ўша даврдан бошлаб сув ресурслари билан боғлиқ битимларнинг катта миқдори шаклланди. Хозирги кунга келиб сув билан боғлиқ халқаро битимларнинг сони 3600 дан кўпроқни ташкил қилади. Бу битимларнинг асосий қисмини кемалар қатновини йўлга қўйиш ва чегараларни аниқлаштириш йўналишидаги битимлар ташкил қилади. Ўтган асрдан бошлаб

музокаралар ва битимларнинг кўп қисмини кема қатновини йўлга қўйиш эмас, балки сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича тузилган келишувлар ташкил қила бошлади.

Сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий келишувлар гоҳида бир-бирига душман бўлган давлатлар ўртасида ҳам амалга оширилган. 1957 йилдан бошлаб Вьетнам, Камбоджа, Лаос ва Таиланд давлатлари БМТ ёрдамида Меконг дарёси бўйича комиссия ташкил қилинган. Ушбу комиссия хаттоки Вьетнамдаги уруш даврида ҳам олдиндан “Меконг комитети” деб танилиб техник алмашувлар даражасида давом эттирилган.

1955 йилдан бошлаб Америка қўшма штатлари иштирокида Израил ва Иордания давлатлари ўртасида ҳам Иордания дарёсидан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги доимий равишда келишувлар олиб борилган. Хаттоки бу давлатлар ўша вақтлар мобайнида ўзаро юридик жихатидан уруш бошланиши оstonасида бўлганлар.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, кўп ҳолатларда трансчегаравий дарёлар давлатлараро муносабатларда турли хил низоларни келтириб чиқарувчи омил ҳисобланади. Жумладан, ҳозирги кунда трансчегаравий сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш масаласи, ер юзининг бир қатор минтақаларида ижобий ҳал этилмаган.

“Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий манбалардан фойдаланиш тўғрисида” Маъруза (264-бет)да кўрсатилшича, 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси “Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича” Конвенция (Хельсинки, 1992 йил)га қўшилди. Шу йилнинг 3 декабрида республикада Конвенция кучга кирди. Ҳозирги пайтда мазкур Конвенция моддаларини бажариш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2008 йил 11-12 мартда Тошкент шаҳрида “Орол муаммолари: уларнинг аҳоли генофонди, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига таъсири ҳамда улар оқибатларини юмшатиш бўйича халқаро ҳамкорлик қилиш чора-тадбирлари” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унинг асосий мақсадларидан бири Марказий Осиё минтақасининг трансчегаравий сув оқимларини тартибга солиш ва фойдаланиш бўлди.

Худди шу йили Ўзбекистон Республикасида “Кема қатновисиз халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақида”ги Конвенция (Нью-Йорк, 1997 йил)га қўшилиш ва Конвенция мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ масалалар ўрганила бошланди ва кейинчалик Ўзбекистон мазкур Конвенцияга қўшилди²¹.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикасида трансчегаравий сув ресурсларини мукамал бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланишга оид халқаро аҳамиятга эга меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талаблари асосида соҳада юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш йўлида амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бироқ, айрим қўшни давлатларнинг трансчегаравий сув ресурсларини мукамал бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланишга оид

²¹ “Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий манбалардан фойдаланиш тўғрисида” Маъруза // <http://www.uznature.uz/sites/default/files/imce/Maruz.pdf>.

халқаро аҳамиятга эга меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мутлақо зид бўлган ҳаракатлари туфайли муаммо ҳали-ҳануз ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Шундай қилиб, замонавий шароидда дунё миқёсида трансчегаравий сув ресурсларини мукаммал бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланишда муаммоларнинг юзага келиши, ҳатто зиддиятли вазиятлар келиб чиқаётганлиги бу жараёнда барқарорликка эришиш учун хизмат қиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг халқаро аҳамиятини янада оширмоқда. Ўтган йигирма йил ичида собиқ Иттифоқ таркибида бўлган ва сиёсий мустақилликни қўлга киритган республикалар томонидан халқаро аҳамиятга эга соҳага тегишли ҳужжатлар қабул қилиниб, уларда кўрсатилган мажбуриятларни бажаришга киришилди. Айрим давлатлар, хусусан, Марказий Осиёда Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари томонидан халқаро мажбуриятларга зид ҳаракатлар амалга оширилаётган, трансчегаравий сув ресурсларини мукаммал бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланишда барқарорлик, ҳамжиҳатлик таъминланаётган бўлса-да, аммо муаммони ҳал қилишга бўлган ҳаракатларнинг нуфузли ташкилотлар кўмагида ҳал қилишга интилишнинг ўзи ҳам муҳим аҳамият касб этади.

3.2. Трансчегаравий сув ресурсларини мукаммал бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланишга оид халқаро ҳуқуқий меъёрлар

Халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ қирғоқбўйи давлатлари агарда бошқа давлатларнинг табиий шароитларига зарар етказадиган бўлса, у ҳолда трансчегаравий дарёларнинг табиий шароитини, шу жумладан, ландшафт, иқлим ва бошқаларни ўзгартириши мумкин эмас. Қирғоқбўйи давлатлари трансчегаравий дарёлар ва сув ҳавзаларидан бошқа мамлакатларга зиён етказмаган ҳолдагина фойдаланишлари мумкин. Трансчегаравий дарёлар ва кўллари бошқариш қирғоқбўйи давлатлари ўртасида ҳар бир мамлакат ҳамда халқаро кема қатновига оид манфаатлари, қонуний ҳуқуқларини инобатга олган ҳолда ўзаро келишув асосида амалга оширилади.

Трансчегаравий сув захираларидан фойдаланишнинг халқаро ҳуқуқий тамойилларига асосан, ушбу дарёлар ҳавза давлатларининг манфаатларига бирдек тааллуқли ҳисобланади. Яъни, дарёнинг юқори оқимида жойлашган давлат томонидан қуйи оқимда жойлашган давлатларнинг манфаатларини инобатга олмасдан қабул қиладиган ҳар қандай қарорлари ҳавзанинг экотизимига салбий таъсир этиб, миллионлаб инсонларнинг яшаш шароитларини қийинлаштириши мумкин.

Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим, трансчегаравий дарёларнинг юқори оқимида жойлашган давлатлар томонидан сув захираларини бир томонлама қуйи оқимда жойлашган давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олмасдан ўзлаштиришга ҳаракат қилиши ҳавзада жойлашган давлатлар ўртасида турли низоларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мисоллари жаҳон амалиётида учраб туради.

Халқаро ҳуқуқ трансчегаравий сувларни тартибга солишни “адолатли ва оқилона фойдаланиш” меъёридан келиб чиққан ҳолда амалга оширишни назарда тутди. Фойдали қазилмалар ёки нефть каби табиий ресурслардан фарқли равишда, дарё тизими комплекс гидрологик бирликнинг қисми ҳисобланади. Яъни гидрологик бирлик тушунчасига тизим сифатида қараб дарё ҳавзасига музликлар, қорликлар, сойлар, кичик дарёлар ва йирик дарёни шакллантирадиган бошқа сув объектларини киритиш нуқтаи назардан қараш лозим. Бунда оқимнинг юқори қисмидаги ҳар қандай тизим элементи (сув объектига) кўрсатиладиган табиий ёки сунъий ҳодисалар унинг бошқа қисмидаги сув ресурсларининг ҳажми, сифати ёки миқдорида акс этиши мумкин. Шунинг учун, мамлакатлар орасида трансчегаравий сувлар борасида ўзаро келишувларни излашга қаратилган чора-тадбирлар бир томонлама эмас, балки мувофиқлаштирилган ҳаракатларга йўналтирилган бўлиши керак. Сабаби миллий чегаралар доирасида сув ҳавзасининг муайян қисмига нисбатан амалга ошириладиган тадбирлар бутун ҳавзага таъсир кўрсатишини унутмаган ҳолда, ундаги трансчегаравий сув ресурсларини ҳамкорликда бошқариш ва улардан фойдаланишни талаб қилади.

Амалдаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, муайян давлат ҳудудида шаклланувчи дарё оқими шу мамлакат томонидан бошқарилиши тан олинсада, бу мамлакат трансчегаравий саналган дарё сувлари оқимини ростлашда дарё оқимининг қуйи қисмида жойлашган сув истъеъмолчилари манфаатлари ва уларнинг хўжалик фаолиятига зарар етказмаган ҳамда қуйида жойлашган ҳудудлар экологик шароитларига салбий таъсир қилмаган ҳолда иш юритиши лозим²².

Айтиш мумкинки, кўп ҳолатларда трансчегаравий дарёлар давлатлараро муносабатларда турли хил низоларни келтириб чиқарувчи омил ҳисобланади. Жумладан, ҳозирги кунда трансчегаравий сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш масаласи, ер юзининг бир қатор минтақаларида ижобий ҳал этилмаган. Яқин Шарқда Дажла ва Фрот дарёси (Туркия, Сурия, Ироқ), Иордан дарёси (Исроил, Сурия, Иордания ва Ливан), Африкада Нил дарёси (Миср, Судан, Эфиопия, Уганда), Замбези дарёси (Ангола, Ботствана, Замбия, Зимбабве, Мозамбик, Намибия), Кавказда Аракс дарёси (Арманистон, Озарбайжон, Эрон, Туркия), шунингдек, Ганг дарёси ҳавзалари (Ҳиндистон ва Бангладеш) сув ресурсларидан фойдаланиш масаласида қайд этилган ҳавза давлатларининг манфаатлари бир-бирига зиддир. Сўнгги 50 йил мобайнида давлатлараро муносабатларда трансчегаравий сув ресурслари билан боғлиқ 500 дан ортиқ низоли ҳолатлар қайд этилган бўлса, 40 дан ортиқ давлатлараро низо даражасидаги эътирозли вазиятлар юзага келган²³.

Альп тоғларидан шаклланидиган ва , узунлиги 1233 км бўлган Рейн дарёси Ғарбий Европанинг Швейцария, Лихтенштейн, Австрия, Германия, Франция ва Нидерландия давлатлари ҳудудидан оқиб ўтади. Мазкур дарё ҳавзасида 1986 йилнинг 1 ноябрида Европадаги энг йирик экологик офатлардан бири

²² Международное право. Т. 7. – М.: 1992. – С. 81-83.

²³ Рысбеков Ю.Х. Трансграничные водные ресурсы Центральной Азии: политические и правовые аспекты бесконфликтного использования // Информационный сборник НИЦ МКВК. – Ташкент, 2006.-№1.С.12-34.

кузатилган. Бунда Швейцариянинг Базель шаҳридаги “Сандос” фирмасига тегишли бўлган кимё заводида ёнғин юзага келиши натижасида, дарёга 30 тоннадан ортиқ пестицидлар, симоб ва бошқа қишлоқ хўжалиги кимёвий воситалари ташланган. Оқибатда Рейн дарёси суви қизил тус олади ва ҳавзага тегишли бўлган барча мамлакатларнинг дарё ҳавзасида яшайдиган аҳолисини ўз уйларидан ташқарига чиқишлари ман этилган. Ўн кундан кейин эса ифлосланиш Шимолий денгизгача бориб етади. Натижада Рейн дарёси ҳавзаси давлатлари ўртасида маълум келишмовчиликлар келиб чиқади. Кейинчалик 1987 йилда ҳавза давлатлари томонидан 2000 йилгача мўлжалланган “Рейн-ҳаракат” Дастури ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ қилинган²⁴.

Шунингдек, АҚШ ва Мексика ўртасида Колорадо, Рио-Гранде ва Тихуану каби трансчегаравий дарёлар оқиб ўтади. Айнан шу трансчегаравий дарёлар омили бир неча йиллар давомида икки давлат ўртасида бу борада турли зиддиятларни келиб чиқишига сабаб бўлди. Ушбу дарёларнинг сув захираларидан фойдаланиш бўйича 1944 йил 3 февраль куни АҚШ ва Мексика ўртасида шартнома тузилди. Бу шартномада фақат давлатлар ўртасида дарёлар сув миқдорининг тақсимланиши кўрсатиб ўтилган бўлиб, сувнинг сифати тўғрисида ҳеч нарса қайд этилмаган. Шартноманинг бу камчилиги АҚШ томонидан саноат чиқиндиларини асосан Колорадо дарёсига ташланиши ва сувнинг ҳаддан зиёд шўрланиши натижасида яроқсиз ҳолга келишига олиб келди. Бу ҳолат ўз навбатида дарёнинг қуйи оқимида жойлашган Мексиканинг қишлоқ хўжалиги ва аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш соҳаларига жиддий зарар етказди. Бунинг оқибатида қишлоқ хўжалиги экинларининг маҳсулдорлиги пасайиб, экин майдонларининг шўрланиши натижасида тупроқ эрозиясининг кучайиши билан боғлиқ экологик муаммолар юзага келди. Айнан трансчегаравий дарёлар омили 1972 йилда Мексикада ҳукумат томонидан олиб борилаётган ташқи сиёсатдан аҳолининг норозилигига ҳамда амалдаги давлат президенти истеъфога чиқишига сабаб бўлди²⁵.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, трансчегаравий сувлардан фойдаланиш нафақат зиддиятли муносабатларни шакллантириши балки, давлатларнинг интеграциялашувига туртки бўладиган омил бўлиши ҳам мумкин.

Жумладан, Дунай дарёсининг Европадаги 6 та мамлакат: Европа Иттифоқига аъзо ва номзод давлатлар ҳамда Европа Иттифоқига қўшни бўлган Украина ва Молдова давлатлари ҳудудидан оқиб ўтиши ҳозирги кунда нафақат ушбу мамлакатлар ўртасида сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш масаласини ижобий томонга, балки мазкур давлатлар ўртасидаги ўзаро товар айрибошлаш ҳажмининг ўсишига ва минтақада интеграция жараёнларини жадаллашувига ижобий таъсир этмоқда. Шу сабабли, Европа Иттифоқи бу имкониятдан фойдаланган ҳолда, шарқий ва ғарбий Европа давлатлари ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтиришга ҳаракат қилмоқда.

²⁴ Рейн // <http://ru.wikipedia.org/wiki>.

²⁵ Роберт Г. В. Соединенные штаты и их соседи // Ж. Информационный сборник НИЦ МКВК. – Москва: 2001.- №2 (15). – С. 4-11.

Шунингдек, Европа Иттифоқи томонидан ҳозирги кунда Дунай дарёсидан Россия, Осиё ва Кавказ минтақаларидаги давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришида ҳам транспорт коридори сифатида фойдаланилмоқда²⁶.

Европа мамлакатларидаги тажриба, яъни дарёни “ҳавзавий бошқариш” жараёни айрим минтақаларда жойлашган мамлакатлар томонидан тан олинмасдан, трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан фойдаланишда ва бошқаришда бир томонлама сиёсат юритилиши кузатилади. Давлатлараро муносабатларда трансчегаравий кичик дарёларнинг сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш масаласининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги конфликтли ҳолатларни юзага келтириши мумкин. Бу ҳолат айниқса Жанубий Кавказ минтақаси давлатлари Грузия, Арманистон ва Озарбайжон Республикалари ўртасидаги муносабатларда яққол кузатилади. Хусусан, Арманистон ва Озарбайжон ўртасида Кура ва Аракс сингари йирик трансчегаравий дарёлар ҳавзалари жойлашган.

Арманистон ва Грузия Озарбайжонга нисбатан денгиз сатҳидан баландда жойлашганлиги сабабли минтақадаги трансчегаравий сувларнингқуйи оқими ушбу мамлакат ҳудудида қуйилади. Мамлакатнинг асосий дарёлари Кура, Аракс, Самур, Ганих каби трансчегаравий дарёлар ҳисобланади. Мамлакатда жами 21 та трансчегаравий дарёлар мавжуд²⁷.

Жанубий Кавказ мамлакатлари ичида фақатгина Озарбайжон БМТ ЕИКнинг трансчегаравий сувлар ва халқаро қўллардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш (Хельсинки 1992 й) бўйича Конвенцияга қўшилган ва ратификация қилган. Шунинг учун Озарбайжон трансчегаравий сувларни ҳамкорликда бошқариш бўйича маълум бир натижага эришиш мақсадида ҳавза давлатлари билан айнан мана шу Конвенция меъёрлари асосида ҳуқуқий асосларни яратишга интилади².

Айни вақтда Озарбайжон Грузия, Эрон Ислом Республикаси ва Россия Федерацияси билан мавжуд трансчегаравий сувлардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқий муносабатларни икки томонлама идоралараро имзоланган бир нечта Келишувлар асосида тартибга солиб келмоқда. Бироқ, Арманистон билан трансчегаравий сувлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш масаласи ҳозирги кунда Тоғли Қорабоғ конфликтини туфайли ўз ечимини топмай қолмоқда.

Шу билан бир қаторда, кўп йиллардан буён Озарбайжон Республикаси ҳудудига оқиб кирувчи трансчегаравий сувларнинг ифлосланиш даражаси юқориликча қолмоқда. Хусусан Арманистон Республикаси орқали республикага оқиб кирувчи Охчухай дарёси шу даражада ифлосланганки уни ҳатто маҳаллий аҳоли “ўлик дарё” деб аташади. Мазкур дарё сувларида йиллик ифлослантирувчи кимёвий моддалар (асосан азот, фенол, мис ва нефть маҳсулотлари) миқдори белгиланган санитария нормаларидан бир неча ўн мартабага ошиб кетган. Озарбайжонда тозалаш иншоотларининг техник

²⁶ Кичигина Н. Дунай – потенциал сотрудничества и конфликтов // Ж. Еженедельник. – Москва: 2008. - №41. – С. 26.

²⁷ Реки Азербайджана // <http://ru.wikipedia.org/wiki>.

ҳолати замон талабларига жавоб бермаслиги сўнгги 10 йил ичида сув билан боғлиқ 8 та эпидемик вазиятлар қайд этилишига сабаб бўлган.

Умуман олганда, Озарбайжон ва Арманистон Республикалари томонидан трансчегаравий кичик дарёлар сувларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасини тартибга солиш борасида аниқ ҳуқуқий асосларнинг яратилмаётганлиги айни вақтда икки томонлама муносабатларга фақатгина салбий таъсир кўрсатиб, сиёсий, иқтисодий ва бошқа муҳим йўналишларда Келишувларга эришишга тўсиқ бўлмоқда.

Трансчегаравий сувлар омилининг давлатлар ўртасидаги муносабатларга ижобий таъсирининг мисоли сифатида ҳозирги кунда Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари томонидан ҳамкорликда фойдаланилаётган Чу ва Талас дарёларини ҳам кўрсатиш мумкин. Ушбу трансчегаравий дарёлардан ҳамкорликда фойдаланиш масалалари икки давлатнинг ўзаро муносабатларида катта аҳамиятга эга. Хусусан дарёлар сувларидан ҳамкорликда фойдаланишни оқилона йўлга қўйилиши Қозоғистон Республикасининг асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб берадиган Жамбул вилоятини сув ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондиришда ва икки давлат ўртасида бу соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга имконият яратди.

Шунингдек, Қирғизистон Республикаси ҳудудида жойлашган Чуй дарёсидаги Ўртатўқай сув омбори, ғарбий ва шарқий Чуй каналлари, Чўмимиш гидроузели ҳамда Талас дарёсидаги Киров сув омборлари каби йирик гидротехник иншоотларнинг техник носозлиги оқибатида юзага келиши мумкин бўлган сув тошқинларининг олдини олиш мақсадида, уларнинг техник ҳолати ва мустаҳкамлиги устидан ҳамкорликда назорат қилиш йўлга қўйилди²⁸.

Ҳамкорликнинг ривожлантирилиши натижасида икки давлат мутахассислари ўртасида маълумот алмашувнинг йўлга қўйилиши орқали дарёларнинг қўйи оқимларида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришни режалаштириш, сув орқали тарқаладиган турли юқумли касалликларни ўз вақтида аниқлаш, сув тошқинлари оқибатида келиб чиқадиган иқтисодий ва экологик зарарларни камайтиришга эришилган²⁹.

Шундай қилиб, трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш кўплаб мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги инфраструктураси, шунингдек қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барқарорлигини таъминлашда тенгсиз аҳамиятга эга. Шунинг учун мазкур сув ресурсларини самарали бошқариш ва улардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш мамлакатимиз олдидаги энг долзарб вазифалардан саналади.

²⁸ Кудайбергенов Н. Современное состояние и пути развития сотрудничества с Кыргызской Республикой в бассейнах трансграничных рек Чу и Талас // Ж. Бюллетень НИЦ МКВК. – Ташкент: 2005.- № 2 (41) – С. 35-46.

²⁹ Тот источник. – С. 35-46.

3.3. Трансчегаравий сув ресурсларини мукаммал бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланишда “Дарё ҳавзаларида сув ресурсларини мукаммал бошқариш бўйича қўлланма”нинг аҳамияти

2008 йилда Глобал Сув Ҳамкорлиги (ГСХ) ва “Ҳавза ташкилотларининг Халқаро тизими” (ХТХТ) томонидан “Ҳавзаларда сув ресурсларини мукаммал бошқариш бўйича Қўлланма” (“Руководство по интегрированному управлению водными ресурсами в трансграничных бассейнах рек, озер и водоносных горизонтов”)³⁰ ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжат 2009 йилнинг март ойида Туркиянинг Истамбул шаҳрида ташкил этилган V Бутунжаҳон Сув форумида жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинди. Қўлланма Ер шарининг деярли барча давлатлари томонидан ижобий қабул қилинди. Чунки ўз мазмунига кўра Қўлланма трансчегаравий сув ресурслари (ТСР)ни мукаммал бошқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Унда Ер шарига барча трансчегаравий сув ҳавзалари мисолида трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишнинг аҳамияти, бу борадаги мавжуд ҳолат, халқаро аҳамиятга эга сув ҳавзаларига нисбатан салбий ёндашув оқибатларига доир маълумотлар ёритилган. Шунингдек, “Йўриқнома”да турли давлатларда трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари умумлаштирилади

“Қўлланма”да келтирилган далиллар ёрдамида турли минтақаларда трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш йўналишида юзага келган ёки келаётган муаммоларни ҳал қилиш имконияти мавжуд.

Хўш, бу ва бу каби қўлланмаларни тайёрлашдан қандай мақсад кўзда тутилади? Ёки бу каби Қўлланмалар қандай амалий аҳамиятга эга?

Бугунги кунда Ер шарининг катта миқдордаги аҳолисининг тақдири, ҳаёти ўзлари мансуб бўлган жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиёти ҳамда экологик тизим ҳолатига, шунингдек, турли давлатларнинг ҳудуди ёки чегарасидан ўтадиган дарё, кўл ва уларнинг сув ресурсларига бевосита боғлиқ. Шу сабабли трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш барча даврларда, айниқса, глобаллашув шароитида муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, трансчегаравий дарё ва кўлларга эга давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти, уларда юза келаётган молиявий, инқирозлар, иқлим ўзгариши, минтақавий беқарорлик қайтар (тескари) алоқа асосида трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш жараёнига жиддий таъсир кўрсатади. Бу таъсир санаб ўтилган омилларнинг ҳолатига кўра салбий ёки ижобий ҳам бўлиши мумкин.

³⁰ Руководство по интегрированному управлению водными ресурсами в трансграничных бассейнах рек, озер и водоносных горизонтов // http://www.gwp.org/PageFiles/76433/INBO_Handbook2_Rus.pdf.

“Қўлланма” (9-бет)³¹да:

- амалиётда турли давлатларда трансчегаравий сув ресурсларини мукамал бошқариш бўйича олиб борилаётган ҳаракатлар мисолида асосий таянч тушунчалар назарий жиҳатдан шарҳланади;
- “Йўриқнома”га “Глобал сув сатҳи тизимларини ҳамкорликда бошқариш йўлида” номли Кўрсатмани илова қилиш асосида трансчегаравий сув сатҳлари, уларнинг ҳолатига оид маълумотлар тақдим этилади; ички сув йўллари, йирик сув инфратузилмасига эга объектлар, экологик тизимлар ва иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилади;
- имкониятларни ривожлантириш трансчегаравий сув ресурсларини ҳамкорликда бошқариш муҳим эканлиги кўрсатилади;
- Ер шарининг турли минтақаларида жойлашган давлатлардаги мавжуд трансчегаравий сув ресурслари, уларнинг мавжуд ҳамда истиқбол ҳолати (башоратлаш методига кўра) мисолида трансчегаравий сув ресурсларини мукамал бошқаришга оид хулоса ёритилиб, улар асосида бошқа миллий давлатлар амалиётида сув ҳавзаларига нисбатан оқилона ва адолатли ёндашишга оид тавсиялар илгари сурилади

Глобал Сув Ҳамкорлиги (СБГХ) ва “Ҳавза ташкилотларининг Халқаро тизими” (ХТХТ) томонидан тайёрланган “Ҳавзаларда сув ресурсларини мукамал бошқариш бўйича қўлланма” сида куйидаги трансчегаравий сув ресурсларини мукамал бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланишда омиллар (10-бет)³²нинг таянч асос бўлиб хизмат қилишига эътиборни қаратади:

- I. Бошқарув воситалари:**
 - сув ресурсларини баҳолаш;
 - ахборот алмашиш;
 - ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий меъёрлар;
 - сув ресурсларини мукамал бошқариш режаси.
- II. Қулай муҳит:**
 - сиёсий ёндашув;
 - ҳуқуқий-меъерий база;
 - молиявий ҳамда бу сув ресурсларини мукамал бошқариш борасидаги амалий ҳаракатларни қўллаб-қувватловчи тузилма.
- III. Бошқарув органлари:**
 - марказий ва тармоқ органлари;
 - дарё ҳавзаси;
 - давлат ва нодавлат ташкилотлар;
 - мавжуд имкониятни оширишга хизмат қилувчи амалий ҳаракатлар

³¹ Тот источник // // http://www.gwp.org/PageFiles/76433/INBO_Handbook2_Rus.pdf.

³² Тот источник // // http://www.gwp.org/PageFiles/76433/INBO_Handbook2_Rus.pdf.

Глобал Сув Ҳамкорлиги доирасида Ривожланиш дастурлари ғояларини трансчегаравий сув ресурслари муаммоси долзарб бўлган минтақаларда қўллашда қуйидаги тамойилларга таяниб иш кўриш кутилган натижаларни кафолатлайди:

- муайян минтақада Ривожланиш дастурларини амалиётга изчил татбиқ қилишда давлатларнинг иқтисодий траққиёти инобатга олиниши ёки бу муҳим омил сув ресурслари муаммосини ҳал қилишга қаратилган ҳаракатларни ташкил этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши керак;

- техник ечимларни қўллашда дипломатик ёндашувларга таяниш талаб этилади;

- иштирокчи давлатларга уларнинг Ривожланиш дастурларини амалиётга самарали татбиқ қилишда ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқдир;

- донор мамлакатлар билан доимий маслаҳатларни ташкил этиш зарур;

- Ривожланиш дастурлари асосида шартномаларни тузиш бошқарув органлари томонидан амалга оширилиши зарур.

Шундай қилиб, Глобал Сув Ҳамкорлиги (ГСҲ) ва “Ҳавза ташкилотларининг Халқаро тизими” (ҲТХТ) томонидан “Ҳавзаларда сув ресурсларини мукамал бошқариш бўйича қўлланма” (“Руководство по интегрированному управлению водными ресурсами в трансграничных бассейнах рек, озер и водоносных горизонтов”) ишлаб чиқилиб, жаҳон миқёсида халқаро аҳамиятга трансчегаравий сув ресурслари оқиб ўтадиган давлатларнинг эътиборига ҳавола этилиши бу борадаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш, сув ҳавзаларида амалий ишларни ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга.

IV БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТРАНСЧЕГАРАВИЙ СУВ РЕСУРСЛАРИНИ МУКАММАЛ БОШҚАРИШ ВА УЛАРДАН ҲАМКОРЛИҚДА ФОЙДАЛАНИШ

4.1. Орол денгизи ҳавзаси ва унинг умумий тавсифи

Марказий Осиёда жойлашган Орол денгизи ҳавзаси икки асосий дарё Амударё ва Сирдарёлар ҳавзаларини ўз ичига олган. Ушбу дарёлар Помир ва Тянь-Шан тоғларидаги музликлардан бошланиб, Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудларидан оқиб ўтади.

Орол денгизи ҳавзасининг сув ресурслари ер юзаси ва ер ости сувлари ҳамда музликлардан ташкил топган бўлиб, сув Орол денгизи ҳавзаси мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини ва экологик барқарорлигини таъминловчи асосий омил саналади.

Минтақа сув ресурсларининг 80 % дан ортиғи Қирғизистон ва Тожикистондаги абадий музликлар ва қорлар ҳисобига шаклланади. Асосий сув истеъмолчиси саналган суғориладиган деҳқончиликнинг асосий майдонлари дарёларнинг ўрта ва қуйи оқимида жойлашган Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистон мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади (5-расм).



5 - расм. Орол денгизи ҳавзасидаги дарё ҳавзаларининг умумий кўриниши

Орол денгизи ҳавзасининг асосий сув манбалари – Амударё ва Сирдарё дарёлари ҳавзаларида жойлашган бўлиб, уларнинг умумий сув ресурслари 50 % ли таъминланганликда $114,4 \text{ км}^3$, 90 % ли таъминланганликда $90,6 \text{ км}^3$ ни ташкил қилади, ўртача кўп йиллик сув оқими эса $123,08 \text{ км}^3$ дан иборат (7-жадвал):

**7-жадвал. Орол денгизи ҳавзаси дарёларининг
ўртача кўп йиллик сув оқими миқдорлари (км³/йил)³³**

Дарё-створ	Ер усти сув оқими		Ер ости сув оқими	Жами
	Ҳисобга олинган	Ҳисобга олинмаган		
Амударё дарёси ҳавзаси				
Вахш-Тутковул	20,29	0,05	0,07	20,41
Панж-Қ.Панж	34,02	-	-	34,02
Кофирниҳон – жами дарёлари бўйича	5,63	0,12	0,05	5,80
Сурхондарё – жами дарёлари бўйича	3,77	0,06	0,22	4,05
Шеробод-Шеробод	0,23	-	-	0,23
Қундуз-Аскархона	4,11	0,01	-	4,12
Амударё дарёси бўйича жами	68,05	0,24	0,34	68,63
Қашқадарё – жами дарёлари бўйича	1,07	0,03	0,07	1,17
Зарафшон-Дупули+Мағиёндарё- Суджи	5,29	0,30	-	5,59
Шимолий Афғонистон дарёлари, Туркманистон дарёлари	6,10	-	-	6,10
Жами (Амударё ҳавзаси бўйича)	80,51	0,57	0,41	81,49
Сирдарё дарёси ҳавзаси				
Норин-Тўктоғул+ёнбошдан келишлар	14,02	0,40	0,30	14,72
Фарғона водийси дарёлари	11,89	0,67	0,69	13,25
Чирчиқ, Оҳангарон, Келес	8,82	0,30	0,33	9,45
Ўрта оқим дарёлари	0,36	0,50	0,35	1,21
Жами (Чордарагача)	35,09	1,87	1,67	38,63
Қозоғистон дарёлари	2,45	-	0,51	2,96
Жами (Сидарё ҳавзаси бўйича)	37,54	1,87	2,18	41,59
ЖАМИ (минтақа бўйича):	118,05	2,44	2,59	123,08

³³ Гидрометрология бош бошқармаси. Ўзбекистон МИГ, 2001.

Минтақа сув ресурсларининг асосий қисми юқорида айтилганидек, тоғли мамлакатлар Қирғизистон ва Тожикистон шаклланади, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эса атиги 11,47 км³ миқдорда ички сув ресурслари шаклланиб, шундан, Амударё дарёси ҳавзасига 4,82 км³, Сирдарё дарёси ҳавзасига 6,65 км³ тўғри келади³⁴ (8-жадвал):

8-жадвал. Ўзбекистоннинг миллий ер усти сув ресурслари

Дарё	Ўртача кўп йиллик оқим, км ³
Амударё ҳавзаси	4,82
Сурхондарё	3,25
Қашқадарё	1,06
Зарафшон	0,51
Сирдарё ҳавзаси	6,65
Фарғона водийси дарёлари	1,50
Ўрта оқим дарёлари	0,36
Чирчиқ, Оҳангарон	4,79
Жами:	11,47

Ўзбекистон Республикаси фойдаланиши учун келишиб тасдиқланилган сув ресурсларининг умумий миқдори 63,02 км³/йилни ташкил қилади³⁵ (9-жадвал):

9-жадвал. Ўзбекистон фойдаланиши учун сув ресурсларининг тасдиқланган миқдори, км³/йил

Дарё ҳавзаси	Ўзан	Ирмоқлар	Жами	Ер ости сувлари	Зовур сувлари	Жами
Сирдарё	10,49	9,2	19,69	1,59	4,21	25,49
Амударё	26,92	6,98	33,9	1,00	2,63	37,53
Жами	37,41	16,18	53,59	2,59	6,84	63,02


Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турганидек, Ўзбекистон Республикаси асосий сувдан фойдаланувчи бўлсада, унинг ўз ҳудудида шаклланидиган сув заҳиралари кам ва унинг сувдан фойдаланиш фаолияти кўшни давлатлар, айниқса Қирғизистон ва Тожикистон сув сиёсатига боғлиқдир. **Орол денгизи ҳавзаси сув таъминотидаги энг катта муаммо шу ерда кўзга ташланади, яъни бу муаммо тарихан умумий бўлган сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш муаммосидир.**

³⁴ Ўша манба.

³⁵ Сирдарё (1983) ва Амударё (1984) ҳавзаларида СРКФ схемаси.

Маълумки, собиқ Совет Иттифоқи даврида ирригация-энергетика режимида ишлаш учун мўлжалланган сув омборларни кўшни давлатлар томонидан энергетика-ирригация режимида ишлатилиши оқибатида охириги йилларда Ўзбекистоннинг суғориладиган майдонларини сув билан таъминлаш муаммоси кескинлашиб бормоқда. Бу бир томондан Қирғизистоннинг сув сиёсати оқибатида Сирдарё дарёси ҳавзасида рўй бераётган бўлса, иккинчи томондан Тожикистоннинг сув сиёсати оқибатида Амударё дарёси, шу жумладан Зарафшон дарёси ҳавзаларида кўзга ташланмоқда.

Қирғизистоннинг Норин дарёсидаги ирригация-энергетика мақсадларида кўпйиллик сув ростлашга мўлжалланган Тўктоғул сув омбори режимини бир томонлама энергетика-ирригация мақсадига ўзгартириши оқибатида Сирдарё дарёсининг йиллик табиий сув режими ўзгариб, қуйида жойлашган Ўзбекистон ва Қозоғистон мамлакатлари учун бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди (6-расм):




6-расм. Норин дарёсида (Қирғизистон ҳудудида, Сирдарё дарёси ҳавзаси) жойлашган Тўктоғул сув омборидан вегетация ва новегетация даврларида сув чиқарилишининг ўзгариши

Жумладан, Тўктоғул сув омборидан қишда сув ташланишини ортиши бир томондан сув ресурсларини вегетация давридаги етишмаслигини келтириб чиқарган бўлса, иккинчи томондан қиш даврида Ўзбекистоннинг Арнасой пастқамлиги ва Қозоғистоннинг Қизилўрда вилояти ҳудудларини сув босишига олиб келди.


Айниқса, 1990 йилларнинг ўрталаридан бошлаб катта миқдордаги дарё сувларини Арнасой кўлларида ташланиши оқибатида кўллар сув сатҳини кўтарилиши янги-янги майдонларни сув босишига сабаб бўлди. Бир қанча чўпон отарлари, яйловлар, йўллар ва кўприклар сув остида қолди.

Арнасой кўллар тизимига дарё сувлари кўпинча йилнинг қиш-баҳор мавсумида (январ ойидан то май ойигача) ташланади ва уларнинг миқдори ҳозирги кунда 0,4 км³/йил дан (2006 йил) 4,7 км³/йил гача (2003 йил) ораликда ўзгаради (7-расм):



7-расм. Чордара сув омборидан Арнасой кўлларига ташланаётган дарё сувлари миқдорининг ўзгариши

Кўллар тизимида ташланаётган дарё сувлари миқдорини кескин ортиши кўллар сув сатҳини кўтарилиши ва янги-янги майдонларни сув босишига сабаб бўлди ва бу ҳолат 2006 йилгача давом этди, олиб борилган саъй-ҳаракатлар туфайли кўлларга ташланаётган дарё сувларининг охириги йилларда камайиши натижасида кўллар сув сатҳининг барқарорлашига эришилди (8-расм):




8-расм. Арнасой кўллар тизими суви сатҳининг ўзгариши

Ўзбекистонда кўшни мамлакатларнинг Сирдарё дарёси ҳавзасидаги сув сиёсатиغا боғлиқликни камайтириш юзасидан, яъни суғориладиган ерлар сув таъминоти барқарорлигини таъминлаш ва Арнасой муаммоси каби муаммоларни олдини олиш борасида бир мунча ишлар амалга оширилмоқда. Арнасой ва Резаксой каби қайта ростловчи сув омборларини қурилиши шулар жумласидандир.


Охирги пайтларда Тожикистон Республикаси ҳам Амударё дарёси ҳавзасида сув манбаларидан энергетика мақсадларида фойдаланиш ғоясини илгари сура бошлади. Жумладан, улар томонидан Зарафшон дарёсида бир қанча ГЭСлар қуриш ва унинг оқимини қайта ростлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда, бундан ташқари Роғун ГЭСи қурилишини қайта тиклаш ва бошқа лойиҳалар илгари сурилмоқда. Бу лойиҳаларни амалга оширилиши куйида жойлашган Ўзбекистон ва Туркменистон ҳудудларида сунъий сув танқислигини юзага келтириши табиий ҳол.

М: собиқ Совет Иттифоқи давридан фаолият юритиб келаётган Нурек ГЭСини энергетика режимида ишлатилиши, яъни унинг сув омборида қурғоқчил келган 2008 йилнинг ёз даврида сув йиғилиши натижасида Ўзбекистоннинг Амударё дельтасидаги экин майдонлари ва чорва моллари бутунлай сувсиз қолди. Оқибатда чорва молларининг нобуд бўлиши ҳоллари юз берди (9-расм):




Орол денгизи ҳавзасидаги трансчегаравий сувлар билан боғлиқ муаммоларнинг яна бири табиий экотизимларни, яъни Орол денгизи ва Жанубий Орол бўйи ҳудудларини сув билан таъминлаш масаласи саналади.

Охирги 50-60 йил мобайнида сув ресурсларини ишлатишда табиий экотизимлар манфатини эътиборга олинмаслиги натижасида, яъни денгизга келаётган сувларнинг бир неча марта қисқариш оқибатида Орол денгизининг қуриши ва унга ёндош ҳудудларда экологик ҳолатни издан чиқиши муаммоси юзага келди (10-расм):



10-расм. Орол денгизига дарё сувлари келишини ўзгариши

Оқибатда аввалги Орол денгизига сув сатҳи пасайиб, сув юзаси қисқарди ва денгиз ўрнида Оролқум саҳроси вужудга келди (11-расм):



11-расм. Орол денгизи акваториясининг ўзгариши

Орол денгизининг қуриши оқибатида Ўзбекистоннинг жанубий Оролбўйи ҳудудларида маълум экологик ўзгаришлар юзага келдики, улар денгиз бўйидаги ҳудудлардаги табиий кўл ва ботқоқликларни қуришига, тўқайларни йўқолишига, энг асосийси ерлик аҳолини хўжалик фаолиятини издан чиқишига олиб келди, балиқчилик ва мўйначилик каби соҳаларни инқирозга учрашига сабаб бўлди.

Орол денгизи ҳавзасида сув ресурсларини бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланишда юзага келаётган муаммоларни бартараф қилиш ва мумкин бўлган низоли вазиятларни олдини олиш мақсадида ҳавзада жойлашган давлатлар ҳукуматлари томонидан сув хўжалиги масалаларини мувофиқлаштирувчи тузилмалар ва комиссиялар ташкил қилинган. Мазкур тузилмалар сув хўжалигининг бугунги кунда кўндаланг бўлаётган масалаларини ечилишини тўлиқ бўлмасда мувофиқлаштириб келмоқда.

Шундай қилиб, Орол денгизи ҳавзасида сув ресурсларини бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланишда Марказий Осиё давлатлари ва Қозоғистон учун муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли мазкур минтақада трансчегаравий сув ресурсларини мукамал бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланишда ўзаро ҳамкорликка эришиш, қўшни давлатларнинг миллий манфатларини ҳурмат қилиш ҳудудда атроф муҳит табиий ҳолатини сақлаш, бойитиш, энг муҳими экологик хавфни бартараф этиш имкониятини яратади.

4.2. Орол денгизи ҳавзасининг трансчегаравий сувларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари

Дарё ҳавзасидаги сув ресурсларини мукамал бошқариш ва улардан оқилона фойдаланишни қоидалари аниқ баён қилинган ҳуқуқий асосларсиз йўлга қўйиш қарийб мумкин эмас. Айниқса икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўртасидан оқиб ўтувчи дарёларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ҳозирги кундаги асосий муаммолардан саналади.

Трансчегаравий сувлардан ҳамкорликда фойдаланишда, энг аввало, ушбу соҳада ҳуқуқий асосни яратиш давлатлараро муносабатларда алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ масаланинг муаммоли томони шундан иборатки, бир нечта давлатлар чегараларини кесиб ўтувчи дарёлардан ҳамкорликда фойдаланишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш борасида давлатлар томонидан турлича ёндашувлар мавжуддир.

Жумладан, соҳа мутахассислари яъни гидрологлар барча сув ресурсларининг (ер усти, ер ости) гидрологик цикли ва ўзаро боғлиқлиги муҳим эканлигини таъкидлашади; экологлар сув ресурсларини атроф-муҳитнинг таркибий қисми сифатида кўришади; иқтисодчилар мазкур ресурсларнинг танқислигини таъкидлаган ҳолда, биринчи ўринга ундан фойдаланишдаги самарадорликни қўйишади. Яна бир муҳим жиҳати, вақт ўтиши билан, давлатлар учун ҳаётий муҳим миллий манфаатлар ўзгаради: ўтган асргача дарёнинг фақат кемалар қатнови муҳим аҳамият касб этган бўлса, ҳозирги кунда сувлардан кўп мақсадларда фойдаланишни, экологик муаммолар, атроф-муҳит масалалари билан мувозанатлаштирилишини тақозо этмоқда. Бундай ҳолатлар давлатлар амалиётида, жумладан, шартномалар ва келишувларда турли хил позициядан ёндашилишига олиб келган ҳолда уларнинг имзоланиши ва ҳаётга жорий этилишига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Жаҳон банки кўмагида тузилган Ҳинд дарёси комиссияси Покистон ва Хиндистон давлатлари бошидан кечирган икки уруш даврида ҳам ўз фаолиятини тўхтатмаган.

БМТ ривожланиш дастури ва Жаҳон банки ташаббуси билан кам таъминланганликни бартараф қилиш ва иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш мақсадида 160 млн.дан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудини ўз ичига олган Нил дарёси ҳавзасида сув ресурсларини ҳавзадаги 10 та давлат ўртасида оқилона тақсимлаш бўйича 1999 йилнинг феврал ойида ўзаро битимлар имзоланган.

Келтирилган мисоллар трансчегаравий сув ресурслари масалаларидаги халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишда икки жиҳат муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Бу жиҳатларни қўйидагича ифодалаш мумкин: ўзаро самарали ҳамкорликни босқичма-босқич йўлга қўйилишини таъминловчи тузилманинг бўлиши лозимлиги; манфаатдор томонлар тўлиқ ишонадиган ва зарур миқдордаги маблағларга эга бўлган учинчи томоннинг мавжудлиги.

Трансчегаравий сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланишни ҳуқуқий асослашда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг Европа иқтисодий комиссияси томонидан қабул қилинган Конвенциялар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш масалаларида халқаро тенг ҳуқуқлилик тамойиллари асосида иш юритиб 2007 йилда бу Конвенцияларга аъзо бўлди. Орол денгизи ҳавзаси дарёларининг юқори оқимида жойлашган Қирғизистон ва Тожикистон каби давлатлар: “Конвенциялар гумид (нам) зонада жойлашган мамлакатлар учун тузилган, биз эса арид (қурғоқчил) зонада жойлашганмиз, шунинг учун улар бизнинг шароитларга тўғри келмайди” - деган ўринсиз баҳоналар билан Конвенцияларни тан олмай келишмоқда.

Орол денгизи ҳавзаси мамлакатлари ўртасида БМТ Конвенцияларига муносабат турличалиги туфайли Конвенциялар қоидаларини минтақада қўллашда ҳамфикрлик бўлмаганлиги ва мазкур ҳужжатларда давлатлар ўртасида сув ресурсларидан фойдаланиш борасида юзага келадиган баҳсли ҳолатларни ечиш масаласи заиф ёритилганлиги туфайли конвенциялар амалиётда ўзининг салбий жиҳатларини намоён қилиб қолмоқда.

Кўриниб турибдики, масаланинг энг қулай ечими бу икки томонлама ва кўп томонлама битим шартномалар асосида трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш масаласини тартибга солишдир.

Бу ҳолатни англаб етган Орол денгизи ҳавзаси давлатлари мустақилликка эришганларидан сўнг сув ресурсларидан фойдаланиш жараёнида бир-бирининг манфаатларига зарар етказмаслик ва муносабатларни мувофиқлаштиришни асосан ўртада имзоланадиган келишув ва битимлар орқали таъминлашга ҳаракат қилди. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида, Марказий Осиё давлатлари халқаро ташкилотларнинг кўмаги остида минтақада меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш бўйича ишларни кучайтирди.

Марказий Осиёда давлатлар ўртасидаги трансчегаравий сувлардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларнинг дастлабки ҳуқуқий асоси – 1992 йил 18 февралда Олма-Ота шаҳрида имзоланган Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон Республикалари ва Туркменистон ўртасида “Давлатлараро манбалардаги сув ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни бошқаришда ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги Битим ҳисобланади.

Мазкур битим, давлатлараро манбалардаги сув ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни бошқаришда ўзаро ҳамкорлик қилиш ва келгусида иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга доир ўзаро ҳамкорликдаги сиёсат олиб боришни назарда тутди.

Битимнинг 1-моддасида сувлардан фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш, шунингдек, бу билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлар тенг эканлиги қайд қилиб қўйилган³⁶.

1995 йил 20 сентябр Нукус шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари буйича Декларация қабул қилинди. Декларацияда давлатлар барқарор ривожланиш тамойиллари тарафдори эканлигини тасдиқлаб, Орол инқирози атроф-муҳит ва табиий ресурслардан фойдаланиш борасида ўйланмай амалга оширилган сиёсат оқибати эканлигини тан олишди, сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий усулларида ва мукамал технологиялардан фойдаланган ҳолда, ирригация самарадорлигини ошириш лозим деб топишди, атроф муҳит ҳолатини, айниқса, сув ресурсларини назорат қилувчи минтақавий тизимни, атроф муҳит мониторинги бўйича ахборот алмашинуви, экологик стандартларни уйғунлаштириш ва у билан боғлиқ бўлган қонунлар тизимини тузишга қарор қилишди, илгари тузилган ва амал қилаётган битимлар, шартномалар ва улар орасидаги Орол ҳавзасидаги сув ресурслари бўйича ўзаро муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни яна бир бор тан олишди ва уларни изчил бажариш учун қабул қилишди.

1997 йил 28 сентябрда Олма-отадаги учрашувда Марказий Осиё давлат бошлиқлари Орол муаммосини ҳал этиш бўйича ташкилий тузилмаларни такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилиб, трансчегаравий сувлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга қаратилган Декларацияни имзоладилар. Декларацияда томонлар экологик ҳавфсизлик миллий ҳавфсизликнинг стратегик қисмларидан бири эканлигини ҳамда Марказий Осиё давлатлари манфаатлари ва устиворликларини муҳофаза қилишнинг муҳим жиҳати эканлигини таъкидлашди, шу билан бирга, минтақа трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш негизида экотизимли ёндошув бўлиши, ўзаро зарар келтирмайдиган, адолатли ва оқилона тарзда амалга оширилиши кераклигини тан олишди.

1999 йил 9 апрелда Ашхободда бўлиб ўтган учрашувда Марказий Осиё давлат раҳбарлари томонидан минтақа экологиясини яхшилаш, сув ресурслари ва атроф – табиий муҳитни бошқаришга қаратилган декларацияга имзо қўйди. Ушбу Декларациясида томонлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида, экотизимли ва мукамаллашган тамойилларга асосланган минтақавий стратегияни амалга оширишда, қўшма тадбирларни ишлаб чиқиш заруратини таъкидлашди, Орол денгизи ҳавзаси сув ресурсларидан фойдаланиш биродарлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига риоя қилган ҳолда, барча томонлар манфаатлари йўлида амалга оширилиши кераклигини таъкидлашди, Орол денгизи ҳавзаси муаммоларини ҳал қилишга комплекс ёндошув зарурлигини таъкидлашди, экологик ва ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда келишилган ҳаракатларни ишлаб чиқиш учун

³⁶ Энергетика и вода – основа интеграции в Центральной Азии <http://www.worldenergy.ru/mode.1369-id.27794-type.html>.

жамоатчиликни хабардор этиб туриш муҳимлигини тан олишди, Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича халқаро ташкилотлар ва институтларнинг дастур ва лойҳаларни амалга ошириш борасидаги фаолиятларида ҳар томонлама ёрдам беришга қарор қилишди.

2002 йил 6 октябрда Душанбеда бўлиб ўтган учрашувда Марказий Осиё давлат раҳбарлари томонидан Орол денгизини ижтимоий-иқтисодий, экологик аҳволини яхшилашга қаратилган декларацияга имзо қўйди. Унда Орол денгизи ҳавзаси да лойҳаларни амалга ошириш учун маблағларини жалб этиш борасидаги халқаро ташкилотлар ва институтларининг фаолияти учун қулай шароитлар яратишга қарор қилишди, коллектор-дренаж сувларидан кўпроқ фойдаланиш чораларини ишлаб чиқиш, минтақада ижтимоий-экологик вазиятни соғломлаштиришни Орол инқирози билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этишнинг асосий йўналиши деб белгилаш, Орол денгизи ҳавзаси аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш - биринчи даражали вазифа, сув ва бошқа табиий ресурслар ҳолати ҳақидаги мамлакатлараро маълумот алмашилини ва мониторингни яхшилаш, халқаро ташкилотларга Орол денгизи ҳавзасида лойҳалар ва дастурларни амалга ошириш учун маблағларни жалб этиш фаолияти учун қулай шароит яратиш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик мақсадида сув ва энергетик ресурсларни бошқариш лойҳалари натижасидан фойдаланишни ўзида акс эттирди.

Ҳозирги вақтга қадар Орол денгизи ҳавзаси, яъни Марказий Осиё давлатлари ўртасида трансчегаравий сувлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш борасида 20 дан ортиқ давлатлараро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлса, уларнинг барчасини асосида собиқ Совет Иттифоқи даврида тасдиқланган (1981 ва 1983 йилларда) Сирдарё ва Амударё дарёлари ҳавзалари сув ресурсларидан комплекс фойдаланишнинг “Бош схемалари” га амал қилишга келишиб олинган. Бошқача қилиб айтганда эришилган келишувларнинг негизида Сирдарё ва Амударё дарёлари ҳавзалари сув ресурсларидан комплекс фойдаланишнинг “Бош схемалари” ётади. Қуйида ана шу ҳужжатларнинг Орол денгизи ҳавзаси давлатлари ўртасида дарёлар сувларини тақсимлашга бағиланган бандларидан кўчирмалар келтирамиз.

1. Трансчегаравий Сирдарё дарёси сув ресурсларидан комплекс фойдаланишнинг “Бош схемаси” бўйича маълумотлар³⁷.

Сирдарё дарёси ҳавзаси сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг аниқлаштирилган схемасига кўра Сирдарё дарёси ҳавзасининг чекланган сув ресурсларини Марказий Осиё республикалари ўртасида тақсимланиши қуйидаги тахлитда амалга оширилган:

1. Чордара сув омборига бериладиган сувнинг кўп йиллик ўртача ҳажми 12 км³ деб белгиланган. Унинг 10 км³ (90 % ли таъминланганлик) доимий равишда берилиши шарт бўлган. Қолган 2 км³ и юқорида жойлашган сув омборларидан берилиши лозим бўлган.

³⁷ Уточнение схемы комплексного использования и охраны водных ресурсов бассейна реки Сырдарьи. Корректирующая записка. Средазгипроводхлопок. – Ташкент: Наука, 1983. – С. 124.

2. Сирдарё дарёси ҳавзаси сув ресурсларининг қолган қисми собиқ иттифоқ Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги томонидан республикалар ўртасида тақсимланган.

Сувни тақсимланиши қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилган:

а) коммунал ва қишлоқ хўжалиги сув таъминоти, саноат, иссиқлик энергетикаси ва балиқ хўжалиги объектлари 1990 йил кўрсаткичлари бўйича биринчи навбатда кафолатланган тарзда сув билан таъминланган;

б) дарё ҳавзасининг қолган сув ресурслари 1981 йил 1 январи ҳолатидаги суғориладиган майдонларга пропорционал равишда (нетто) суғориш меъёрлари ва хўжаликлараро суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициентлари асосида республикалар ўртасида тақсимланган.

Схемани тузишда Сирдарё дарёси сув ресурсларининг 1926/27-1975/76 йиллар оралиғидаги кўп йиллик ўртача ҳажми ($\text{км}^3/\text{йил}$) асос қилиб олинган (10-жадвал):

10-жадвал. Сирдарё дарёси сув ресурсларининг 1926/27-1975/76 йиллар оралиғидаги кўп йиллик ўртача ҳажми ($\text{км}^3/\text{йил}$)

Сув хўжалиги Районлари	Ер юзаси сувлари		Ер ости Сувлари оқими	Ёғинлар Инфилтрацияси ва ташланиши	ЖАМИ
	Ҳисобга олинган оқим	Ҳисобга олинмаган оқим			
Фарғона водийси	25,1	0,75	0,99	0,50	27,34
Чирчиқ Оҳангарон Келес ирригация райони	8,7	-	0,35	0,30	9,35
Ўрта оқим	0,36	-	0,33	0,50	1,19
ЖАМИ (Чордарадан юқорида)	34,2	0,75	1,67	1,30	37,88

Сирдарё дарёси ҳавзасида сув ресурслари қайта ишлатилгани боис республикалар ўртасида $37,88 \text{ км}^3/\text{йил}$ (дарё ҳавзаси сув балансининг келадиған қисмига тенг) миқдордаги сувни (фойдаланиладиган ҳажм) тақсимланган.

Чордара дарёсидан юқорида жойлашган ноқишлоқ хўжалик, хусусан коммунал ва қишлоқ хўжалиги сув таъминоти, саноат, иссиқлик энергетикаси ва балиқ хўжалиги объектларига 1990 йил кўрсаткичлари учун $1,93 \text{ км}^3/\text{йил}$ миқдордаги сув билан таъминлаш белгиланган. Схепада мазкур объектларни келгусидаги ривож ҳисобга олинмаган.

Суғориладиган ерларнинг 1981 йил 1 январь ҳолатидаги майдонлари республикалар ҳукуматларининг маълумотлари асосида белгиланган:

- Ўзбекистон – 1697,0 минг га; - Тожикистон - 211,0 минг га; - Қирғизистон - 266,2 минг га; - Қозоғистон - 166,5 минг га

Республикалар бўйича нетто суғориш меъёрларининг ўртача кўрсаткичлари қуйидагича қабул қилинган:

- Ўзбекистон – 8,52 минг м ³ /га; - Тожикистон – 8,99 минг м ³ /га; - Қирғизистон - 7,29 минг м ³ /га; - Қозоғистон - 8,41 минг м ³ /га
--

Схемани ишлаб чиқишда хўжаликлараро суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициентлари ("Союзводпроект" маълумотлари асосида) Ўзбекистон учун 0,81, Қозоғистон учун 0,82, Тожикистон ва Қирғизистонлар учун 0,83 деб қабул қилинган (11-жадвал):

11-жадвал. Сирдарё дарёси хавзаси мамлакатлари бўйича суғориладиган майдонлар учун дарё сув ресурсларининг тақсимланиши

Республика	Суғориладиган майдон 1.01.81 й. минг га	Суғориш меъёри нетто, минг.м ³ /га	Суғориш тармоғи Ф.И.К.	Шартли сув истеъмоли брутто, км ³ /йил	Республика улуши, %
Ўзбекистон	1697,0	8,32	0,81	17,43	73,3
Тожикистон	211,0	8,99	0,83	2,28	9,7
Қирғизистон	266,2	7,29	0,83	2,34	9,8
Қозоғистон	166,5	8,41	0,82	1,71	7,2
Жами Чордарадан юқорида)	2340,7			23,76	100

Давлатлар ўртасида тақсимланадиган сув ресурсларининг ҳажми дарё сув оқимини қайта ростлаш коэффициенти (0,93) киритиш орқали аниқлаштирилган. Бунда Чордара сув омборигача доимий етказиб бериладиган сув миқдори 10 км³/йил деб қабул қилинган (12-жадвал).

Республикаларнинг Чордара сув омборидан юқоридаги ҳисобий контурда фойдаланиладиган сув ресурсларидаги улушлари жадвалда келтирилган. Жумладан сув ресурсларини суғориш учун тақсимланишида Ўзбекистоннинг улуши 73,3 %, ёки 24,83 км³/йил ни ташкил қилса, барча истеъмолчилар фойдаланадиган сув ресурсларини тўлиқ тақсимланишида 53,4 % ёки 26,41 км³/йил ни ташкил қилган (13-жадвал).

**12-жадвал. Сирдарё дарёси ҳавзасида тақсимланиши
лозим бўлган фойдаланиладиган сув ресурслари**

№ т/р	Тавсифланиши	Кўрсаткичлар, км ³ /йил
А. Келадиган сувлар		
1.	Чордара сув омборидан юқорида сув ресурсларининг кўп йиллик ўртача ҳажми	37,88
2.	Дарё сув оқимини қайта ростлаш коэффициенти	0,93
3.	Қайта ростланган сув ресурслари	35,23
4.	Сирдарё дарёси ўзанига сув хўжалиги районларидан сув қайтарилиши (ташланиши)	12,66
Жами мавжуд сув ресурслари		47,89
Б. Сарфланадиган сувлар		
5.	Сув омборлари ва дарёлар юзасидан йўқотиладиган сувлар	1,24
6.	Арносой кўлларига ташланадиган кучли шўрланган зовур сувлари	0,64
7.	Грунт сувларини тўйиниши	0,2
8.	Ноқишлоқ хўжалик (коммунал ва қишлоқ сув таъминоти, саноат, иссиқлик энергетикаси ва балиқ хўжалиги) объектларининг сув истеъмоли (1990 йил бўйича)	1,93
9.	Чордара сув омборига бериладиган сув ресурсларининг кафолатланган миқдори	10,0
Жами сарфланадиган сув ресурслари		14,01
Чордара сув омборидан юқоридаги контурда тақсимланиши лозим бўлган фойдаланиладиган сув ресурслари		33,88

13-жадвал. Сирдарё дарёси ҳавзаси мамлакатларининг фойдаланиладиган сув ресурсларидаги улушлари

№ т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Ўзбекистон	Тожикистон	Қирғизистон	Қозоғистон	Жами
1.	Республикаларнинг Чордара сув омборидан юқоридаги ҳисобий контурда фойдаланиладиган сув ресурсларидаги улушлари	%	73,3	9,7	9,7	7,2	100
2.	Чордара сув омборидан юқоридаги контурда республиканинг суғориш учун оладиган сув ресурслари	км ³ /йил	24,83	3,29	3,32	2,44	33,88
3.	Республикаларнинг ҳисобий контурдан ташқаридаги фойдаланадиган сув ресурслари	//			0,75 (Юқори Норин)	2,96 (Артур)	3,71
4.	Чордара сув омборига бериладиган сувнинг кафолатланган миқдори	//				10,0	10,0
5.	Фойдаланиладиган сув ресурсларини суғориш учун тақсимланиши	//	24,83	3,29	4,07	15,40	47,59
6.	Бошқа соҳаларнинг сувни қайта ишлатиши						
	- ҳисоб контурида	//	1,58	0,15	0,17	0,03	1,93
	- ҳисоб контуридан ташқарида	//	-	-	0,04	0,45	0,49
	Жами	//	1,58	0,15	0,21	0,48	2,42
7.	Чордара сув омборидан юқорида санитар сув ўтказиш	//	-	-	-	- 0,54	- 0,54
8.	Барча истеъмолчилар фойдаланадиган сув ресурсларини тўлиқ тақсимланиши	//	26,41	3,44	4,28	15,34	49,47
		%	53,4	7,0	8,6	31,0	100
	Барча истеъмолчилар фойдаланадиган брутто сув ресурсларини СССР Минводхози ИТК 11.06.81 й. 365-сонли баённомасига кўра тақсимланиши	%	53	7	9	31	100

2. Трансчегаравий Амударё дарёси сув ресурсларидан комплекс фойдаланишнинг “Бош схемаси” бўйича маълумотлар³⁸

Амударё дарёси ҳавзаси учун ҳам Сирдарё дарёси ҳавзасида қўлланилгандек тамойиллар асосида сув ресурсларини республикалар ўртасида тақсимлаш ишлари амалга оширилган.

Амударё дарёси сув ресурсларини республикалар ўртасида тақсимлаш ҳам собиқ иттифоқ давлат режа қўмитасининг давлат экспертиза комиссияси таклиф қилган қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилган:

а) коммунал ва қишлоқ хўжалиги сув таъминоти, саноат, иссиқлик энергетикаси ва балиқ хўжалиги объектлари 1990 йил кўрсаткичлари бўйича биринчи навбатда кафолатланган тарзда сув билан таъминланган;

дарё ҳавзасининг қолган сув ресурслари 1981 йил 1 январь ҳолатидаги суғориладиган майдонларга пропорционал равишда (нетто) суғориш меъёрлари ва хўжаликлараро суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициентлари асосида республикалар ўртасида тақсимланган.

Суғориладиган ерларнинг 1981 йил 1 январь ҳолатидаги майдонлари республикалар ҳукуматларининг маълумотлари асосида белгиланган:

Ўзбекистон – 1817,0 минг га;
Тожикистон – 418,0 минг га;
Қирғизистон – 266,2 минг га;
Туркманистон – 942 минг га

Республикалар бўйича нетто суғориш меъёрларининг ўртача кўрсаткичлари қуйидагича қабул қилинган:

- Ўзбекистон – 10,01 минг м³/га;
- Тожикистон – 11,53 минг м³/га;
- Қирғизистон – 5,28 минг м³/га;
- Туркманистон - 11,73 минг м³/га

Схемани ишлаб чиқишда хўжаликлараро суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициентлари (“Союзводпроект” маълумотлари асосида) Ўзбекистон учун 0,81, Туркманистон учун 0,8, Тожикистон учун 0,83, ва Қирғизистон учун 0,78 деб қабул қилинган (14-жадвал):

³⁸ Уточнение схемы комплексного использования и охраны водных ресурсов бассейна реки Амударьи. Сводная записка. Средазгипроводхлопок. – Ташкент: 1984. – С. 372.

14-жадвал. Амударё дарёси ҳавзаси мамлакатлари бўйича суғориладиган майдонлар учун дарё сув ресурсларининг тақсимланиши

Республика	Суғориладиган майдон 1.01.81 й. минг га	Суғориш меъёри нетто, минг м ³ /га	Суғориш тармоғи Ф.И.К.	Шартли сув истеъмоли брутто, млн.м ³ /йил	Мамлакат улуши, %
Ўзбекистон	1817	10010	0,81	22454	53,2
Тожикистон	418	11530	0,83	5807	13,7
Қирғизистон	15,2	5280	0,78	103	0,30
Туркменистон	942	11770	0,80	13859	32,8

Амударё дарёси ҳавзасида суғоришга ишлатиладиган сув ресурсларининг республикалар ўртасида тақсимланиш учун уч хил вариант кўриб чиқилган (15-жадвал):

15-жадвал. Амударё дарёси ҳавзасида суғоришга ишлатиладиган сув ресурсларининг республикалар ўртасида тақсимланиши

Республика	СССР Госплани ДЭК методикаси	Амударё дарёси схемасини аниқлаштириш	
		“Схема” варианты	“СОПС” варианты
Ўзбекистон	53,2	54,2	56,2
Тожикистон	13,7	11,0	10,0
Қирғизистон	0,3	0,6	0,2
Туркменистон	32,8	34,2	33,5

Вариантларни таққослаш асосида келгуси ҳисоб-китоблар учун энг мақбул сифатида “Схема” варианты танлаб олинган.

Амударё дарёси ва унинг ҳавзасидаги мавжуд сув ресурслари, уларнинг “Схема” варианты бўйича республикалар ва истеъмолчилар ўртасида тақсимланиши натижалари 17-жадвалда акс эттирилган.

Шундай қилиб, Амударё дарёси ҳавзасида фойдаланиладиган сув ресурсларини суғориш учун тақсимланишида Ўзбекистоннинг улуши 54,2 % ёки 46,2 км³/йил ни ташкил қилса, Амударё дарёсининг фойдаланиладиган сув ресурсларини тўлиқ тақсимланишида 51,3 % ёки 38,07 км³/йил ни ташкил қилган.

**17-жадвал. Амударё дарёси хавзаси мамлакатларининг
фойдаланиладиган сув ресурсларидаги улушлари**

Кўрсаткичлар		Амударё хавзаси	Амударё дарёси
I. Сув ресурслари, км³/йил			
Ўртача кўп йиллик дарё сув оқими		78,40	66,90
Ростланган сув ресурслари		69,30	62,10
Қайтар сувларнинг дарёга ташланиши		11,68	8,87
Қайтар сувларни контур ичида ишлатилиши		10,54	10,54
Ер ости сувларини ишлатилиши (ер усти сувлари билан боғланмаган)		1,90	1,50
Жами сув ресурслари		93,42	83,01
II. Сув ресурсларини мажбурий сарф ва исрофлари, км³/йил			
Дарё ва сув омборларидан сув йўқотилиши		3,85	3,48
Афғонистон томонидан сув олинishi		2,10	2,10
Амударё дарёсидаги санитар сув ўтказиш		3,15	3,15
Жами		9,10	8,73
III. Мавжуд сув ресурсларини тақсимланиши, км³/йил			
Мавжуд сув ресурслари		84,32	74,28
Халқ хўжалиги устивор соҳаларининг сув истеъмоли (иссиқлик энергетикасиз)		12,35	10,47
шу жумладан:	Ўзбекистон	7,17	5,41
	Тожикистон	2,70	2,58
	Қирғизистон	0,04	0,04
	Туркманистон	2,44	2,44
Суғоришга мўлжалланган ва тақсимланадиган сув ресурслари лимити, км ³ /йил		71,97	63,81
Республикалар ўртасида тақсимланиши, км ³ /йил:			
	Ўзбекистон	39,03	32,74
	Тожикистон	7,93	7,66
	Қирғизистон	0,38	0,38
	Туркманистон	24,63	23,03
Республикалар улуши, суғоришга ажратилган лимитнинг фоизлари ҳисобида, %			
	Ўзбекистон	54,2	51,3
	Тожикистон	11,0	12,0
	Қирғизистон	0,60	0,60
	Туркманистон	34,2	36,1
Мавжуд сув ресурсларининг умумий ҳажмида республикаларнинг улушлари (км ³ /йил):			
	Ўзбекистон	46,20	38,07
	Тожикистон	10,63	10,24
	Қирғизистон	0,42	0,42
	Туркманистон	27,07	25,47

5-606 ДАРЁ ҲАВЗАСИДА СУВ РЕСУРСЛАРИ МИҚОРИНИ БАҲОЛАШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

5.1 Дарё ҳавзаси сув ресурслари миқдорини баҳолаш ва ўзгаришларини башоратлашнинг асослари

Дарё хавзаларида сув ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш одатда дарё хавзасидаги мавжуд сув ресурсларининг умумий миқдорини аниқ баҳолаш, уларнинг оқиш режимини аниқлаш, дарё хавзасидаги сув истъмоқчилари томонидан истъмоқ қилинаётган сувларнинг умумий миқдорлари ва истъмоқ режимларини аниқлаш, мазкур сув истъмоқли режимини дарё сув оқими режимига мос тушишини аниқлаштириш каби ишларни амалга оширилишини талаб қилади.

Дарё хавзасидаги мавжуд сув ресурсларининг умумий миқдорини аниқ баҳолаш, уларнинг оқиш режимини аниқлаш гидрологик тадқиқотлар, шу жумладан зарур ҳисоб-китоблар ва башоратлар ёрдамида амалга оширилади.

Гидрологик ҳисоб-китоблар ва башоратлар кўп йиллик кузатув маълумотлари асосида одатда маълум вақт оралиғи учун амалга оширилади.

Дарёлар сувларидан самарали фойдаланиш йўналишидаги амалий тадқиқотлар натижасида дарёлар оқимларининг йиллараро ва мавсумлараро (даврий) ўзгариш қонуниятлари аниқлаштирилади. Шу қонуниятлар асосида турли муддатга мўлжалланган гидрологик башоратлар ишлаб чиқилади.

Гидрологик башоратлар натижалари асосида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари (фермер хўжаликлари) ва бошқа муассасаларни сув истъмоқли миқдорларини аниқ белгилаш шунингдек иқтисодиётнинг барча тармоқларини сув ресурсларидан фойдаланиш фаолиятини режалаштириш имкониятлари яратилади.

Дарё хавзасида сув ресурслари миқдоринини баҳолаш ва улардан фойдаланишни режалаштириш масалаларини лойиҳа ҳудуди – Подшаота дарёси хавзаси мисолида кўриб чиқамиз.

5.2 Подшаотасой дарёси хавзасининг сув ресурсларини баҳолаш

Подшаотасой дарёси хавзасини Ўзбекистон ҳудудидаги қисмининг умумий сув ресурслари:

- Подшаота дарёсининг ўз сувлари;
- булоқлар сувлари;
- қудуқлар ёрдамида ер остидан олинадиган сувлар;
- Катта Наманган каналидан насослар ёрдамида кўтариб бериладиган, Норин дарёси хавзасидан олиб келинадиган сувлар;

- дарё ҳавзасининг ўрганилаётган ҳудудида ёғадиган ёғинлар ҳисобига шаклланадиган сувлардан ташкил топади.

5.2.1 Подшаотасой дарёсининг сув оқими

Подшаотасой дарёси Чотқол тоғ тизмаларида пайдо бўлиб, одатда Наманган вилояти ерларини суғориш учун ишлатилади. Дарё қор ва музликлардан тўйинади. Дарё ҳавзаси денгиз сатҳидан ўртача 2000 м баландликда жойлашган. Дарёнинг узунлиги 130 км бўлиб, сув йиғиш майдони 443 км² га тенг.

Тосту дарёси қуйилиш жойидаги гидропост маълумотларига кўра дарёдаги сувларнинг ўртача йиллик оқими 178,3 млн.м³/йил ни ташкил этади. Дарёнинг ўртача йиллик сув сарфи 5,65 м³/с га тенг бўлиб, энг кўп ўртача сув сарфи июн (23,7 м³/с), энг кам ўртача сув сарфи эса феврал (0,74 м³/с) ойларида кузатилади.

Дарё ҳавзасининг иклими унинг тоғолди ва текислик ҳудудларида бири-биридан кескин фарқ қилади. Тоғолди зонада қиш совуқ ва ёғингарчилик кўп бўлса, ҳавзанинг қуйи қисмида қиш илиқ ва ёғингарчилик кам бўлади.

Дарё сувини мамлакатлар ўртасида тақсимланиши 1980 йилдаги ўзаро келишув асосида амалга оширилади ва дарё сувининг 64 % и Ўзбекистон Республикаси, 36 % и Қирғизстон Республикаси томонидан ишлатилади.


Подшаотасой дарёси сув ресурсларини миқдорларини ўзгаришларини башоратлаш учун дарё сув оқимининг 1980-2012 йиллар оралиғидаги маълумотлари тўпланиб, таҳлил қилинди (5.1-жадвал).

5.1-жадвал

Подшаотасой дарёси сув оқимининг асосий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Миқдори
1	Кўп йиллик ўртача сув оқими, млн. м ³ /йил	178,3
2	Кўп йиллик ўртача энг катта сув оқими, млн. м ³ /йил	246,4
3	Кўп йиллик энг кам сув оқими, млн. м ³ /йил	113,0
4	Ўртача йиллик сув сарфи, м ³ /с	5,65
5	Энг катта ўртача ойлик сув сарфи, м ³ /с	27,2
6	Энг кам ўртача ойлик сув сарфи, м ³ /с	0,74

Подшаота дарёси сув оқими ўзгаришларини ўрганиш натижалари асосида дарё сув оқимининг таъминланганлик даражаси башоратланди (5.1- расм).



5.1 - расм – Подшаота дарёси сув оқимининг таъминланганлиги

Дарё сув оқимлари миқдори ва режимини баҳолаш масалалри гидрология ва сув ресурсларини комплекс баҳолаш ўқув курслари доирасида батафсил ўрганилишини эътиборга олиб, фақат бажарилган ҳисоб китобларнинг натижаларини ифодалашга қарор қилинди.

Шундай қилиб, Подшаота дарёсининг сув ресурслари миқдорларини сув билан таъминланганликнинг 95, 90, 75, 50 ва 25 % ли даражалари ҳолатлари учун аниқланиши натижалари ва улардаги Ўзбекистон улушининг (умумий оқимнинг 64 % и) эътиборга олинishi дарёнинг сув ресурслари миқдорлари:

- сув оқимининг 25 % ли таъминланганлигида - 126,45 млн.м³/йил;
- сув оқимининг 50 % ли таъминланганлигида - 112,87 млн.м³/йил;
- сув оқимининг 75 % ли таъминланганлигида - 100,43 млн.м³/йил;
- сув оқимининг 90 % ли таъминланганлигида - 90,16 млн.м³/йил;
- сув оқимининг 95 % ли таъминланганлигида - 84,45 млн.м³/йил

каби қийматларга эга бўлади.

5.2.2 Подшаотасой дарёси ҳавзасининг бошқа сув ресурслари

Подшаотасой дарёси ҳавзасини Ўзбекистон ҳудудидаги қисмининг сув ресурслари таркибига юқорида қайд қилинганидек Подшаота дарёсининг ўз сувларидан ташқари ҳудудаги булоқлар сувлари, қудуқлар ёрдамида ер остидан олинадиган сувлар, Катта Наманган каналидан насослар ёрдамида кўтариб бериладиган Норин дарёси сувлари ва дарё ҳавзасининг ўрганилаётган ҳудудида ёғадиган ёғинлар ҳисобига шаклланадиган сувлар киради.

Подшаота дарёси ҳавзасидаги жами сув ресурслари миқдорларини ва уларнинг оқиш режимларини баҳолаш учун ҳавзадаги булоқлар сувлари, ер ости сувлари, Катта Наманган каналидан насослар ёрдамида етказиб бериладиган сувлар ва ҳавза ҳудудидаги ёғинлар ҳисобига шаклланадиган сувлар тўғрисидаги маълумотлар тўпланиб, зарур ҳисоб-китоблар восидасида уларнинг миқдорлари баҳоланди.

Натижада Подшаотасой дарёси ҳавзасининг Ўзбекистон ҳудудидаги қисмида:

- булоқ сувлари - 58,39 млн.м³/йил;
- қудуқлар ёрдамида ер остидан олинадиган сувлар - ўртача 7,77 млн.м³/йил;
- Катта Наманган каналидан насослар ёрдамида кўтариб бериладиган Норин дарёси сувлари - ўртача 81,78 млн.м³/йил;
- дарё ҳавзасининг ўрганилаётган ҳудудида (Янгикўрғон - 540 км² ва Чортоқ - 378 км²) ёғадиган ёғинлар (Косонсой метеостанцияси маълумоти - 304,1 мм/йил нинг 15 % и) ҳисобига шаклланадиган сувлар - ўртача 58,39 млн.м³/йил ни ташкил қилади.

Подшаотасой дарёси ҳавзасининг Ўзбекистон ҳудудидаги қисмидаги мавжуд сув ресурсларининг умумий миқдорини аниқлаш натижалари 5.2—жадвалда акс эттирилди.

5.2—жадвал

Подшаотасой дарёси ҳавзасидаги мавжуд сув ресурсларининг умумий миқдори

Сув билан таъминланганлик даражаси, %	Дарё сув оқимининг йиллик ҳажми, млн.м ³	Ойлардаги сув оқими, млн. м ³											
		I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
25	316,25	10,57	10,41	13,31	26,96	46,41	57,98	46,00	25,31	23,58	24,22	18,96	12,53
50	302,67	11,17	11,18	13,79	25,61	44,02	50,25	41,27	26,65	23,60	23,87	18,71	12,54
75	290,23	10,40	10,43	12,70	21,90	43,16	39,40	42,56	29,65	24,52	24,14	18,73	12,65
90	279,95	11,40	11,33	13,33	26,57	47,24	36,41	31,93	23,81	22,30	23,82	18,95	12,87
95	274,25	11,00	10,92	13,17	22,64	46,51	41,57	35,99	22,57	20,92	22,04	16,63	10,30

5.3 Подшаотасой дарёси ҳавзасидаги сув истеъмолини баҳолаш

Подшаота дарёси ҳавзасида аҳоли, қишлоқ хўжалиги суғориладиган майдонлари ва саноат корхоналари каби сув истеъмолчилари мавжуд. Ҳавза ҳудудида шахсий хўжаликларда маълум миқдорда чорвачилик ҳайвонлари ҳам боқилади.

Шунингдек дарё ҳавзасида шаклландиган сув ресурсларининг бир қисми Намангансой орқали ҳавзадан ташқарига чиқиб ҳам кетади. Мазкур сув ресурслари ҳавза учун бутунлай йўқотилиши туфайли улар ҳам истеъмолга сарфланаётган сувлар таркибига киритилиши мумкин.

Подшаотасой дарёси ҳавзасининг Ўзбекистон қисмида 130 мингдан ортиқ киши истиқомат қилади. Уларнинг асосий хўжалик фаолияти суғорма деҳқончиликдан иборат.

Дарё ҳавзасида истиқомат қилувчи аҳоли ичимлик ва маиший мақсадлари учун йилига 10,92 млн.м³ миқдорида сув ресурслари сарфланади.

Дарё ҳавзасида жами 27,8 минг га, шу жумладан Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида 19,0 минг га, Чортоқ туманида 5,0 минг га, Қирғизистон Республикасида 3,8 минг га қишлоқ хўжалик майдонлари дарё сувлари билан суғорилади.

Дарёси ҳавзасининг Ўзбекистон қисмидаги суғориладиган майдонларни сув билан таъминлаш учун йилига 218,24 млн.м³ миқдордаги сув ресурслари ишлатилади.

Дарё ҳавзасида бир неча саноат корхоналари мавжуд бўлиб, уларнинг сув истеъмоли унчалик катта қийматга эга эмас ва йилига 10,92 млн.м³ ни ташкил қилади.

Подшаота дарёси ҳавзаси сув ресурсларининг тахминан 38,15 млн.м³ га тенг қисми Намангансой орқали ҳавзадан ташқарига чиқиб кетади.

Подшаотасой дарёси ҳавзасининг Ўзбекистон қисмидаги сув истеъмоли миқдорини аниқлаш ҳисоб-китобларининг натижалари 5.3-жадвалда акс эттирилган.

5.3—жадвал

Подшаотасой дарёси хавзасининг Ўзбекистон қисмидаги сув истеъмоли миқдори аниқлаш натижалари

Сув истеъмоли тури	Йиллик сув истеъмоли хажми, млн.м ³ /йил	Ойлар бўйича сув истеъмоли миқдори, млн.м ³ /ой											
		I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
Ичимлик ва маиший мақсадлар учун	10,92	0,76	0,76	0,82	0,82	0,98	1,20	1,20	1,15	0,82	0,82	0,82	0,76
Чорва моллари учун	3,95	0,28	0,28	0,30	0,30	0,36	0,43	0,43	0,42	0,30	0,30	0,30	0,28
Саноат корхоналари	12,40	1,03	1,03	1,03	1,03	1,04	1,04	1,04	1,04	1,03	1,03	1,03	1,03
Экин майдонларини суғориш учун	218,24	0,00	0,00	8,84	24,57	35,32	45,84	48,49	29,52	16,44	9,22	0,00	0,00
Хавзадан ташқарига чиқиб кетадиган сувлар	38,15	2,68	2,42	4,02	5,18	5,36	2,59	2,68	2,68	2,59	2,68	2,59	2,68
ЖАМИ	283,66	4,75	4,49	15,00	31,90	43,06	51,11	53,84	34,81	21,18	14,04	4,74	4,75

5.4 Подшаотасой дарёси ҳавзасидаги мавжуд сув ресурслари ва умумий сув истеъмоли миқдорларини қиёсий таққослаш натижалари

Подшаотасой дарёси ҳавзасидаги мавжуд сув ресурслари ва умумий сув истеъмоли миқдорларини қиёсий таққослаш асосида дарё ҳавзаси сув ресурсларининг ҳудуддаги сув истеъмолчилари талабини қондира олиш ёки қондира олмаслигини аниқлашга имкон беради.

Подшаотасой дарёси ҳавзасидаги мавжуд сув ресурсларини турли даражадаги таъминланганлик кўрсаткичларини дарё ҳавзасидаги умумий сув истеъмоли миқдорлари билан қиёсий солиштириш ишлари бажарилди, бошқача айтганда Подшаотасой дарёси ҳавзаси Ўзбекистон қисмининг сув хўжалиги баланси тузиб чиқилди.

Подшаотасой дарёси ҳавзасидаги мавжуд сув ресурслари ва умумий сув истеъмоли миқдорларини таққослаш натижалари ёки Подшаотасой дарёси ҳавзаси Ўзбекистон қисмининг сув хўжалиги баланси йил ойлари бўйича таҳлили натижалари дарё ҳавзасида йилнинг июнь-октябрь ойларида сув тақчиллиги кузатилишини кўрсатди (5.4-жадвал).

Йилнинг қолган даврларида дарё ҳавзасида сув ресурслари етишмаслиги сезилмайди. Бу даврда оқиб ўтадиган 42-57 млн. м³ миқдордаги сувни сув омборларига йиғиб сув оқимини қайта ростлаш имконияти мавжуд. Мазкур сув ресурсларининг оқимини катта қисми ҳозирги кунда фаолият юритаётган Чортоқ ва Эскиер сув омборлари (умумий ҳажми 40 млн. м³) воситасида қайта ростланиб, ёзги сув тақчиллиги даврида суғориладиган майдонларни сув таъминотини яхшилаш учун хизмат қилаётганлигини эътиборга олинadиган тақдирда ҳам, дарё ҳавзасида йил давомида 7-17 млн. м³ миқдордаги сув ресурсларини йиғиб мавсум давомида истеъмол учун фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

5.4—жадвал

Подшаотасой дарёси хавзаси Ўзбекистон қисмининг умумий сув хўжалиги баланси

Таъминлан -ганлик даражаси	Йиллик хажм, млн.м ³	Ойлар бўйича сувлар ҳажми, млн.м ³ /ой											
		I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
25	32,59	5,82	5,92	-1,69	-4,93	3,34	6,87	-7,84	-9,49	2,40	10,18	14,23	7,79
50	19,01	6,42	6,69	-1,20	-6,29	0,96	-0,85	-12,57	-8,16	2,42	9,83	13,97	7,79
75	6,57	5,65	5,94	-2,30	-10,00	0,10	-11,70	-11,29	-5,16	3,35	10,10	13,99	7,90
90	-3,71	6,65	6,84	-1,66	-5,33	4,18	-14,70	-21,91	-10,99	1,12	9,78	14,21	8,12
95	-9,41	6,25	6,43	-1,83	-9,26	3,45	-9,54	-17,85	-12,24	-0,25	8,00	11,89	5,55

5.5 Дарё ҳавзасида сувдан фойдаланишни режалаштириш

5.5.1 Сувдан фойдаланишни режалаштиришнинг қонуний асослари

Ўзбекистон Республикаси шароитида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли масалалари Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни¹ ва унинг қонуности ҳужжатлари² асосида тартибга солинади.

Сувдан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек сувдан фойдаланишни бевосита ёки ҳавза (ҳудудий) бошқармалари орқали тартибга солувчи махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади.

Сувдан фойдаланишни тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (ер усти сувлари), Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси (ер ости сувлари) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувлар) махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ва Орол денгизи ҳавзасидаги бошқа давлатлар ҳудудида жойлашган трансчегаравий сув объектларидан (Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёлари, Орол денгизи ва бошқа трансчегаравий сув объектларидан) фойдаланишни тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Трансчегаравий сув объектларида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли, сув хўжалиги ва сувни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли, ҳар йилги сув билан ҳақиқий таъминланганликни ҳисобга олинган ҳолда, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари асосида амалга оширилади.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари тасдиқланган норматив ҳужжатларга мувофиқ ажратилган сув олиш лимитлари доирасида сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан тузилади.

Фермер ва деҳқон хўжалиklarининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва бошқа сув истеъмолчиларининг сув истеъмоли

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 555-модда

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 12-сон, 155-модда

режалари уларга хизмат кўрсатадиган сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан тасдиқланади.

Сув истеъмолчилари уюшмалари сув таъминоти режаларини умумлаштирадилар ва уюшмаларнинг сувдан фойдаланиш режаларини тузадилар.

Сув истеъмолчилари уюшмаларининг, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сувдан фойдаланиш режалари ирригация тизимлари бошқармалари ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан умумлаштирилади.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг тузилган ва умумлаштирилган режалари:

сув истеъмолчилари уюшмалари бўйича — туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими билан келишилган ҳолда ирригация тизими бошқармаси томонидан;

ирригация тизими бўйича — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли ҳудудий органлари билан келишилган ҳолда, ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан;

ҳавза ирригация тизими бўйича, катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари бўйича - Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Сув хўжалиги бош бошқармаси томонидан тасдиқланади.

Коммунал-маиший хўжаликлар эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан белгиланган тартибга мувофиқ тузилади ва тасдиқланади.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5.5.2 Сувдан фойдаланиш режасини тузиш тартиби³

Сувдан фойдаланиш режаси сув истеъмолчиларининг сувга бўлган талаб меъёрини, уни белгиланган даврда тежамли фойдаланиш йўлларини, ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари орасидаги мунособатларни белгилайди.

Сув истеъмоли режаси махсус сув истеъмоли учун рухсатномаси бўлган, сув олиш иншоотлари руйхатдан ўтказилган ва ирригация тизими бошқармаси билан сув етказиб бериш бўйича шартномаси бўлган сув истеъмолчилари учун тузилади.

³ Бекмуротов Т.У. ишланмалари асосида

Сув истъемоли режаси экинларнинг сувга талаб нормасини ҳисобга олган ҳолда пастдан юқорига, яъни сув истъёмолчиларидан сув манбаларига қараб тузилади.

Сув истъемоли режаси сув истъёмолчиларининг сувга бўлган талаби, экин майдонлари, экинларнинг суғориш режими, каналларнинг фойдали иш коэффициентлари (ФИК) ни ҳисобга олган тарзда тузилади.

Сувдан истъемоли режаси ҳар бир фермер ва деҳқон хўжаликлари кесимида тузилса, сувдан фойдаланиш режаси эса сув истъёмолчилари уюшмаси (СИУ), ирригация тизими ва магистрал каналлар бошқармалари учун тузилади.

Сувдан фойдаланиш режасини тузиш ва уни амалда қўллаш уч босқичда амалга оширилади:

- сув истъемоли (сувдан фойдаланиш) режасини тузиш;
- йилнинг амалдаги сув билан таъминганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда (чекланган сув таъминоти) режага тузатишлар киритиш ;
- сув истъемоли (сувдан фойдаланиш) режими асосида сув тақсимотини йўлга қўйиш ва уни назорат қилиш.

5.5.3 Сувдан фойдаланиш режасини тузиш учун зарур бўладиган маълумотлар

Қишлоқ хўжалиги сув истъёмолчилари учун сувдан фойдаланиш режасини тузиш учун қуйидаги маълумотларни бўлиши талаб қилинади:

- 1) сув истъёмолчилари уюшмасининг сув олиш нуқталари, суғориш тармоқлари, ундаги сув ўлчаш иншоотлари, фермер хўжаликлари чегаралари туширилган 1: 10000 ёки 1: 25000 масштабдаги харита;
- 2) сув истъемоли режаси ишлаб чиқиладиган ҳудудда жойлашган суғориш тизимининг (сув етказиб берувчи каналлар) чизиқли схемаси;
- 3) экилиши режалаштирилган қишлоқ хўжалик экинларининг таркиби, майдонлари, уларнинг харитада суғориш каналларига боғланган тарзда жойлаштирилиши;
- 4) сув истъемоли режаси тузилаётган ҳудуд кирадиган гидромодуль район ва унда жойлаштириладиган экинлар учун белгиланган суғориш меъёрлари ва муддатлари;
- 5) суғориш тизимларининг (сув етказиб берувчи каналлар) фойдали иш коэффициентлари.

5.5.4 Сувдан фойдаланиш режасини тузиш

(Подшаота дарёси ҳавзасининг Ўзбекистон қисми мисолида)

Сувдан фойдаланиш режасини тузиш ҳар бир фермер ва ҳар бир экин тури учун суғориш гидромодулларини аниқлаш билан бошланади.

Суғориш гидромодуллари суғориш режимига асосан қуйидаги формула билан аниқланади:

$$q = \frac{m}{86,4 * t}, \text{ л/с га}$$

бу ерда q - қишлоқ хўжалик экини суғориш гидромодули;

m – экиннинг суғориш нормаси, $\text{м}^3/\text{га}$;

t - экинни суғоришнинг давом этиши вақти, сутка

86,4 – бирликларни ўтказиш коэффициентини.

Кейинги босқичда декадалик гидромодуллари аниқлаб чиқилади.

Декадалик суғориш гидромодули қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$q_{\text{ўрт}} = \frac{q \cdot t}{T}$$

Декадалик суғориш гидромодули i -чи декада учун қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$q_{\text{ўрт}} = \frac{q_1 \cdot t_1 + q_2 \cdot t_2}{T}$$

бу ерда $q_{1,2}$ –бир ўн кунлик ичидаги олдинги давр ва кейинги даврлар учун гидромодул;

$t_{1,2}$ – ўн кунлик ичидаги гидромодуллар сарфланиши учун кетган кетган вақт, сутка;

T_i – декададаги суткалар сони, сутка

Экинларнинг жойлашиш схемаси ва декадалик гидромодуль кўрсаткичлари асосида экинларининг сувга бўлган талаби аниқланади:

$$Q = q_i * \omega, \text{ л/сек}$$

бу ерда ω - қишлоқ хўжалик экини жойлашган майдон, га

Фермер хўжалигининг сувга бўлган талаби қуйидагича аниқланади:

$$Q_{\Phi} = \sum_{j=1}^{j=n} Q_j, \text{ л/сек}$$

Битта ариқ бўйлаб жойлашган фермерларнинг сув истеъмоли миқдорларини жамлаш орқали уларга хизмат кўрсатадиган суғориш тизимларига бериладиган сув миқдори йиғиндиси аниқланади.

$$Q_{cm}^{nm} = \sum_{\phi=1}^{\phi=n} q_{\phi}, \text{ л/с}$$

Мазкур миқдорни суғориш тизимини фойдали иш коэффициентига бўлиш орқали тизимга берилиши лозим бўлган сув миқдори топилади.

$$Q_{cm}^{br} = \frac{Q_{cm}^{nm}}{\eta_{cm}}, \text{ л/с}$$

Худди шу тахлитдаги ҳисоб китоблар сув истеъмолчилари уюшмалари ва ирригация тизимлари (магистрал каналлар) бўйича ҳам бажарилади ва пироваридида сув манбаидан олинадиган сув миқдори топилади.

Подшаотасой дарёси хавзасининг Ўзбекистон қисми учун ҳисоблаб чиқилган сув истеъмоли миқдорлари тўғрисидаги маълумотлар 5.5-жадвалда акс эттирилди.

5.5—жадвал

Подшаотасой дарёси ҳавзасида вегетация даврида суғориладиган майдонларга бериладиган сувнинг ҳисобий миқдорлари

№	СИУлар номлари	Йиллик ҳажм, млн. м ³ /йил	Ойлар бўйича сув истеъмоли ҳажми, млн.м ³ /ой							
			Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь
Янгиқўрғон тумани бўйича вегетация даврида суғориладиган майдонларга бериладиган сувнинг миқдорлари										
1	Гулшан	9,78	0,34	1,14	1,61	2,16	2,15	1,47	0,59	0,33
2	Заркент	9,27	0,28	0,99	1,29	1,78	2,16	1,90	0,58	0,29
3	Новкент булоғи	14,59	0,60	1,79	2,25	2,50	2,96	2,65	1,20	0,64
4	Бирлашган Обихаёт	10,48	0,45	1,36	1,80	1,97	2,03	1,56	0,84	0,47
5	Туркистон	8,46	0,46	1,26	1,61	1,32	1,37	1,01	0,91	0,51
6	Исковот Обихаёт	11,29	0,36	1,34	1,99	2,53	2,52	1,44	0,72	0,38
7	Поромон	9,93	0,33	1,16	1,79	2,18	2,24	1,28	0,62	0,33
8	Кукёр	6,63	0,21	0,87	1,22	1,36	1,36	0,94	0,45	0,23
9	Октом	1,60	0,08	0,19	0,25	0,30	0,32	0,26	0,13	0,08
10	Нанай	7,41	0,29	0,92	1,26	1,52	1,52	1,09	0,52	0,29
11	Шарқ Юлдузи	12,12	0,60	1,46	1,85	2,24	2,41	1,97	1,00	0,59
12	Беговот Чашмаси	9,57	0,36	1,22	1,70	1,99	1,95	1,33	0,66	0,36
13	Зарбдор	2,75	0,11	0,38	0,55	0,53	0,55	0,22	0,27	0,14
14	Хадикент	6,19	0,14	0,88	1,21	1,07	1,23	0,98	0,47	0,20
15	Узак Зарбулоқ	3,58	0,13	0,41	0,54	0,70	0,78	0,64	0,25	0,13

№	СИУлар номлари	Йиллик хажм, млн. м ³ /йил	Ойлар бўйича сув истеъмоли ҳажми, млн.м ³ /ой							
			Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь
Чортоқ тумани бўйича вегетация даврида суғориладиган майдонларга бериладиган сувнинг миқдорлари										
1	Мучум ариқ обихаёт	7,51	0,32	1,02	1,55	1,24	1,32	0,91	0,77	0,39
2	Айкирон оқтепа зилол сув	6,94	0,39	0,93	1,30	1,16	1,21	0,76	0,76	0,43
3	Короскон зилол сув	6,93	0,44	0,95	1,22	1,13	1,16	0,77	0,79	0,47
4	Навбахор сувчиси	3,05	0,16	0,38	0,55	0,55	0,58	0,35	0,31	0,17
5	Алихон Зилол булоқ	5,05	0,34	0,61	0,77	0,91	0,94	0,63	0,53	0,33
6	Саркор булоқ суви	4,31	0,26	0,53	0,73	0,75	0,78	0,54	0,46	0,27
7	Қорачўкки шаршараси	5,03	0,21	0,44	0,70	1,23	1,30	0,60	0,34	0,21
8	Каран ариқ чашмаси	7,82	0,41	0,79	1,13	1,72	1,79	0,92	0,65	0,40
9	Боғистон қумриобод	6,21	0,16	0,57	0,93	1,56	1,66	0,86	0,31	0,16
10	Балиқли булоқ	9,55	0,51	1,06	1,31	1,80	1,98	1,62	0,79	0,48
11	Пешқўрғон сарчашмаси	7,63	0,35	0,84	1,07	1,45	1,64	1,34	0,59	0,35
12	Кушан-Гулшан зарчи булоқ	8,96	0,56	1,07	1,40	1,63	1,72	1,09	0,92	0,57
13	Ташкилотлар	15,59	0,01	0,01	1,76	6,56	6,84	0,40	0,01	0,01
ЖАМИ дарё хавзаси бўйича		218,24	8,84	24,57	35,32	45,84	48,49	29,52	16,44	9,22

6-боб. СУВ РЕСУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ МАСАЛАЛАРИ

6.1. Атроф-муҳит муҳофазасининг Ўзбекистондаги қонуний асослари

Ўзбекистон Республикасида атроф муҳит муҳофазасининг қонуний асослари бўлиб мамлакат миқёсида қабул қилинган Қонунлар, қонуности ва мёрий хужжатлар хизмат қилади.

Жумладан мамлакат миқёсида атроф-муҳит муҳофазаси масалаларини қамраб олган бир қатор қонунлар мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари тўғрисида қуйида фикр юритилади.

1. Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида" ги қонуни 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган.

Мазкур қонунда табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилининг ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий асослари ёритилган. У фуқароларни қулай муҳитда яшаш ҳуқуқини кафолатлаш учун хизмат қилади.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида" ги қонуни 1993 йил 6 майда қабул қилинган ва 2009 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ 240-сонли Қонуни билан ўзгартиришлар киритилган

Мазкур қонунда сув ресурслари ва улардан фойдаланиш тартиби, сув ресурсларини муҳофаза қилиш, сув объектлари аҳволини яхшилаш, сувдан фойдаланувчиларнинг сувга оид муносабатлардаги ҳуқуқларини ҳимоялаш каби масалалар ёритилган

3. Ўзбекистон Республикасининг "Экологик экспертиза" тўғрисидаги қонуни 2000 йил 25 май қабул қилинган.

Мазкур қонунда амалга оширилиши режалаштирилаётган фаолиятнинг атроф муҳитга таъсирини баҳолашнинг зарурияти ва асосларини ифодаланган

Бир қатор меърий хужжатлар амалга киритилган бўлиб, улардан бири "Режалаштирилган фаолиятни атроф муҳитга таъсирини баҳолаш тартиби тўғрисида йуриқномаси" атроф муҳитга таъсирларни баҳолашни қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш тизимидаги аҳамиятини, АМБТБ тамойиллари, жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш тартиби, томонлар, бурч ва

мажбуриятлари, лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқишда АМБТБни ўтказиш, АМБТБни тайёрлаш тартибларини белгилаб берган.

Меъёрий хужжатларнинг яна бири - Атроф муҳитга бўладиган антропоген таъсирларни баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида йуриқнома” атроф муҳитга бўладиган антропоген таъсирларни баҳолашни ўтказишни умумий тартибини ўрнатган бўлса, бошқаси - халқ хўжалиги объектлари ва комплексларини қуриш лойиҳалари ва техник иктисодий асосномаларини давлат экологик экспертизасидан ўтказиш тартибини белгилаб берган.

6.2. Сув хўжалиги амалиётида атроф-муҳит муҳофазаси

Қишлоқ хўжалик районларида олиб бориладиган сув хўжалиги фаолияти асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини сув билан таъминлаш тадбирларидан иборатдир. Бунда фаолият суғоришга хизмат қилувчи объектларни ташкил этиш ва уларни ишлатиш, ҳамда қишлоқ хўжалик майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилашга хизмат қилувчи мелиоратив тизимларни қуриш ва уларни ишлатишдан иборатдир. Бу фаолият давомида атроф-муҳитга унда маълум ўзгаришларни юзага келтирувчи таъсирлар кўрсатилади.

Сув хўжалиги фаолияти натижасида атроф-муҳитда қуйидаги ўзига хос оқибатлар юзага келиши мумкин:

№ т/р	Таъсир турлари
1.	Дарё сувлари оқими миқдорини камайиши
2.	Дарё сувлари оқими тезлигини пасайиши ёки ортиши
3.	Дарё сувлари оқими режимини (гидрографини) ўзгариши
4.	Дарё сувлари сифатини ўзгариши
5.	Сув иншоотлари қурилган жойларда ландшафтни ўзгариши
6.	Сув омборлари жойлашган ҳудудда микроклим намлигини ортиши
7.	Балиқлар ҳаракатига тўсиқлар (тўғонлар) қўйилиши
8.	Каналлар ўтказилиши боис ландшафт ўзгариши
9.	Канал ўзанининг ювилиши
10.	Суғориладиган ерларда тупроқ эрозияси
11.	Тупроқдаги озик моддаларни ювилиши
12.	Каналларни лойқага тўлиши
13.	Каналларни ўт босиши
14.	Каналлардаги фильтрация сабабли грунт сувлари сатҳининг кўтарилиши

№ т/р	Таъсир турлари
15.	Ботқоқликларни ҳосил бўлиши
16.	Тупроқ шўрланиши
17.	Тупроқ шўрини ювиш учун катта миқдордаги сувларни ишлатилиши
18.	Зовурлар қурилиши боис ландшафт ўзгаришлари
19.	Шўрланган зовур сувлари миқдорини кўпайиши
20.	Зовурларни ўт босиши
21.	Ёввойи ҳайвонларни кўчиб юришига тўсиқларни юзага келиши
22.	Тарихий ва маданий ёдгорликларни бузилиши ёки кўчирилиши
23.	Муқаддас қадамжойларни бузилиши ёки кўчирилиши
24.	Табиий ўсимликларни йўқ қилиниши
25.	Одамларни кўчирилиши
26.	Сув туфайли юзага келадиган (безгак каби) касалликларни кўпайиши
27.	Ер ости сувларини ҳаддан ташқари кўп олинishi туфайли ер ости сувлари сатҳини пасайиши
28.	Ер ости сувлари пасайиши оқибатида тўқайларни қуриб қолиши
29.	Тўқайларда яшовчи ҳайвонларни қирилиши
30.	Одамлар ов қиладиган ҳудудларни қисқариши
31.	Чўлга айланиш жараёнларини кучайиши
32.	Сув ресурсларини қайта тақсимланиши боис истъемолчилар орасида келишмовчиликларни юзага келиши

Сув хўжалиги фаолияти натижасида атроф-муҳитда юз берадиган ўзига хос ўзгаришлар атроф-муҳитга бўладиган таъсирлар характери ва кўламини баҳолаш учун зарур бўладиган бирламчи маълумотларни тўплаш учун амалга ошириладиган ҳаракатлар мазмунини белгилаб беради.

Бирламчи маълумотлар одатда давлат статистик маълумотлари ҳамда экологоик мониторинг билан шуғулланувчи турли муассаса ва ташкилотлар манбаларидан олинади.

Сув хўжалиги фаолиятининг атроф-муҳитга бўладиган таъсирларини баҳолаш дастури сув хўжалиги объекти (гидроузел, дамба, тўғон и бошқалар), қурилиш олиб бориладиган минтақа, сув ресурслари манбаининг ўзига хос экологик жиҳатларини инобатга олган ҳолда тузилади.

Дастурга асосий сув хўжалиги объектилари билан бирга иккиламчи сув иншоотларини атроф-муҳитга таъсирларини баҳолаш ҳам киритилиши лозим.

Асосий сув хўжалиги объектларига тўғонлар, сувни дамловчи деворлар, дамбалар, кирғоқ мустаҳкамловчи, сув ташловчи, сув қабул қилувчи ва сув олувчи иншоотлар, сув етказиб берувчи ва сувни чиқариб юборувчи каналлар ва улардаги иншоотлар (дюкер, акведук, кўприк ва бошқалар), тунеллар, қувурлар, гидроэлектростанциялар, насос станциялари, иссиқлик электростанцияларининг сув иншоотлари, балиқ ўтказувчи иншоотлар каби объектлар киради.

Иккиламчи сув иншоотларига ўрмон муҳофазаси қурилмалари, бўлувчи деворлар, қайиқ тўхтайдиган жойлар ва балиқларни ҳимояловчи иншоотлар киради.

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг дастури қуйидаги олти босқични ўз ичига олиши лозим:

1. Умумий қоидаларни аниқлаш, таъсирларни баҳолашнинг мақсад ва вазифаларини шакллантириш;
2. Сув хўжалиги объектининг ҳолатини ифодаловчи бирламчи маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;
3. Таъсирларни башоратлаш ва баҳоловчи таҳлилнинг қўйилган вазифаларни бажаришга имконият яратадиган самарали услубларини танлаш;
4. Таъсирларни баҳолашнинг барча бўлимлари бўйича сув хўжалиги объекти инженерлик ечимларига мос келувчи математик моделлаштириш ва эксперт баҳолашларига асосланган башоратларини ишлаб чиқиш;
5. Таъсирларни башоратлаш натижаларини таҳлил қилиш, уларни синфлаштириш ва меъёрлаштириш материаллари билан таққослаш;
6. Сув хўжалиги фаолиятини атроф-муҳитга таъсирлари тўғрисида хулосалар чиқариш, фаолиятнинг муқобил вариантлари ва режалаштирилаётган фаолиятга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарорла қабул қилиш.

Сув хўжалиги фаолиятини атроф-муҳитга таъсирларини баҳолаш таъсир остига тушган сув объектлари гидроэкологизимларининг таркиблари турлича бўлганлиги боис уларнинг ўзига хос жиҳатларини албатта эътиборга олиши шарт.

Ўзбекистон шароитида дарё экотизимларининг аксарияти дарё оқимларини гидроузеллар тўғонлари ёрдамида қайта ростлашнинг таъсири остига тушган. Оқибатда қарийб барча дарёларнинг табиий гидрологик, гидрохимик ва гидробиологик режимлари маълум даражада ўзгарган.

Кўп ҳолларда тўғонлар сув омборлари ҳосил қилишга хизмат қилади. Сув омборининг гидрологик, гидрохимик ва гидробиологик режимлари эса дарёниқидан тубдан фарқ қилади.

Шунинг учун тўғонларнинг дарёларга таъсирини баҳолаш учун дарёнинг тўғондан юқоридаги ва тўғондан пастдаги гидрологик, гидрохимик ва гидробиологик режимлари тўғрисида маълумотлар тўпланиши лозим.

Суғориш каналлари ва зовур тармоқларини ўз ичига олувчи суғориладиган майдонлардаги сув хўжалиги фаолияти натижасида эса дарё ва сув омборларига бошқачароқ таъсирлар кўрсатилади.

Ушбу таъсирларни баҳолашда асосий эътиборни сув объектларидан олинандиган ва уларга келиб тушадиган сувлар миқдори билан бирга ушбу сувларнинг сифатига, жумладан улар таркибидаги тузлар, биоген элементлар ва агрохимикатлар миқдорига қаратиш лозим.

Таъсир этувчи моддаларнинг кўплиги ва турли туманлиги боис уларнинг барчасини баҳолаш ўзига хос қийинчиликларни юзага келтиради. Шунинг учун кўп ҳолларда ифлослантириш манбаси билан генетик алоқаси бўлган репрезентатив кўрсаткичларгина ажратиб олиб ўрганилади.

Ушбу репрезентатив кўрсаткичлар сирасига одатда сув минерализацияси, асосий ионлар, эриган кислород, кислородга бўлган биокимёвий эҳтиёж, биоген элементлар (азот ва фосфор бирикмалари), феноллар, пестицидлар киритилади.

Сувда эриган кислород, кислородга бўлган биокимёвий эҳтиёж ва биоген элементлар миқдорлари сув экотизимларини барқарорлигини таъминловчи энг муҳим параметрлар саналишади.

Ихтиофауна таркиби, овланадиган балиқлар популяцияси ҳолати, сув ҳавзасининг балиқ маҳсулдорлиги ва тутилаётган балиқлар сув экотизимлари барқарорлигининг муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланишади. Чунки улар ҳавза суви сифатининг индикаторлари бўлиб хизмат қилиши ва улар асосида сув экотизимининг умумий ҳолати тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Шунинг учун сув хўжалиги фаолиятини атроф-муҳитга таъсирларини баҳолашда ушбу фаолиятни сув ҳавзаси балиқ маҳсулдорлигига таъсирини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Сув ҳавзасининг балиқ маҳсулдорлиги одатда ҳавзадаги фитопланктоннинг бирламчи маҳсулдорлиги ёки зоопланктон миқдори орқали аниқланади.

Сув хўжалиги фаолиятини сув экотизимларига кўрсатадиган таъсирларини башоратлашда аналоглар, эксперт баҳолаши, экстраполяция ва математик моделлаштириш методлари кенг қўлланади. Жараёнларни ифодаловчи математик методларни ўз таркибида мужассамлаганлиги боис аналоглар методи башоратлашда энг кўп қўлланилади.

Башоратлашда асосий эътибор сув сифатининг асосий кўрсаткичлари ва улар билан боғлиқ экологик ҳолатга қаратилиши лозим. Иссиқ иқлимли Ўзбекистон шароитида сув ҳавзалари суви сифатининг энг асосий кўрсаткичи – сув минерализацияси ҳисобланади. Ҳавза суви минерализацияси ўзгаришларини башоратлаш ҳавзанинг ўзига хослигидан (муттасил оқувчи – дарёлар, каналлар ва нисбатан турғун – сув омборлари, кўллар) келиб чиқиб турлича усулларда бажарилади.

Сув омборлари суви минерализацияси ўзгаришларини башоратлаш ҳисобларини қуйидаги тенглама асосида амалга ошириш мумкин:

$$M_o = M_a + \left(M_k \frac{V_k}{V_k - V_b + V_e} - M_a \right) \cdot B \quad (1)$$

$$\text{бу ерда: } B = 1 - \left(\frac{V_a}{V_o} \right)^{1 + \frac{V_u}{V_o}} \cdot \frac{V_u}{V_o} \quad (2)$$

V_o, M_o – кўрилаётган муддат охирида сувнинг миқдори ва минерализацияси, m^3 ва мг/л;

V_a, M_a – кўрилаётган муддат аввалида сувнинг миқдори ва минерализацияси, m^3 ва мг/л;

V_k, M_k – кўрилаётган муддат ичида келган сув миқдори ва минерализацияси, m^3 ва мг/л;

V_u – кўрилаётган муддат ичида ишлатишга олинган сувнинг миқдори, m^3 ;

V_b – кўрилаётган муддат ичида буғланиган сув миқдори, m^3 ;

V_e – кўрилаётган муддат ичида сув юзасига ёққан ёғинлар миқдори, m^3 .

Дарё сувлари минерализацияси, улар таркибидаги асосий ионлар миқдори ўзгаришларини башоратлаш одатда баланс тенгламалари орқали амалга оширилади:

$$Q_o M_o = \Sigma Q_m M_m + \Sigma Q_{\bar{e}} M_{\bar{e}} + \Sigma Q_{2K} M_{2K} + \Sigma Q_{\bar{e}H} M_{\bar{e}H} + \Sigma Q_K M_K - \Sigma Q_C M_C + \Sigma Q_{2CK} M_{2CK} + \Sigma Q_{\bar{b}} \quad (3)$$

бу ерда: $Q_o M_o$ – кўрилатган створдаги сув сарфи ва минерализацияси башорат кўрсаткичлари;

$\Sigma Q_m M_m$ – транзит сув сарфива унинг минерализацияси;

$\Sigma Q_{\bar{e}} M_{\bar{e}}$ – атмосфера ёғинлари ва уларнинг минерализацияси;

$\Sigma Q_{2K} M_{2K}$ – оқиб келувчи грунт сувлари сарфи ва минерализацияси;

$\Sigma Q_{\bar{e}H} M_{\bar{e}H}$ – ёнбошдан келувчи сувлар сарфлари ва уларнинг минерализацияси;

$\Sigma Q_K M_K$ – қайтувчи сувлар сарфи ва минерализацияси;

$\Sigma Q_C M_C$ – суғоришга берилатган сувлар сарфи ва минерализацияси;

$\Sigma Q_{2CK} M_{2CK}$ – оқиб кетувчи грунт сувлари сарфи ва минерализацияси;

$\Sigma Q_{\bar{b}}$ – буғланишга сарфланаётган сувларнинг умумий миқдори.

Суғориладиган майдонлардан сув ҳавзаларига чиқариб юбориладиган озукка моддалар (ўғитлар) миқдорини сувда эриган минерал азот ва умумий фосфор миқдори асосида башоратлаш мумкин. Далаларга берилатган ўғитларнинг умумий миқдори аниқ бўлган ҳолларда далалардан сув ҳавзаларига чиқариб юбориладиган азот бирикмалари миқдорини (ИСМИТИ (САНИИРИ) маълумотларига асосан) 7,0 % га, фосфор бирикмалари миқдорини 0,6 % га тенг деб ҳисоблаш мумкин.

Далаларга ишлов бериш учун қўлланиладиган пестицидларнинг сув муҳитига таъсирларини башоратлашда уларнинг (фосфорорганик ва хлорорганик пестицидларни) сув ҳавзаларига чиқариб ташланадиган миқдорини (яна ИСМИТИ (САНИИРИ) маълумотларига асосан) умумий ишлатилган миқдорнинг 1,0 % га тенг деб қабул қилиш мумкин.

Ўрганилатган ҳудуддан сув ҳавзаларига чиқариладиган тузлар миқдорини ҳисоблаш мураккаб иш бўлиб, у асосан ҳудуднинг дренаж модули, дренаж тизимлари билан таъминланганлиги ва бошқа кўплаб омилларга боғлиқдир.

Сув ҳавзаларига қайта ташланадиган сувлар тахминий миқдорини куйидаги тегилик асосида аниқлаш мумкин:

$$V_6 = V_o - (E_{mp} - E_{mp}^1) - S_{zp.mp} - V_1 - V_2 \quad (4)$$

бу ерда: $V_o = Q_{6p} - (E - E_1) - S_{zp}$;

бу ерда: V_o – суғоришга берилаётган сувлар миқдори, млн.м³;

E – суғориладиган майдондан буғланаётган сувлар миқдори, млн.м³;

E_1 – ўша майдондан суғориш бўлмаган вақтда буғланган сувлар миқдори, млн.м³;

S_{zp} – суғориладиган майдон грунт сувлари захирасини ўзгариши, млн.м³;

$S_{zp.mp}$ – транзит зона (суғориладиган майдон ва сув объекти оралиғидаги ҳудуд) грунт сувлари захирасини ўзгариши, млн.м³;

E_{mp}^1 – транзит зонадан суғориш бўлмаган вақтда буғланган сувлар миқдори, млн.м³;


V_1 – сув баланси ҳудуди доирасида қайтарилмас ишлатишга (қайта ишлатиш, бошқа ҳавзаларга ташлаш) олинган сув миқдори, млн.м³;

V_2 – сув баланси ҳудудидан ташқарига чиқариб юборилган сув миқдори, млн.м³.

Тоғолди ва тоғ суғориладиган ҳудудлардан олиб чиқиладиган тузлар миқдорини ИСМИТИ (САНИИРИ) маълумотларига асосан аниқлаш мумкин. Бунда суғориладиган майдонлардан ҳосил бўлаётган зовур ташлама сувларнинг ўртача шўрлиги суғоришга ишлатилаётган сувнинг шўрлигидан 20 % гача юқори деб қабул қилинади.

Текислик суғориладиган ҳудудлардан олиб чиқиладиган тузлар миқдорини аналоглар усулида аниқлаш мумкин. Бунда худди шу ҳудудга айнан ўхшайдиган ҳудуднинг маълум кўрсаткичлари ҳисоб-китоблар учун асос қилиб олинади.

Суғориладиган майдонлардан ҳосил бўладиган зовур-ташлама сувлар асосан табиий сув манбалари муҳитига таъсир кўрсатади ва ушбу таъсир схемада кўрсатилгандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкин:



6.1 - расм. СуВ хўжалиги фаолияти натижасида суВ муҳитига кўрсатиладиган таъсирларининг салбий оқибатлари

СуВ хўжалиги фаолиятини атроф-муҳитга таъсирларини баҳолаш антропоген омилларни суВ экотизимларида юзага келадиган ўзгаришлар кўлами ва аҳамиятлилигини аниқлаш, ўзгаришлар оқибатларини башорат қилиш, таъсирларни муқобил вариантларини кўриб чиқиш, таъсирларни камайтиришнинг энг самарали йўлларини танлаш каби амалларни ўз ичига олиши лозим. Энг асосийси эса суВ хўжалиги фаолиятини атроф-муҳитга таъсирларини баҳолаш суВ хўжалиги фаолияти юзасидан қабул қилинадиган қарорларни тўғри бўлишига хизмат қилиши лозим.

6.3. Қишлоқ хўжалиги фаолияти натижасида атроф-муҳитга бўладиган таъсирлар ва уларни камайтириш

Маълумки, инсон бошқа жонзотлар каби ўзи учун керакли нарсаларнинг барчасини табиатдан олади, лекин улардан фарқли равишда ушбу табиатни асраб-авайлаш фаолиятини амалга ошира олиш қобилиятига эга.

Аввалари инсон табиатдан олаётган нарсаларнинг миқдори, ушбу нарсаларнинг табиатдаги миқдорига нисбатан кам эди ва табиат бу олинаётган

нарсалар ўрнини тўлдиришга улгурар эди. Табиат инсон фаолияти таъсирида етказилаётган зарарларни қоплаб, жароҳатларни даволашга улгурарди. Хозирги замонамизга келиб эса ахвол кескин ўзгарди. Табиий ресурсларни истъемол қилиш тезлиги уларнинг қайта тикланиши тезлигидан ортиб кетди. Табиатга кўрсатилаётган таъсирлар кучайиб, улардан келаётган жароҳатларни табиат даволай олмай қолди.

Натижада сайёрамизда бир қатор муаммолар юзага кела бошлади: ер шари умумий ҳароратининг кўтарилиши, атмосфера озон қатламининг емирилиши, чучук сув заҳираларининг кескин камайиши, катта-катта территорияларнинг чўлга айланиши ва бошқалар. Бу каби салбий оқибатларни юзага келишида қишлоқ хўжалиги, шу жумладан суғориладиган деҳқончиликни ҳам ўз ҳиссаси мавжуд.

Суғориладиган деҳқончиликнинг сайёрамизда ривожланиб келаётган экологик тангликка қўшаётган ҳиссаси айниқса:

- *тоза сув ресурсларининг камайиши;*
- *сув ресурсларининг ифлосланиши;*
- *сайёрамиз иқлимининг исшига қўшаётган улушида яққол кўзга ташланмоқда.*

Хозирги кунда минтақамизнинг Оролбуйи ҳудудида юзага келган экологик тангликнинг асосий сабабчиси сифатида охирги 40 йил давомида бир хил экин (пахта) етиштиришга йўналтирилган суғориладиган деҳқончиликнинг жадаллик билан ривожлантирилиши кўрсатилмоқда. Ҳақиқатан ҳам ўтган асрнинг охирги ўн йилликларида суғориладиган деҳқончилик учун янги ерларнинг ўзлаштирилиши, уларни суғориш учун дарё сувларини ўйламасдан олавериш, ўз таркибида далаларда ҳисобсиз ишлатилган ҳар хил ўғитлар ва кимёвий заҳарли моддаларнинг қолдиқларини жамлаган чиқит ва зовур-заҳқаш сувларни дарёларга ташлаш Оролбуйи ҳудудида мисли кўрилмаган экологик танг вазиятнинг юзага келишига сабабчи бўлди. Оқибатда хозирги кунга келиб ушбу ҳудудда тоза ичимлик суви у ёқда турсин, ҳатто экинларни суғориш учун чучук сувни топиш ҳам муаммо бўлиб қолди. Денгиз яқинидаги беҳисоб кўлларнинг қуриши улар атрофидаги тўқайларнинг йўқ бўлиб кетиши ва у ерларда яшовчи турли ҳайвон ва жониворларнинг қирилиб кетишига олиб келди. Ерлик аҳоли учун асосий манба ҳисобланган балиқчилик инқирозга юз тутди.

Аҳоли орасида турли хил касалликлар кўпая бошлади. Қисқа қилиб айтганда, ерлик аҳоли турмуш кечириши учун ноқулай вазият юзага келди.

Минтақанинг бошқа ҳудудларида ҳам бундай ҳолатлар содир бўлишининг олдини олиш учун теварак -атроф муҳит тўғрисида доимо қайғуриб, қишлоқ хўжалигининг, хусусан суғориладиган деҳқончиликнинг атроф-муҳитга кўрсатадиган таъсирларини ёддан чиқармаган ҳолда фаолият юритмоқ даркор.

6.2.1 Суғориладиган деҳқончиликни атроф-муҳитга кўрсатадиган таъсирлари

Суғориладиган деҳқончилик фаолияти олиб борилаётган қурғоқчил (арид) ҳудудлардаги атроф-муҳитда қуйидаги салбий кўринишлар юз бериши кузатилган:

- Табиий муҳитда ўсган турли хил ўсимликлар ўрнини қишлоқ хўжалик ерларида етиштириладиган фақатгина бир неча тур ўсимлик эгаллайди. Натижада ўсимликлар табиий хилма-хиллиги йўқолади, табиий мувозанат бузилиб ҳайвонот дунёси ҳам тубдан ўзгаради. Далаларда доимо бир неча турдаги экинларгина экилиши натижасида ўсимликлар табиий барқарорлиги йўқолади. Оқибатда ҳосилни йўқотиш хавфи ортиб, ўсимликларни ҳимоя қилиш учун кимёвий ашёлар қўллаш зарурияти туғилади.
- Кимёвий моддаларни кўплаб қўллаш тупроқ ва атроф-муҳитдаги фойдали ҳашаротларни қирилиб кетишига ҳам олиб келади. Натижада ушбу кимёвий моддаларга иммунитет ҳосил қилган зарали ҳашарот ва бегона ўтлар янада кўпайиб уларга қарши кураш янги кимёвий моддаларни талаб қилади. Кимёвий моддаларни кўплаб қўллаш ҳудудда яшаётган аҳоли соғлигига ҳам салбий таъсир қилади.
- Далалар ландшафти ва улардаги микроклим шароитлари ўзгаради. Тупроқ ҳосил бўлиш жараёнлари борадиган шароитлар ўзгаради. Тупроқ чиринди қатламининг ювилиши кучайиб бориши ва унинг шўрланганлигини ортиши минерал ва захарли моддалар ювилишининг кучайишига ҳамда тупроқнинг сув ва туз эрозиясига учрашига олиб келади.
- Суғоришга табиий тоза сув ишлатилишига қарамай ер усти ва ер ости сувлари маълум миқдорда минерал ўғитлар қолдиқлари ва агрохимикатлар билан ифлосланади, уларнинг шўрланганлиги ортиб боради.

- Суғориладиган майдонлар ва уларга қўшни бўлган ҳудудларда ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши ерларнинг шўрланишига, кўплаб йиллар давомида етиштирилиб келинаётган кўп йиллик ўсимликларни (дарахтларни, масалан узумларни) қуриб қолишига, мавжуд иншоотларни емирилишига олиб келади.
- Суғориладиган деҳқончилик ривожланаётган ҳавзаларда дарё сувлари режимини суғориш мақсадлари учун сув омборлари ёрдамида ростланиши, сувни суғоришга олиниши дарё ва қўллар гидрографларининг ўзгаришига ва дарё ҳавзасидаги, айниқса унинг қуйи оқимидаги экологик вазиятнинг ўзгаришига олиб келади.
- Суғориладиган майдонлардан шаклланаётган ташлама ва зовур-захқаш сувларининг дарё ва қўлларга ташланиши, ушбу ҳавзалар табиий тоза сув ресурсларини камайишига сабаб бўлади.
- Суғориш учун зовур-захқаш сувлари ҳамда чорвачилик, маиший ва саноат чиқит сувларини назоратсиз ишлатилиши тупроқ структурасини ва унда бораётган тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларини ўзгаришига, деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари сифатининг бузилишига олиб келади. Бунда тупроқ ва табиий сувларнинг ифлосланиши даражасини ортиши ҳам кузатилади.
- Ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши натижасида ерлар шўрланганлик даражасининг ортиши ерларни ташландиқ ҳолатга келишига, яъни ҳудудларнинг чўлга айланиши ходисасининг кучайишига сабаб бўлади

6.2.2 Суғориладиган деҳқончиликни атроф муҳитга кўрсатадиган таъсирларини камайтириш йўллари

Ўзбекистон жойлашган қурғоқчил (арид) зоналар экотизими ҳар қандай ўзгартиришга жуда таъсирчан ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси ўз амалий фаолиятида атроф муҳитга кўрсатилаётган таъсирлар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини доимо эсда тутган ҳолда атроф-муҳит тўғрисида қайғуриши лозим.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши фаолияти, хусусан деҳқончилик билан шуғулланаётган ҳар бир субъект ўз фаолияти давомида қуйидагиларга амал қилиши лозим:

Экинларга ишлов бериш вақтида:

- Кимёвий ўғитлар ва заҳарли химикатларни ишлатишни иложи борича камайтириш;

Дехқончилик қилинаётган майдонларга кимёвий ўғит беришдан олдин уларда етиштирилаётган экиннинг ушбу ўғитга бўлган эҳтиёжи ва дала тупроғининг ўзига хосликларига эътибор қаратилиши лозим. Кўп ҳолларда кимёвий ўғит ўрнига табиий гўнгдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади.

Ўсимликларни зараркунадалардан ҳимоя қилиш учун ишлатиладиган кимёвий заҳарларнинг танлаб таъсир қиладиганлари ва табиатда тез йўқолиб кетадиганларини ишлатиш, энг яхшиси эса улар ўрнига биологик воситаларни қўллаш яхши самара беради.

- Суғориладиган ерларда ўсимликлар турлари хилма-хиллигини ошириш;

Далалар атрофида дарахтлар экиш, ўсимликлар зараркунандаларининг табиий душманлари бўлган қушларни кўпайишига ёрдам беради.

- Экинларни алмашлаб экиш тупроқ структурасини яхшилаш билан бирга ўсимликлар касалликлари ва зараркунандаларга қарши курашда энг самарадор воситалардан бири ҳисобланади.
- Ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилишда биологик воситаларни қўллаш атроф-муҳитни заҳарли химикатлар билан ифлосланишидан сақлайди ва фойдали ҳашоратлар яшаши учун қулай имконият яратади.

Экинларни суғориш даврида:

- Қишлоқ хўжалигида, хусусан суғоришга ишлатиладиган сув миқдорини иложи борича камайтириш;

Суғориш тизимлари орқали далаларга бериладиган сув миқдорининг фақат 50 %игина ўсимликка сарф бўлишини эътибордан қочирмаган тарзда, иложи борича ўсимликнинг биологик эҳтиёжи учун керак бўладиган сувни беришга ҳаракат қилинмоғи лозим. Бунда даладаги тупроқ хусусиятларини, яъни унинг намлик сиғими ва суғоришдан олдинги намлик даражасини яхши билиш лозим.

- Суғоришнинг сув тежовчи технологияларини қўллаш;

Бу иш экин экишга далани тайёрлашдан бошланиши лозим. Дала яхшилаб текисланган бўлса, сувни ҳалқобланмайди, беҳудага ерга сингиб кетмайди, ерлар ботқоқланмайди ва балки суғоришнинг самарадорлиги юқори бўлади

Суғоришнинг калта эгатли, томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш каби усуллари сувни тежашда яхши самара беради.

- Суғоришга ишлатиладиган сувлар сифатини назорат қилиш;

Суғоришга ишлатиладиган сувнинг сифатини назорат қилиш тупроқ шўрланиши олдини олибгина қолмай, балки суғориш суви меъёрларини тўғри белгилаш имконини ҳам беради. Чунки суғоришга таркибида туз миқдори юқори бўлган сувни ишлатилганда ўсимликка кўпроқ сув беришга тўғри келади.

- Канал (арик) лар ва далаларда сув исрофгарчилигига йўл қўймаслик ҳисобига суғориш суви меъёрларини камайтириш;

Одатда суғоришга берилаётган сувнинг кўп қисми канал ва ариқлардан ерга сингиб кетади. Ушбу исрофгарчиликни камайтириш учун лоток ариқлар ўрнатилган ҳудудларда лоток тизимларини бузилишига, лотокларни беҳудага тешиб сув олинишига ва лотокларнинг уланган жойларидан сувни оқиб кетишига йўл қўймаслик лозим.

- Грунт сувлари сатҳини 1,5-2,0 м дан паст чуқурликда бўлишига эришиш;

Грунт сувлари сатҳининг кўтарилиб кетиши ерларнинг шўрланишига олиб келади. Суғориш меъёрини тўғри белгилаш, суғориш сувини тупроққа беҳудага сингиб кетишига йўл қўймаслик ва яхши дренаж тизими ер ости сувлари сатҳини 1,5-2,0 м дан паст чуқурликда ушлаб туриш учун замин яратади ва ерлар шўрланиши хавфини камайтиради.

- Агрохимикатлар ва бошқа захарли моддалар билан ифлосланган захкаш сувларини табиий сув ҳавзаларига ташланишини камайтириш;

Агрохимикатлар ва бошқа захарли моддалар билан ифлосланган захкаш сувларини табиий сув ҳавзаларига ташлаш, ушбу сув ҳавзаларини ифлослантириб, улар экотизимини издан чиқишига олиб келади. Захкаш сувларини ҳосил бўлишига имкон қадар йўл қўймаслик табиий сув ҳавзаларини сизот сувлари билан ифлосланишини олдини олишнинг энг яхши йўли саналади.

Ўғит ва агрохимикатлар сақланадиган омборларнинг яхши жиҳозланганлиги улардан захарли моддалар ювилиши ва табиий сув ҳавзаларига бориб тушиши олдини олади.

Захкаш сувларни ифлосланиш даражасини камайтиришнинг муҳим йўлларида бири парчаланиши қийин бўлган пестицидлар ўрнига танлаб таъсир қилувчи ва табиий муҳитда тез парчаланиб кетадиган пестицидларни қўллаш,

яна бири эса ўғит бериш технологияларини такомиллаштириш, яъни ўғитларни суғориш суви билан бирга берадиган (фертиирригация) технологияларни қўллаш хисобланади.

- Заҳқаш сувлари сифати назоратини йўлга қўйиш ва уларни тозалаш

Зовур-заҳқаш сувлари сифатини назорат қилиш очик сув ҳавзаларини далаларда қўлланилган агрохимикатлар қолдиқлари билан ифлосланишдан сақлайди. Ушбу сувларни тозалашда табиий ўсимликларнинг (қамиш, гиацинт ва бошқалар) тозалаш қобилиятига асосланган биолато ва биоинженерлик курилмалари каби биологик усуллардан фойдаланиш яхши самара беради.

- Чорвачилик фермаларида тўпланган гўнларни ёмғир ва бошқа сувлар билан ювилиб сув ҳавзаларига тушишини олдини олиш учун, гўнг сақланадиган жойлар яхшилаб жиҳозланиши лозим.

- Суғоришга ишлатилаётган сувлар миқдори сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳавза схемаси билан келишилган бўлиши керак;

Суғоришга даврида бошқа сув истъеомолчиларининг сувга бўлган ҳуқуқини ҳурмат қилиш ва дарёдаги сув ресурслари тўғрисида қайғуриш.

- Ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиб кетишидан ҳимоя қилиш

Далаларда ер ости сувлари сатҳи кўтарилиб кетиши теварак атроф майдонларга ҳам таъсир қилиб, у ерлардаги иншоотларнинг емирилишига, дарахтларни қуриб қолишига сабаб бўлишини унутмаган ҳолда канал ва ариқлардан сув сизилишини камайтириш, мукамал заҳқаш тизимларини қўллаш лозим.

- Агроландшафтлар (қишлоқ хўжалик ерлари) эстетикасини яхшилаш

Гидротехник ва қишлоқ хўжалик иншоотларининг атроф – муҳит билан эстетик ҳамоҳанглигини (мос тушишини) таъминлаш ҳар томонлама фойдалидир. Зовур тармоқларини тозалаганда ҳосил бўладиган тепаликларни текислаш лойқаларни ювилиб қайта яна заҳқашга тушишидан ва заҳқашларни қайта ифлосланишдан сақлайди.

ХУЛОСА

Трансчегаравий сувлар трансчегаравий дарёлар сувлари ва давлатлар чегараларида жойлашган денгиз ва кўллар сувларини ифодалайди. Жаҳонда икки ёки бир неча давлатлар ўртасида умумий фойдаланиладиган 263 трансчегаравий дарё хавзалари мавжуд бўлиб, дунё аҳолисининг 40 фоизини ҳаётий манфаатлари ушбу дарё хавзалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Трансчегаравий дарёлардан ҳамкорликда фойдаланиш масаласи давлатларнинг ўзаро муносабатларини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири бўлиб, давлатлар ўртасида юзага келган конфликтли вазиятларни бартараф этиш ва бутун минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилувчи интеграцияни таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш кўплаб мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти, хусусан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барқарорлигини таъминлашда тенгсиз аҳамиятга эга эканлиги боис мазкур сув ресурсларини оқилона бошқариш ва улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш энг долзарб вазифалардан саналади.

Трансчегаравий сув ресурсларини хавзавий бошқарув асосини барча сув манбаларини ҳисобга олиш, иқтисодиёт барча соҳаларининг сувга бўлган талабларини мувофиқлаштирилган тарзда ҳисобга олиш, гидрографик метод, бошқарувга барча сувдан фойдаланувчиларни жалб қилиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш каби омиллар ташкил қилади.

Трансчегаравий сув ресурсларини хавзавий бошқаришда хавза ҳудудига кирувчи ҳар бир манфаатдор давлатнинг қуйидагиларни амалга ошириши талаб қилинади:

- халқаро конвенциялар доирасида қабул қилинган мажбуриятларга қатъий риоя қилиш, давлатлараро сув оқимлари бўйича халқаро конвенциялар ва ҳужжатларга қўшилиш зарурлиги ва бошқалар;

- ичимлик суви таъминотининг устувор вазифаларидан келиб чиқиб, экологик ҳамда ижтимоий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда давлатлараро сув оқимлар бўйича сувни тақсимлашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш;

- сув сифати ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир қонунлар ҳамда йўриқномаларга мувофиқ бошқариш механизмларини ишлаб чиқиш;

- институционал ислохотлар бўйича қонунчилик базасини таъминлаш, қонунга риоя қилинмаган ҳолларда санкцияларга оид қоидаларни ишлаб чиқиш (бажариш), шунингдек, сув тақчиллиги, тошқинлар ва сувни ифлослантириш билан боғлиқ фавқулодда вазиятларни тартибга солиш;

Орол денгизи хавзасининг сув ресурслари ер юзаси ва ер ости сувлари ҳамда музликлардан ташкил топган бўлиб, минтақа сув ресурсларининг 80 % дан ортиғи Қирғизистон ва Тожикистондаги абадий музликлар ва қорлар ҳисобига шаклланади.

Собиқ Иттифоқ даврида ирригация-энергетика режимида ишлаш учун мўлжалланган сув омборларни қўшни давлатлар томонидан энергетика-

ирригация режимида ишлатилиши оқибатида охириги йилларда Ўзбекистоннинг суғориладиган майдонларини сув билан таъминлаш муаммоси кескинлашиб бормоқда. Бу бир томондан Қирғизистоннинг сув сиёсати оқибатида Сирдарё дарёси ҳавзасида рўй бераётган бўлса, иккинчи томондан Тожикистоннинг сув сиёсати оқибатида Амударё дарёси, шу жумладан, Зарафшон дарёси ҳавзаларида кўзга ташланмоқда. Жумладан, Қирғизистоннинг Норин дарёсидаги ирригация-энергетика мақсадларида кўпйиллик сув ростлашга мўлжалланган Тўктоғул сув омбори режимини бир томонлама энергетика-ирригация мақсадига ўзгартириши оқибатида Сирдарё дарёсининг йиллик табиий сув режими ўзгариб, кўйида жойлашган Ўзбекистон ва Қозоғистон мамлакатлари учун бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Хусусан дарё сувлари қишда кўпайиб ёз даврида камайиши юз бермоқда. Оқибатда маълум ҳудудларни қишда сув босиши, Арнасой кўлларида сув кўпайиши (2006 йилгача) каби ҳодисалар кузатилмоқда.

Трансчегаравий сувлардан ҳамкорликда фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари уни имзолаган ёки унга қўшилган давлатлар томонидан мавжуд халқаро ҳужжатлар асосида тартибга солинади. Бундай турдаги асосий ҳужжатлар тоифасига халқаро Конвенциялар, ўзаро келишувлар ва шартномалар киради.

Трансчегаравий сувларни бошқариш борасидаги ҳуқуқий ҳужжатлар умумий тартибни белгиловчи конвенциялар, ҳавза тизимидаги шартномалар, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича битимлар ва икки томонлама келишувлар кўринишида бўлади.

Трансчегаравий сув ресурслари масалаларидаги халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишда қуйидаги икки жиҳат муҳим аҳамиятга эга: 1) ўзаро самарали ҳамкорликни босқичма-босқич йўлга қўйилишини таъминловчи тузилманинг бўлиши лозимлиги; 2) манфаатдор томонлар тўлиқ ишонадиган ва зарур миқдордаги маблағларга эга бўлган учинчи томоннинг мавжудлиги.

Трансчегаравий сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланишни ҳуқуқий асослашда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг Европа иқтисодий комиссияси томонидан қабул қилинган “Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Конвенцияси” (1992 йил) ва “Халқаро сув оқимларидан кема қатновисиз фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенция” (1997 йил) каби ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга.

Орол денгизи ҳавзасида трансчегаравий сув ресурсларини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

1. Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон Республикалари ва Туркманистон ўртасида “Давлатлараро манбалардаги сув ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни бошқаришда ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги Битим (Олма-Ота, 1992 йил 18 феврал).

2. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари Ҳукуматлари ўртасида “Сирдарё дарёси ҳавза сув-энергетика ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида”ги Битим (Бишкек, 1998 йил 17 март).

3. Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон Республикалари ва Туркманистон Ҳукуматлари ўртасида “Оролни кутқариш Халқаро фондини

(ОҚХФ) ташкил этиш ва унинг мақоми тўғрисида”ги Битим (Тошкент, 1997 йил 29 май).

4. Марказий Осиёда давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси тўғрисидаги Низом (Тошкент, 1992 йил 5 декабр).

5. Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси қошидаги сув хўжалиги муаммолари бўйича Илмий-ахборот маркази тўғрисидаги Низом (Бишкек, 1996 йил 9 август).

6. Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссиясининг доимий ҳаракатдаги органи (Котибият) тўғрисидаги Низом (Нукус, 1993 йил 10 октябр).

7. “Сирдарё” сув ҳавзаси бирлашмаси Низоми (Ашгабат, 1992 йил 6 апрел) ва б.

Трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш масаласида тузиладиган ташкилотлар оғзаки келишув ёки иш механизмлари асосида фаолият юритадиган норасмий, ҳалқаро хавза бошқармаси кўринишидаги ўта расмий ёки мажбурий юридик шартнома кўринишидаги фонд ёки комиссия бўлишлари мумкин.

Орол денгизи хавзасида трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланиш бўйича давлатлараро зарур келишувлар ва сув ресурсларини бошқаришни амалга оширувчи ташкилотлар тузилган. Лекин юқори оқимида жойлашган давлатлар келишувларни ва тузилмалар ишини ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда чигаллаштириб, баъзи ҳолларда тўлиқ бузиб келмоқда.

Соҳада келгусида куйидаги йўналишларда амалий ҳаракатларни олиб бориш таклифини илгари суриш мумкин:

1. Орол денгизи хавзасида трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланишда БМТнинг Конвенциялари доирасида иш юритилишига эришиш.

2. Орол денгизи хавзасида трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланиш бўйича давлатлараро зарур келишувларга барча томонларни изчил амал қилишига эришиш.

3. Орол денгизи хавзасида трансчегаравий сув ресурсларини бошқаришни амалга оширувчи ташкилотлар, жумладан, Оролни қутқариш фонди, Амударё ҲСХБ, Сирдарё ҲСХБ, ДМСХК ИАМлар ваколатлари ва потенциалларини кучайтириш.

4. Ҳозирги кунда суви Сирдарё ва Амударё дарёларига етиб бормаيدиган трансчегаравий кичик дарёлар ҳавзаларида сув ресурсларини оқилона бошқариш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Ўзбекистон фойдаланадиган сув ресурсларининг трансчегаравийлиги ва иқлимнинг ўзгаришлари туфайли кундан кунга ортиб бораётган сув тақчиллиги шароитида қишлоқ хўжалиги майдонларидан кафолатли ҳосил олиш, пировардида мамлакат аҳолисини озиқ овқат маҳсулотлари, шу жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлаш учун мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва суғоришнинг сув тежовчи

технологияларини кенг жорий қилиш йўналишида мамлакатда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш ва суғоришнинг сув тежовчи технологияларини жорий қилиш йўналишларида охириги йилларда ҳукумат даражасида бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинган бўлиб, уларни амалга ошириш йўналишида олиб борилаётган ишлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил қилишда яхши самара бермоқда.

Жумладан, сув тежовчи суғориш тизимларини жорий қилиш ҳозирги кунда давлат аҳамияти даражасигача кўтарилган ва давлат миқёсида 2013 – 2017 йилларга мўлжалланган дастури қабул қилинган. Ҳозирда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мамлакат миқёсида аниқ белгиланган дастурлар асосида олиб борилмоқда.

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1992.
2. Каримов И. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир / Асарлар тўплами. 19-том. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2011.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни // http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=107115.
4. Всемирный Водный Совет // <https://ru.wikipedia.org/wik>.
5. Гончаренко А. Использование ресурсов трансграничных вод: состояние и перспективы // Ж. Мировая экономика и международные отношения. – Москва: 2002. – № 5.
6. Интегрированное управление водных ресурсов в трансграничных бассейнах // www.usaid.gov/or_work/environment/Water/what_is_iwrn.html.
7. Кичигина Н. Дунай – потенциал сотрудничества и конфликтов // Ж. Еженедельник. – Москва: 2008. - №41.
8. Конвенция по охране и использованию трансграничных водотоков и международных озер // http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/watercourses_lakes.shtml
9. Международное право. Т. 7. – М.: 1992.
10. Рейн // <http://ru.wikipedia.org/wiki>.
11. Реки Азербайджана // <http://ru.wikipedia.org/wiki>.
12. Руководство по интегрированному управлению водными ресурсами в трансграничных бассейнах рек, озер и водоносных горизонтов // http://www.gwp.org/PageFiles/76433/INBO_Handbook2_Rus.pdf.
13. Рысбеков Ю.Х. Трансграничные водные ресурсы Центральной Азии: политические и правовые аспекты бесконфликтного использования // Информационный сборник НИЦ МКВК. – Ташкент, 2006. - №1.
14. Трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш — барқарор ривожланиш омили // <http://www.parliament.gov.uz>.
15. Уточнение схемы комплексного использования и охраны водных ресурсов бассейна реки Сырдарьи. Корректирующая записка. Средазгипроводхлопок. – Ташкент: Наука, 1983.
16. “Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий манбалардан фойдаланиш тўғрисида” Маъруза // <http://www.uznature.uz/sites/default/files/imce/Maruza.pdf>.
17. Ҳомидий Ҳ. “Авесто”дан “Шоҳнома”га. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2007.
18. Маматов С. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш (ўқув қўлланма). Тошкент, Чинор ЕНК, 2013. 122 б.
19. Маматов С.А., Ишпулатов З. Сувдан самарали фойдаланиш юқори ҳосил гаровидир // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. - 2013 й. № 5.-2-3 б.

20. Маматов С.А., Ибрагимов Ф.И, Акбарова К.Х. Тупроқда етарли намликни яратиш //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. - 2013 й. № 9.-12 б.

21. Маматов С.А., Ибрагимов Ф.И., Акбарова К.Х. Кичик дарё ҳавзасида сув билан таъминланганликни ошириш //“Мелиорация, атроф-муҳит экологиясини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни такомиллаштириш масалалари”: Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, 2012 й. 48-51б.

22. Исмагилов Х.И., Маматов С.А., Гаппаров Ф.А., Ибрагимов Ф.И. Тоғолди худудлардаги каналларда шағал-тошлар оқишини юзага келтирувчи сабаблар //“Мелиорация, атроф-муҳит экологиясини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни такомиллаштириш масалалари”: Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари.- Тошкент, 2012 й.105-108 б.

23. Маматов С.А., Ибрагимов Ф.И, Акбарова К.Х. Кичик дарё ҳавзасида қишлоқ хўжалик майдонлари сув билан таъминланганлигини яхшилаш чоралари //“Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари”: Мавзусидаги анъанавий XII-республика илмий-амалий анжуман. - Тошкент, 2013 й. 48-51 б.

24. Маматов С.А. Томчилаб суғориш тизими //Давлат маҳаллий органлари раҳбарлари учун ташкил қилинган ўқув курслари учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тарқатма материали (170 нусха), ИСМИТИ, Тошкент, 2012 – 8 б.

25. Маматов С.А. Томчилатиб суғориш тизими //МЧЖ «Меҳридарё», Тошкент, 2012 – 79 б.

26. Маматов С. Сувдан оқилона фойдаланиш юқори ҳосил етиштириш асосидир. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали – 2012. - №5. – С. 5-6 (хаммуаллифликда).

27. Маматов С., Абдуллаев У. Трансграничное бассейновое интегрированное управление водных ресурсов как основа повышения эффективности использования водных ресурсов региона. //Водному сотрудничеству стран Центральной Азии – 20 лет: опыт прошлого и задачи будущего. Тезисы докладов Центрально-Азиатской международной научно-практической конференции, 20-21 сентября 2012 г. Алматы, Республика Казахстан. –С. 96-98.

28. Маматов С. Сувдан самарали фойдаланишнинг асоси қишда яратилади// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – 2011. - № 2. – С. 3.

29. Маматов С., Гаппаров Ф., Абдуллаев Ж. Сув йўли сознинг иши ҳам оз. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – 2011. - № 9. – С. 24.

30. Маматов С. Суғориш тармоғи соз бўлса экин парваришида машаққат ҳам оз бўлади // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – 2010. - № 12. – С. 4-5.

31. Маматов С. Использование сточных вод на орошение один из путей смягчения дефицита оросительной воды в условиях Узбекистана.//Материалы

республиканской научно-практической конференции. САНИИРИ, Ташкент, 2010, с. 28-31.

32. Маматов С., Глазкова Л. Томчилатиб суғориш тизимларини қўллаш тарихидан //Проблемы и задачи целевого и эффективного использования водных ресурсов фермерскими хозяйствами. Материалы республиканской научно-практической конференции. САНИИРИ, Ташкент, 2010. - С. 28-31.

33. Маматов С.А. Экинларни суғориш учун томчилатиб суғориш усулини қўллашнинг афзалликлари. //Фермер хўжаликларидан сув ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланишнинг долзарб масалалари ва муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. САНИИРИ, Тошкент, 2009, 11-13 б.

34. Гаппаров Ф.А., Маматов С.А. Сув омборлари эксплуатацияси ишончлилигига таъсир этувчи омиллар.// Фарғона Давлат Университети “Ягона табиий тарихий ҳудудда табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг экологик-географик жиҳатлари”- Фарғона, 2010.-б. 108-109.

35. Маматов С.А., Гаппаров Ф.А., Акбарова К.Х., Ибрагимов Ф.И. Кичик дарё ҳавзасида сув билан таъминланганликни ошириш.// "Мелиорация, атроф-муҳит экологиясини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилona фойдаланишни такомиллаштириш масалалари" мавзусида Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман, ТИМИ қошидаги ИСМИТИ-Тошкент, 2012. -48-51 б.

36. Гаппаров Ф.А, Маматов С.А. Сув омборлари эксплуатацияси ишончлилигига таъсир этувчи омиллар.//“Ягона табиий тарихий ҳудудда табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг экологик-географик жиҳатлари” Фарғона Давлат Университети - Фарғона, 2010.-108-109 б.

ИЛОВАЛАР

1-илова

“Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Конвенция (1992 йилнинг 17 мартида қабул қилинган)

Конвенция қуйидаги таркибий тузилмага эга:

I. Преамбула.

II. Моддалар (жами 28 та модда).

1-модда. Тавсиф.

1-қисм. Барча томонларга тааллуқли қоидалар.

2-модда. Умумий қоидалар.

3-модда. Эҳтиёж чоралари, чеклов ва қисқартиришлар.

4-модда. Мониторинг.

5-модда. Тадқиқот ва ишланмалар.

6-модда. Ахборот алмашиш.

7-модда. Жавобгарлик.

8-модда. Ахборот ҳимояси.

2-қисм. Қирғоқбўйи томонларига тааллуқли қоидалар.

9-модда. Икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик.

10-модда. Маслаҳат.

11-модда. Ҳамкорликда мониторинг ўтказиш ва баҳолаш.

12-модда. Ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бориш ва ишланмалар тайёрлаш.

13-модда. Қирғоқбўйи томонлар ўртасида ахборотлар алмашиш.

14-модда. Хабардор қилиш ва огоҳлантириш бериш тизими.

15-модда. Ўзаро ёрдам.

16-модда. Ахборот етказиш учун жавобгарлик.

3-қисм. Ташкилий ва яқуний қоидалар.

17-модда. Томонлар мажлиси.

18-модда. Овоз бериш ҳуқуқи.

19-модда. Котибият.

20-модда. Илова.

21-модда. Конвенцияга ўзгартиришлар киритиш.

22-модда. Баҳсларни тартибга солиш.

23-модда. Имзолаш.

24-модда. Депозитарий.

25-модда. Ратификациялаш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва қўшилиш.

26-модда. Кучга киритиш.

27-модда. Хулоса.

28-модда. Аутентич характерга эга ҳужжатлар.

Иловалар.

1-илова. “Энг яхши технологияга эгалик” тушунчасининг тавсифи.

2-илова. Экологик муносабатлар амалиётини яхшилаш йўлларини ишлаб чиқиш имконини берувчи устувор тамойиллар.

3-илова. Мақсадли кўрсаткичлар ва сув сифатини аниқловчи мезонларни ишлаб чиқиш имконини берувчи устувор тамойиллар.

4-илова. Арбитраж.

КОНВЕНЦИЯ ПО ОХРАНЕ И ИСПОЛЬЗОВАНИЮ ТРАНСГРАНИЧНЫХ ВОДОТОКОВ И МЕЖДУНАРОДНЫХ ОЗЕР

(Принята 17 марта 1992 года)

Преамбула

59) 90, 91 ва 92-моддалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«90-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилишга доир ваколати

Турли вилоятлар ёки битта вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига киради, қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар органлари ҳамда шунга ваколатли бошқа давлат органлари ҳал қилиши лозим бўлган низолар бундан мустасно.

91-модда. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги халқаро низоларни ҳал қилиш

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасида трансчегаравий сувлардан ва трансчегаравий сув объектларидан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш тўғрисидаги низолар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан белгиланадиган тартибда ҳал қилинади.

92-модда. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни кўриб чиқиш

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низолар тарафлардан бирининг аризасига биноан кўриб чиқилади. Аризага сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш ҳуқуқи бузилганлигидан далолат берувчи ҳужжатлар илова қилинади»;

60) 93, 94 ва 95-моддалардаги «Сувдан фойдаланишга» ва «Сувдан фойдаланиш» деган сўзлар тегишинча «Сувдан фойдаланишга ва сув истеъмолига» ва «Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

61) XXIV бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«XXIV БОБ. СУВНИ ВА СУВ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ»;

62) 98-модданинг:

номидаги «Сувни муҳофаза қилишни, шунингдек унинг ҳолати ва режимини яхшилашни» деган сўзлар «Сувни ва сув объектларини муҳофаза қилишни, шунингдек сув режими ва сувнинг ҳолатини яхшилашни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «сувларнинг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар маҳаллий ҳокимият органлари» деган сўзлар «сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

63) 99-модда:

номи «Сувни» деган сўздан кейин «ва сув объектларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

биринчи қисмининг:

учинчи хатбошиси «сувни» деган сўздан кейин «ва сув объектларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сувларни ўғитлар, захарли кимёвий моддалар ва бошқа зарарли моддалар билан булғатиш»;

64) 100-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«100-модда. Сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, сохил бўйи минтақалари ва санитария муҳофазаси зоналари

Сув объектларининг тупроқ эрозияси маҳсулотлари билан булғаниши, ифлосланиши, камайиши ва лойқа чўкишининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, шунингдек қулай сув режимини сақлаш, фойдаланиш ва таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориш учун нормал шарт-шароит яратиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ва соҳил бўйи минтақалари белгиланади.

Аҳолининг ичимлик, маиший ва даволаш-соғломлаштириш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сувларни муҳофаза қилиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари белгиланади.

Сув объектларининг вазифаси, жойлашган ўрни ва техник кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ва санитария муҳофазаси зоналарида хўжалик фаолиятининг махсус режими белгиланади.

Сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ва санитария муҳофазаси зоналарини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

65) 103-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«103-модда. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг сув етказадиган зарарли таъсирнинг олдини олиш ҳамда уни бартараф этиш бўйича мажбуриятлари

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология ва минерал ресурслар органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа манфаатдор органлар билан келишилган ҳолда ёки шунга ваколатли давлат органларининг ёзма кўрсатмалари бўйича:

сув тошқинларининг, сув босиши ва зах босишининг;

соҳиллар, химоя дамбалари ва бошқа иншоотлар бузилиб кетишининг;

ерларнинг ботқоқланиши ва шўрланишининг;

тупроқ эрозиясининг, жарлар, ўпирилишлар юзага келишининг, сел оқимларининг ва сувлар етказадиган бошқа зарарли таъсирнинг олдини олиш ҳамда уни бартараф этиш бўйича тадбирларни амалга ошириши шарт»;

66) 104-модда:

иккинчи қисмидаги «ҳокимияти органлари» деган сўзлар «давлат ҳокимияти органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «ҳокимият органлари» деган сўзлар «давлат ҳокимияти органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

67) 105-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув етказадиган зарарли таъсирдан муҳофаза қилиш, зарарли таъсирнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш тадбирлари сувдан фойдаланувчилар, сув истеъмолчиларининг маблағлари ҳамда маҳаллий бюджет ҳисобидан, республика ва минтақавий дастурлар бўйича эса республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади»;

68) 106-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«106-модда. Сувдан оқилона фойдаланиш, сувни оқилона истеъмол қилиш ва сувларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий чора-тадбирлари

Сувдан оқилона фойдаланиш, сувни оқилона истеъмол қилиш ва сувларни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий чора-тадбирлари:

сув ресурсларидан фойдаланганлик, сувни етказиб бериш бўйича хизматлар ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари, сув объектларини ифлослантирганлик ва уларга зарарли таъсир этишнинг ўзга турлари учун ҳақ олишни;

сувни тежайдиган технологияларни жорий этишда, сувни муҳофаза қилиш ва тежашда самарали бўлган фаолиятни амалга оширишда юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган солиққа, кредитга оид ва бошқа имтиёзларни;

ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, экологик рағбатлантиришнинг ва бошқача рағбатлантиришнинг самарали чора-тадбирлари тизимини қўллашни назарда тутди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз уставларига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сувдан оқилона фойдаланиш, сувни оқилона истеъмол қилиш ва сувларни муҳофаза қилишга қаратилган самарали чора-тадбирларнинг татбиқ этилишини рағбатлантириши ва тақдирлаши мумкин»;

69) 107-модданинг матнидаги «халқ хўжалигининг» деган сўзлар «иқтисодиёт тармоқларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

70) 110-модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Сув хўжалиги баланслари ушбу Қонуннинг 8-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган сувлардан фойдаланишни тартибга солиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида тузилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан умумлаштирилади»;

71) 111-модданинг матнидаги «халқ хўжалигининг» деган сўзлар «иқтисодиёт тармоқларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

72) XXVII бобнинг ўзбекча матнидаги номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«XXVII БОБ. СУВ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК
УЧУН ЖАВОБГАРЛИК»;**

73) 115-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади»;

74) XXVIII бобнинг ўзбекча матнидаги номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«XXVIII БОБ. СУВ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗИШ
НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ»;**

75) ўзбекча матндаги 2-модданинг номи ва иккинчи қисми, 6-модданинг тўққизинчи хатбошиси, 7-модданинг олтинчи хатбошиси, 9-модданинг биринчи қисми, 20-модданинг матни, 26-модданинг биринчи қисми, 38, 46, 63, 66, 67 ва 71-моддаларнинг матнлари, 73-модданинг биринчи қисми, 75 ва 96-моддаларнинг матнлари, 101-модданинг тўртинчи қисми, 102-модданинг иккинчи қисми, 104-модданинг биринчи қисми, 115-модданинг номидаги ва 117-моддадаги тегишли сон ва келишиқдаги «қонун» деган сўз тегишли сон ва келишиқдаги «қонун ҳужжати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 26 декабрдаги 249 (4912)-сонида эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби
тўғрисида
НИЗОМ**

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон қарори билан тасдиқланган

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

сувдан фойдаланиш — юридик ва жисмоний шахслар томонидан сув ресурсларини сув объектидан олмаган ҳолда улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

сувдан фойдаланувчи — сув ресурсларини сув объектидан олмаган ҳолда улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс;

сув истеъмоли (сувни истеъмом қилиш) — юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув ресурсларидан уларни сув объектидан белгиланган тартибда олган ҳолда фойдаланиш;

сув истеъмомчиси — ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув объектидан сув ресурсларини белгиланган тартибда олувчи юридик ёки жисмоний шахс;

сув истеъмомчилари уюшмаси — юридик шахс бўлган сув истеъмомчилари томонидан сувга доир муносабатлар соҳасидаги ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш учун ихтиёрий асосда ташкил этиладиган нодавлат нотижорат ташкилоти;

сув объекти — сувлар доимий равишда ёки вақтинча тўпланадиган ва сув режимининг ўзига хос шакллари ва белгилари бўлган табиий (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар) ҳамда сунъий (очик ва ёпиқ каналлар, шунингдек коллектор-дренаж тармоқлари) сув оқимлари, табиий (кўллар, денгизлар, ер ости сувли қатламлари) ва сунъий (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар) сув ҳавзалари, шунингдек булоқлар ва бошқа объектлар;

сув ресурслари — фойдаланиладиган ёки фойдаланилиши лозим бўлган сув объектлари сувлари.

3. Сувдан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек сувдан фойдаланишни бевосита ёки ҳавза (худудий) бошқармалари орқали тартибга солувчи махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (ер усти сувлари), Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси (ер ости сувлари) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувлар) ўз ваколатлари доирасида сувдан фойдаланишни тартибга солиш соҳасида махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари ҳисобланади.

5. Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширадилар.

6. Ўзбекистон Республикаси ва Орол денгизи ҳавзасидаги бошқа давлатлар ҳудудида жойлашган трансчегаравий сув объектларидан (Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёлари, Орол денгизи ва бошқа трансчегаравий сув объектларидан) фойдаланишни

тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Трансчегаравий сув объектларида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли, сув хўжалиги ва сувни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси трансчегаравий сув объектларининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида тартибга солинмаган қисмида сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

II. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли турлари

7. Сув объектдан сув олиш усулига, сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этишига қараб сувдан фойдаланиш сувдан умумий ва махсус фойдаланишга бўлинади.

Жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда ўз эҳтиёжларини ҳамда бошқа эҳтиёжларни қондириш мақсадида сувдан фойдаланиш сувдан умумий фойдаланиш ҳисобланади.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўллаган ҳолда амалга ошириладиган сувдан фойдаланиш сувдан махсус фойдаланиш ҳисобланади. Сувдан махсус фойдаланишга, айрим ҳолларда, махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда, аммо сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этадиган сувдан фойдаланиш ҳам киритилиши мумкин.

Сувдан умумий ва махсус фойдаланиш турлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан ўз ваколатлари доирасида, қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

8. Мақсадли фойдаланилишига кўра сув истеъмоли ичимлик, коммунал-маиший, даволаш, курорт, рекреация, балиқчилик хўжалиги, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги сув истеъмолига ва бошқа турларга бўлинади.

9. Сув объектдан олинadиган сувнинг миқдорига қараб сув истеъмоли умумий ва махсус сув истеъмолига бўлинади.

Жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда ўз шахсий ичимлик, маиший, рекреация, даволаш эҳтиёжлари, ҳайвонларни суғориш ва бошқа эҳтиёжларни қондириш мақсадидаги сув истеъмоли умумий сув истеъмолидир. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан бир суткада 5 куб метргача ҳажмда ер ости сувларини яқка тартибда олиш умумий сув истеъмолига киради.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўллаган ҳолда амалга ошириладиган сув истеъмоли махсус сув истеъмолидир. Махсус сув истеъмолига айрим ҳолларда махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда, аммо сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этадиган сув истеъмоли ҳам киритилиши мумкин.

10. Сув ресурслари қонун ҳужжатларида назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя қилинган ҳолда истеъмол учун берилади.

III. Сувдан фойдаланиш объектлари ва сув истеъмоли манбалари

11. Сув объектлари ёки уларнинг қисмлари сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли манбалари бўлиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш ёки сув истеъмолига берилиши мумкин.

12. Сув объектлари танҳо ёки биргаликда фойдаланишда бўлиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ёки жисмоний шахсларга бутунлай ёки қисман фойдаланишга берилган сув объекти танҳо фойдаланиладиган сув объектидир.

Танҳо фойдаланишга берилмаган сув объекти биргаликда фойдаланиладиган сув объектидир.

13. Сув объектлари доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун берилади. Муддати аввалдан белгиланмаган ҳолда фойдаланиш — доимий фойдаланиш деб эътироф этилади. Сувдан вақтинча фойдаланиш муддати: қисқа — уч йилгача ва узоқ — йигирма йилгача бўлиши мумкин.

Сув объектларидан вақтинча фойдаланиш муддатлари сувдан фойдаланувчи манфаатдор томонлар илтимосига биноан, шу сув объектини танҳо фойдаланиш учун бериш тўғрисида қарор чиқарган ёки сувдан махсус фойдаланиш учун рухсатнома берган давлат органлари томонидан узайтирилиши мумкин.

14. Сув объектлари сувдан фойдаланувчиларга сув истеъмолчиларининг қишлоқ хўжалиги, ичимлик, даволаш ва маиший эҳтиёжларини, аҳолининг курорт, рекреация ва ўзга эҳтиёжларини, саноат, энергетика, транспорт, балиқчилик хўжалиги ҳамда бошқа давлат ёки жамоат эҳтиёжларини қондириш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя қилинган ҳолда фойдаланишга берилади.

15. Танҳо фойдаланиш учун берилган сув объектларида сувдан умумий фойдаланишга ва умумий сув истеъмолига шу сув объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар томонидан қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишилган ҳолда белгиланган шартларга кўра йўл қўйилади, зарур ҳолларда эса, бундай сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ тақиқлаб қўйилиши мумкин.

Танҳо фойдаланиш учун берилган сув объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайтариб олинади.

16. Биргаликда фойдаланиладиган сув объектларида сувдан умумий фойдаланишга ва сув истеъмол қилишга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган шартларда, қишлоқ ва сув хўжалиги органлари, табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишув бўйича рухсат этилади, зарурат бўлганда эса — қонун ҳужжатларига мувофиқ тақиқлаб қўйилиши мумкин.

IV. Сув олиш лимитлари ва уларни белгилаш тартиби

17. Сув олиш лимитларини белгилаш учун сув ресурслари ҳажмлари қуйидагилардан иборат бўлади:

Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссияси (ДМСК) йиғилиши протоколлари, шунингдек Ҳукуматлараро қарорлар билан (кичик трансчегаравий дарёлардан) белгиланган лимитлар бўйича трансчегаравий сув объектларининг (бир неча республикалар ҳудудидан ўтувчи Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёлари, уларнинг ирмоқлари) сув ресурслари;

Ўзбекистон ҳудудидаги ҳақиқий серсувлигидан, шунингдек қайта тартибга солинганлиги ва бир ўзандан иккинчи ўзанга ташланганлигидан келиб чиқиб киритилган тузатишлар ҳисобига олинган ер усти сув манбалари ҳажмидан;

ер ости сувларининг фойдаланилаётган захирасидан олинган сув ҳажмидан;

оқова сувлардан, шунингдек қулай коллектор-дренаж сувларидан қайта фойдаланиш ҳажмидан.

18. Сув олиш лимитлари барча сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига нисбатан белгиланади.

19. Сув олиш лимитлари қуйидаги тартибдаги устуворлиги билан белгиланади:
ичимлик, даволаниш ва коммунал-маиший хўжалик учун;
саноат учун;

қишлоқ хўжалиги учун;
санитария ва табиат муҳофазаси мақсадларида сув чиқариш учун.

20. Кўкаламзорлаштириш, спорт ва соғломлаштириш объектлари эҳтиёжлари учун белгиланадиган сув олиш лимитлари устуворлигига кўра коммунал эҳтиёжларга тенглаштирилади.

21. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сув олиш лимитлари бунинг учун ваколатли бўлган ташкилотлар томонидан белгиланади ҳамда барча сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари учун мажбурий ҳисобланади.

22. Сув олиш лимитлари қишлоқ ва сув хўжалиги органлари томонидан белгиланади, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда сув истеъмолчилари уюшмалари хизмат кўрсатадиган бошқа сув истеъмолчилари, шунингдек тегишли фойдаланувчи ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатиладиган коммунал ҳамда маиший хўжалик корхона ва ташкилотлари бундан мустасно.

23. Сув олиш лимитлари қишлоқ ва сув хўжалиги органлари томонидан сув манбалари (дарёлар, коллектор-дренаж сувлари, шунингдек бошқа ер усти сувлари) бўйича, ҳавза ирригация тизимлари, магистрал каналлар (тизимлар), ирригация тизимлари, иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудлар, сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари бўйича белгиланади.

Ер ости сувларидан сув олиш лимитлари геология ва минерал ресурслар ҳамда ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувлар бўйича) ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш органлари билан келишган ҳолда қишлоқ ва сув хўжалиги органлари томонидан белгиланади.

24. Сув олиш лимитлари:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан — ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларига, вилоятлараро ва трансчегаравий аҳамиятга эга бўлган магистрал каналлар (тизимлар) бошқармаларига, йирик ва алоҳида муҳим сув, энергетика ва коммунал-маиший объектлардан фойдаланувчи алоҳида корхоналар ва ташкилотларга — манбалар, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича;

ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан — ирригация тизимлари бошқармаларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига — вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) ёки туманлараро аҳамиятга эга бўлган сув объектларидан манбалар, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича;

ирригация тизимлари бошқармалари томонидан — сув истеъмолчилари уюшмаларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига — туман аҳамиятига эга бўлган сув объектларидан манбалар, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича;

сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан — фермер ва деҳқон хўжаликларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, улар хизмат кўрсатадиган зонада жойлашган бошқа сув истеъмолчиларига белгиланади.

Қишлоқ хўжалигидан ташқари эҳтиёжлар учун ер ости сувларидан сув олиш лимити сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома расмийлаштирилган ҳолда рухсатнома амал қиладиган муддат даври учун белгиланади.

25. Коммунал сув таъминоти тизимидан сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларга сув олиш лимити «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан белгиланадиган тартибда, уларга хизмат кўрсатадиган тегишли фойдаланиш ташкилоти томонидан белгиланади.

26. Сув олиш лимитлари сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари учун манбаларнинг тахмин қилинган ва ҳақиқий сувлиги ҳисобга олинган ҳолда қишлоқ

хўжалиги эҳтиёжлари учун - бир йилда икки марта ҳамда бошқа эҳтиёжлар учун - бир йилда бир марта белгиланади ва улар учун мажбурийдир.

27. Сувдан фойдаланишни режалаштириш ва сув олиш лимитларини белгилаш, биринчи навбатда, аҳолининг ичимлик сувга бўлган ва маиший эҳтиёжларини қондиришни, сувнинг сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари ўртасида илмий асосда тақсимланишини, сувни муҳофаза қилиш шартларини ва сув етказадиган зарарли таъсирнинг олдини олишни таъминлаши лозим.

Бунда давлат сув кадастридаги маълумотлар, сув хўжалиги баланслари, сувдан комплекс фойдаланиш ва сувни муҳофаза қилиш схемалари ҳисобга олинади.

28. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари учун сув олиш лимитлари улар томонидан қуйидагилар белгиланган тартибда тақдим этилган тақдирда белгиланади: сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатномалар;

сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг белгиланган тартибда тасдиқланган режалари (сув қувури – коммунал сув таъминоти тизимининг сувдан фойдаланувчилари ва сув истеъмолчилари бундан мустасно).

29. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сув олиш жойлари паспортга эга бўлиши, хизмат кўрсатадиган фойдаланиш ташкилотига рўйхатдан ўтказилган бўлиши керак. Сув олиш жойлари сувни ҳисобга олиш воситалари (гидропост) билан жиҳозланиши, улар белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилган бўлиши керак.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек аҳоли томонидан қишлоқ хўжалиги учун сувни истеъмол қилишга олинadиган сувни ҳисобга олиш уларнинг тегишли сув олиш жойлари сувни ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлангунгача, ҳажмий, ҳисобий ва бошқа усулларда, ҳақиқий суғориладиган майдонларни, суғоришлар сонини, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш режимини, сув олиш давомийлиги қанча ва шу кабиларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сув олиш жойларининг паспортларини рўйхатдан ўтказиш, шунингдек сувни ҳисобга олиш воситаларини (гидропостларни) аттестациядан ўтказиш тартиби:

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг фойдаланувчи сув хўжалиги ташкилотлари балансидаги ва бошқа корхоналар ҳисобида бўлган сунъий сув объектларида;

Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (ер ости сувлари бўйича) билан келишган ҳолда — табиий сув объектларида;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси билан келишган ҳолда — ер ости иссиқ ва минерал сувлардан белгиланади;

б) «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан – коммунал сув таъминоти тизимида белгиланади.

30. Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун сув олиш лимитлари:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан — ҳар йили 15 сентябргача бўлган муддатда – куз-қиш даври учун (1 октябрдан 31 мартгача) ҳамда 15 мартгача — вегетация даври учун (1 апрелдан 30 сентябргача);

ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан — ҳар йили 20 сентябргача бўлган муддатда – куз-қиш даври учун ҳамда 20 мартгача — вегетация даври учун;

ирригация тизими бошқармалари томонидан — ҳар йили 25 сентябргача бўлган муддатда — куз-қиш даври учун ҳамда 25 мартгача — вегетация даври учун;

сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан — ҳар йили 1 октябргача бўлган муддатда — куз-қиш даври учун ҳамда 1 апрелгача — вегетация даври учун белгиланади.

Қишлоқ хўжалигидан бошқа эҳтиёжлар учун сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига сув олиш лимитлари йилига бир марта – ҳар йили 1 октябргача белгиланади.

Қишлоқ хўжалигидан бошқа эҳтиёжлар учун сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига ер ости сувларидан сув олиш лимитлари бир марта – махсус рухсатнома амал қиладиган муддатга белгиланади.

31. Сув олиш лимитлари:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги буйруғи билан - Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ирригацияни ривожлантириш ҳамда тупрок унумдорлигини ошириш бўйича кенгаш тавсияси асосида;

ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси буйруғи билан – Бошқарманинг сув хўжалиги кенгаши тавсияси асосида;

ирригация тизими бошқармаси буйруғи билан – Бошқарманинг сув комиссияси тавсияси асосида;

сув истеъмолчилари уюшмаларининг умумий мажлиси протоколи билан – туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими билан келишув бўйича тасдиқланади.

32. Коммунал-маиший хўжалик эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига сув олиш лимитлари «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан белгиладиган тартибда, улар хизмат кўрсатадиган тегишли фойдаланиш ташкилотларининг буйруқлари билан тасдиқланади.

33. Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув лимитлари олиш учун сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари куз-қиш ва вегетация даври бошланишидан бир ой олдин, қишлоқ хўжалигидан бошқа эҳтиёжлар учун эса — ҳар йили 1 сентябргача — уларга хизмат кўрсатадиган тегишли фойдаланиш ташкилотларига ёзма равишда мурожаат қилишлари ва ушбу Низомнинг 28-бандига мувофиқ рўйхат бўйича зарур ҳужжатларни тақдим этиши керак.

34. Сув олиш лимитлари рухсат этилган жами сув олиш миқдорини сув манбалари (дарё, сой, булоқ сув ҳавзаси, ирригация тизими, магистрал канал (тизим) ва шу кабилар) бўйича акс эттириб, улар ҳар ўн кунликлар кесимида аниқ сув олиш жойларига тақсимланган бўлиши керак.

35. Сув олиш лимитларини белгилашда тармоқнинг устуворлигига ҳамда барча сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг алоҳида манбалар ва ирригация тизимлари бўйича қутилаётган сувлиликни ҳисобга олиб сув билан тенг фоизда таъминланишига риоя этилиши керак.

36. Сув олиш лимитлари сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас, манбаларнинг сувлилиги камайган ҳоллар бундан мустасно.

Манбаларда сув ҳажми камайган ёки кўпайган ҳолатларда сув олиш лимитларига, юқори ваколатли ташкилотнинг рухсати билан, сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмол қилиш режаси параметрлари ўзгартирилмасдан, дарҳол тузатишлар киритилиши мумкин.

37. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмол қилишнинг белгиланган даври тугагандан кейин икки ой муддатда ваколатли ташкилотлар томонидан, манбалардаги сувнинг ҳақиқий миқдори ҳисобга олинган ҳолда, ўтган давр учун сув олишнинг узил-кесил лимитлари тасдиқланади.

V. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолини режалаштириш

38. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли, ҳар йилги сув билан ҳақиқий таъминланганлик ҳисобга олинган ҳолда, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари асосида амалга оширилади. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари тасдиқланган норматив ҳужжатларга мувофиқ ажратилган сув олиш лимитлари доирасида сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан тузилади.

Коллектор-дренаж тармоқларида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолини режалаштириш ерларнинг мелиоратив ҳолатини ҳамда коллектор-дренаж суви сифатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

39. Фермер ва деҳқон хўжалиklarининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва бошқа сув истеъмолчиларининг сув истеъмоли режалари уларга хизмат кўрсатадиган сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан тасдиқланади. Сув истеъмолчилари уюшмалари сув таъминоти режаларини умумлаштирадilar ва уюшмаларнинг сувдан фойдаланиш режаларини тузадилар.

Сув истеъмолчилари уюшмаларининг, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сувдан фойдаланиш режалари ирригация тизимлари бошқармалари ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан умумлаштирилади.

40. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг тузилган ва умумлаштирилган режалари:

сув истеъмолчилари уюшмалари бўйича — туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими билан келишилган ҳолда ирригация тизими бошқармаси томонидан;

ирригация тизими бўйича — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли ҳудудий органлари билан келишилган ҳолда, ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан;

ҳавза ирригация тизими бўйича, катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари бўйича - Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Сув хўжалиги бош бошқармаси томонидан тасдиқланади.

41. Коммунал-маиший хўжалиklar эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан белгиланган тартибга мувофиқ тузилади ва тасдиқланади.

42. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартноманинг узвий қисми ҳисобланади.

VI. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномалар

43. Сув истеъмолчилари уюшмаси ва унинг хизмат кўрсатиш зонасида жойлашган аъзолари, шунингдек бошқа қишлоқ ва сув хўжалиги органлари ҳамда ўзга юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги сувга доир муносабатлар шартнома асосида тартибга солинади.

44. Сувдан фойдаланувчиларнинг сувни етказиб бериш бўйича хизматлари, шунингдек кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун шартнома асосида ҳақ тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг фойдаланувчи сув хўжалиги ташкилотлари томонидан сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш шартлари ва ҳолатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

45. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномаларнинг намунавий шакллари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан (коммунал сув таъминоти тизимида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли ҳолатларидан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан (табиий сув объектларидан сув олишда), Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан (ер ости сувларини олишда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси билан (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувларни олишда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишув бўйича тасдиқланади.

Коммунал сув таъминоти тизимидаги сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномаларнинг намунавий шакллари «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ тасдиқланади.

46. Юридик ва жисмоний шахслар сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномаларни уларга хизмат кўрсатадиган тегишли фойдаланиш ташкилотлари билан тузадилар.

47. Қуйидагиларнинг мавжуд бўлиши сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли тўғрисидаги шартномани тузишда мажбурий талаб ҳисобланади:

сув олиш лимитлари асосида сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг тасдиқланган режаси (коммунал-маиший сув таъминотидаги фуқаролар бундан мустасно);

сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун берилган рухсатномалар.

48. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисида белгиланган тартибда тузилган шартномалар:

вилоятлараро ва трансчегаравий аҳамиятга эга бўлган, шунингдек йирик ва алоҳида муҳим объектлардан фойдаланувчи айрим ташкилотлар билан тузилган шартномалар — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Сув хўжалиги бош бошқармасида;

ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси таркибига кирадиган фойдаланувчи ташкилотлар билан тузилган шартномалар — ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларида;

сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан фермер ва деҳқон хўжаликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда улар хизмат кўрсатадиган зонадаги бошқа сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчилар билан тузилган шартномалар — туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Сув хўжалиги бош бошқармасида, ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларида, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида ҳисобга олинadиган шартномалар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномалар реестри Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси ва унинг ҳудудий таркибий бўлинмаларига (сунъий сув объектларида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг тегишли органларига (табiiй сув объектларидаги сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида) белгиланган тартибда назоратни таъминлаш учун берилади.

Коммунал сув таъминоти тизимининг фойдаланувчи ташкилотлари томонидан сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари билан тузилган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномалар «Ўзкоммуналхизмат» агентлиги томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олинади.

49. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома билан белгиланади.

VII. Сув ресурсларини олиш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида ҳисобга олишни ва ҳисоботни, шунингдек уларнинг мониторингини юритиш тартиби

50. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли учун сув ресурсларини олиш фақат хизмат кўрсатувчи фойдаланиш ташкилотлари билан келишган ҳолда, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартнома мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилади.

51. Сув объектларидан сув олиш фақат сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг ёзма буюртманомалари бўйича (коммунал сув таъминоти тизимидаги, шунингдек ер ости сув ҳавзаларидан сув олиш ҳолатларидан ташқари), уларнинг сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолига тайёрлигига кўра, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режаси асосида, белгиланган сув олиш лимити доирасида амалга оширилади.

Сув ресурслари олиш юзасидан буюртманомалар сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан хизмат кўрсатадиган фойдаланиш ташкилотига ёки унинг ваколатли шахсига сув олиш бошланишидан ўн кун олдин белгиланган шаклда, сув олишнинг аниқ жойлари ва муддатлари (сув олишнинг бошланиши ва тугаши), шунингдек олинадиган сув миқдори, ундан фойдаланиш ёки уни истеъмол қилишнинг мақсади кўрсатилган ҳолда берилади.

Сув манбаидан сув олиш учун буюртманомада кўрсатилган сув ресурслари миқдори тасдиқланган сув олиш лимитидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Сув ресурсларини олиш ҳажмини камайтириш ёки тўхтатиш зарур бўлган тақдирда сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари бу тўғрида тегишли хизмат кўрсатувчи фойдаланиш ташкилотига ёки унинг ваколатли шахсига ёзма равишда (авария ҳолатларида – телефон орқали) хабар қилиши керак.

52. Сув ресурсларини олиш жойлари уларни бошқариш ва ҳисобга олишнинг тегишли воситалари билан жиҳозланган бўлиши керак. Сув ресурсларини бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари доимо соз иш ҳолатида бўлиши зарур. Сув олиш жойларини сув ресурсларини бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш мансублигига кўра сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан амалга оширилади.

53. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари ажратилган сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланишга, шунингдек сувни муҳофаза қилишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўришга мажбур.

54. Сувларни давлат томонидан ҳисобга олишни ва улардан фойдаланишни таъминлаш, Давлат сув кадастрини юритиш ҳамда сув хўжалиги балансларини тузиш мақсадида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли ҳамда уларнинг мониторингини юритишда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (ер ости сувлари) ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувлар) билан, уларнинг ваколатлари доирасида келишган ҳолда белгиланадиган тартибга мувофиқ тизимли ҳисобга олиш ва ҳисобот юритилади.

Коммунал сув таъминоти тизимидаги сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларини олиш, ҳисобини ва ҳисоботини юритиш тартиби «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан белгиланади.

55. Сувдан махсус фойдаланувчилар ва махсус сув истеъмолчиларининг ҳаммаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ, коммунал сув таъминоти тизимидан сув олинган тақдирда эса — «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ сувдан фойдаланиш ва сув таъминоти, шунингдек сув чиқариш тўғрисида ҳисоб ва ҳисоботни юритишлари, ахборот тақдим этишлари шарт.

VIII. Сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли ҳуқуқини тўхтатиш

56. Сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуқи:

сувдан фойдаланишга, сув истеъмолига эҳтиёж қолмаганда ёки улардан воз кечилганда;

сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли муддати тугаганда;

корхона, муассаса, ташкилот, фермер хўжалиги тугатилганда, деҳқон хўжалиги тугатилганда (фаолияти тўхтатилганда);

сув хўжалиги иншоотлари бошқа сувдан фойдаланувчиларга берилганда;

танҳо фойдаланилаётган сув объектларини қайтариб олишга зарурат туғилганда бекор қилинади.

Сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли ҳуқуқи (ичиш ёки маиший истеъмолдан фойдаланиш ҳуқуқидан ташқари) куйидаги ҳолатларда ҳам бекор қилиниши мумкин:

сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли ва сувларни муҳофаза қилиш қоидалари бузилганда (тегишли шартнома тузмасдан сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш, сув олишга буюртманом ва рухсатнома бўлмасдан туриб сув ресурсларини олиш, рўйхатдан ўтказилмаган жойлардан сув олиш, сувни бошқариш ва ҳисобга олишнинг техник жиҳатдан яроқсиз воситаларидан фойдаланиш, сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлаш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича сув олиш ҳисобини ва ҳисоботини мунтазам равишда юритмаслик, белгиланган нормадан ортиқча ва паст сифатли оқинди сувларни сув объектларига ташлаш ва бошқалар);

белгиланган мақсаддан ташқари сувдан фойдаланганда ёки сувни истеъмол қилганда (сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли юзасидан шартномаларда кўрсатилмаган мақсадларда сувдан фойдаланиш, суғориш сувини коллектор-дренаж тармоқларига оқизиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг агротехника усулларига риоя этмаслик ва бошқалар);

сувни лимитдан ортиқча олганда (сув истеъмоли бўйича шартномада белгиланган сув олиш лимитидан ортиқча сув олиш);

сув етказиб бериш ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича шартномада назарда тутилган ҳақни тўламаганда.

57. Сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуқи қуйидаги йўллар билан тўхтатилади:

сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун берилган рухсатномани бекор қилиш, шунингдек сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли юзасидан шартномани бекор қилиш;

танҳо фойдаланиш учун берилган сув объектларини қайтариб олиш.

Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш унга рухсатнома берган органнинг қарори билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

58. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби бузилган тақдирда хизмат кўрсатувчи фойдаланиш ташкилотлари томонидан сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига нисбатан шартномада назарда тутилган чоралар қўлланиши мумкин.

Табиий сув объектлари сувидан фойдаланиш ва истеъмол қилиш тартибига риоя этилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси органлари томонидан амалга оширилади.

Сунъий сув объектлари сувидан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш тартибига риоя этилиши юзасидан назорат «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси томонидан амалга оширилади.

IX. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини бузганлик учун жавобгарлик

59. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини бузганлик учун фуқаролар ва мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

60. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига нисбатан улар томонидан қишлоқ хўжалиги, балиқчилик хўжалиги, саноат, энергетика ва коммунал-маиший эҳтиёжлар учун сув олиш тартиби бузилган тақдирда:

сув истеъмолчилари томонидан лимитдан ортиқча сув олинганлиги учун — лимитдан ортиқча олинган ҳар минг кубометр сув учун — белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 10 фоизи миқдориди;

сув олишга рухсат этилмаган жойлардан сув олганлик учун, шунингдек сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сувни ўзбошимчалик билан эгаллаганлик учун – олинган ҳар минг кубометр сув учун — белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдориди жарима санкциялари қўлланилади.

Бир йил мобайнида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби такроран бузилган такдирда ушбу бандда кўрсатилган жарима санкциялари ўн баравар миқдорида қўлланилади.

Қишлоқ хўжалиги сув истеъмолчиларига нисбатан лимитдан ортиқча сув олинганлиги учун жарима санкциялари бир йилда икки марта (куз-қиш ва вегетация даврлари якунлари бўйича), қолган сув истеъмолчилари учун эса – календарь йил якуни бўйича бир марта қўлланилади.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномаларда ушбу бандда кўрсатилган жарима санкцияларидан ташқари бошқа қўшимча жавобгарлик чоралари ҳам назарда тутилиши мумкин.

61. Ушбу Низомнинг 60-бандида кўрсатилган жарима санкциялари, белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси ҳамда унинг маҳаллий бўлинмалари томонидан – сунъий сув объектларидан сув олишда;

Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан – табиий сув объектларидан сув олишда қўлланилади.

62. Коммунал-маиший хўжаликда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг белгиланган тартиби бузилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўрилади.

63. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига – тадбиркорлик субъектларига нисбатан ушбу Низомнинг 60-бандида кўрсатилган жарима санкциялари суд томонидан қўлланилади, улар айбига иқрор бўлган ва жарима санкцияларини ихтиёрий равишда тўлаган ҳолатлар бундан мустасно.

Қолган ҳолатларда жарима санкцияларини қўлланиш ушбу Низомнинг 61-бандида кўрсатилган органлар томонидан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

64. Ўзбошимчалик билан сув олиш жойини тугатиш ва уни дастлабки ҳолатига келтириш қонунбузувчининг ўзи томонидан ёки унинг маблағи ҳисобига амалга оширилади.

65. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар), фермер ва деҳқон хўжаликлари ва фуқаролар сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш натижасида етказилган зарарларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплашлари шарт.

Х. Жарима санкцияларини қўллашдан тушадиган маблағлардан фойдаланиш

66. Ушбу Низомнинг 60-бандида кўрсатилган жарима санкцияларини қўллашдан тушган пул маблағлари Давлат бюджети, «Ўзсувназорат» республика сув инспекциясининг махсус ҳисоб рақами ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамғармаси ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимланади.

67. «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси махсус ҳисоб рақамларига тушган маблағлардан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан келишган ҳолда қуйидаги тартибда:

60 фоизи – сув истеъмолчилари уюшмаларининг суғориш тармоғини техник ҳолатини тиклаш ҳамда сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлашга, уларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга ҳамда кадрларни тайёрлашга, шунингдек уларнинг малакасини оширишга, сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланганлик учун сув истеъмолчиларини моддий рағбатлантиришга;

15 фоизи – сув ресурсларини оқилона бошқарганлик учун сув хўжалиги фойдаланувчи ташкилотлари ҳамда сув истеъмолчилари уюшмалари ходимларини рағбатлантиришга;

25 фоишдан — «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларини рағбатлантиришга, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ва шартнома асосида мутахассислар жалб этишга.

Кўрсатиб ўтилган маблағлардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

**Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистраль каналлар ва коллекторларнинг шунингдек, ичимлик сув ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари тўғрисида
НИЗОМ**

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги 174-сон Қарори билан тасдиқланган

Мазкур Низомга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган
ЎзР ВМ 30.04.1999 й. 202-сон Қарори,
ЎзР ВМ 24.09.2003 й. 411-сон Қарори

Муқаддима

1. Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш
2. Дарёларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш
3. Магистраль каналлар ва коллекторларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқ бўйи минтақаларини белгилаш
4. Хўжалик-ичимлик сув таъминоти манбаларининг санитария муҳофазаси зоналарини белгилаш
5. Даволаш-соғломлаштириш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган минерал сув манбаларининг санитария муҳофазаси округларини белгилаш
6. Сувни муҳофаза қилиш зоналарида ва санитария муҳофазаси зоналарида хўжалик фаолияти тартиби
7. Сувни муҳофаза қилиш зоналарини келишиш ва тасдиқлаш тартиби

1. Мазкур Низом сувни муҳофаза қилиш зоналарини ва сув иншоотларининг санитария муҳофазаси зоналари округларини белгилаш тартибини, шунингдек, сув ресурслари ифлосланиши, булғаниши ва тугашининг олдини олиш учун бу зоналарда хўжалик фаолияти тартибини бошқариб боради.

2. Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари атрофига, шунингдек, дарёлар, магистраль каналлар ва коллекторлар бўйлаб сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқ бўйи минтақалари белгиланади; хўжалик-ичимлик сув таъминоти манбалари атрофида санитария муҳофазаси зоналари ва санитария-ҳимоя минтақалари белгиланади; минерал сувлар ва бошқа даволаш воситалари манбалари атрофида санитария муҳофазаси округлари белгиланади.

Сувни муҳофаза қилиш зоналарининг белгиланиши сув омборлари хўжалик ичимлик сув таъминоти даволаш ва аҳолининг маданий-соғломлаштириш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бошқа сув манбаларининг зоналари ва санитария муҳофазаси округларини белгилаш заруриятини истисно этмайди.

3. Сувни муҳофаза қилиш зоналари ва санитария муҳофазаси зоналари (округлари) табиатни муҳофаза қилиш органлари ва тегишли сув иншоотларидан фойдаланувчи вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ваташкilotларнинг таклифлари бўйича белгиланади.

4. Сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш бўйича ишлар гидрологик, гидрогеологик, муҳандислик-геология, санитария-эпидемиология, агрохўжалик, тупроқ, геоботаник ва топографик қидирувлар ва тадқиқотлар маълумотларидан фойдаланилган ҳолда лойиҳа ташкilotлари мутахассислари томонидан бажарилади.

5. Ишлаб турган сув иншоотлари бўйича сувни муҳофаза қилиш тадбирлари икки босқичда бажарилади:

биринчи босқичда бу минтақаларда сувни муҳофаза қилиш зоналари ва хўжалик фаолияти тартиби белгиланади:

иккинчи босқичда қурилиш нормалари ва қоидаларига, шунингдек, тармоқ; методик кўрсатмаларига мувофиқ заруриятга кўра муҳандислик, мелиоратив, санитария-техника ва бошқа тадбирлар амалга оширилади.

6. Янгидан қурилган сув иншоотлари буйича сувни муҳофаза қилиш тадбирлари мазкур Низомга риоя қилинган ҳолда сув иншооти қурилиши лойиҳа ҳужжатлари таркибида ишлаб чиқилади.

7. Сувни муҳофаза қилиш зонасига киритилган ерлар, дарёлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, магистраль каналлар ва коллекторлар, гидроузеллар, насос станцияларининг қирғоқ бўйи ерлари ҳамда сув таъминоти ва минерал сув таъминоти манбаларининг санитария муҳофазаси зоналари (округлари) ва бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва ердан фойдаланишларидан олиб қўйилмайди, балки мазкур Низомнинг талабларига риоя қилинган ҳолда улар томонидан фойдаланилади.

8. Дарёлар, сув омборлари, сув ҳавзалари, магистраль, хўжаликлараро каналлар ва коллекторлар, гидроузеллар, насос станциялари ва бошқа сув иншоотларининг қирғоқ бўйи зоналари маҳаллий бошқарув органларининг қарори билан улардан нормал фойдаланиш учун зарур бўлган табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа тадбирлар ўтказилишини таъминлаш мақсадида бу объектлар тегишли бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотларга берилади.

Сув таъминоти ва минерал сув манбалари санитария муҳофазасининг биринчи зонаси минтақалари (округлари) ва участкалари билан биргаликда сув олиш ва бошқа иншоотлар қуриш учун белгиланган тартибда бу иншоотлардан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга фойдаланишга берилади.

1. Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш

9. Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг сувни муҳофаза қилиш зонаси уларнинг акваториясига тутшиб кетувчи ҳудуд ҳисобланади. Бу ҳудудлар санитария ҳолатини зарур даражада сақлаш. Сувнинг ифлосланиши ва булғанишининг ҳамда сув омборларининг тупроқ эрозияси билан лойқаланишининг олдини олиш шунингдек, қулай сув режимини ташкил этиш ва унга амал қилиш мақсадида махсус режим ўрнатилади ҳамда мазкур иншоотлар кимга қарашли бўлса ўша ташкилотлар билан уларни сақлаш учун маблағ жалб қилган ҳолда фойдаланишнинг зарур талабларини кафолатли таъминлаш тўғрисида шартнома мажбуриятлари имзолангандан кейин хўжалик фаолиятига рухсат берилади.

10. Сувни муҳофаза қилиш зоналари сув омбори ва бошқа сув ҳавзаларининг бутун периметри буйича белгиланади.

Сувни муҳофаза қилиш зонасининг таркибига қуйидагилар киради:

қирғоқларни 50 йил ичида қайта ишлаш лойиҳалаштирилаётган зона (янги қурилиш чегараланган зона);

сойлик, жарлик, қирғоқ бўйи қияликлари ва тик қиялиги 5 градусдан кўп бўлган нураган ерларни ўз ичига олувчи эрозия жиҳатдан актив зоналар, сув омборлари ва сув ҳавзаларига бевосита тутшиб кетувчи силжувчи участкалар;

сув омборларида сувнинг тезлик билан тиргак даражасига кўтарилиши шароитида вақтинча сув босган зоналар;

доимий сув босган зона;

сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари қирғоқларига экилган ихота дарахтлари.

11 Сувни муҳофаза қилиш зоналарининг кенлиги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг ваэифасидан, уларга туташ ерларнинг характеристикаси ва улардан хўжалик жиҳатдан фойдаланишдан, жойнинг рельефидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши ва қуйидагича бўлиши керак:

катта сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари (сиғими 1,1 дан 10 куб километргача бўлган) атрофида - 300-500 метр;

ўртача сув омборлари ва бошқа сув хавзалари (сиғими 0,5 дан 1 куб километргача бўлган) атрофида - 200-300 метр;

кичик сув омборлари ва бошқа сув хавзалари (сиғими 0,2 дан 0,5 куб километргача бўлган) атрофида - 100-200 метр;

жуда кичик сув омборлари ва сув хавзалари (сиғими 0, 1 куб километрдан кам бўлган) атрофида - 100 метргача.

12. Сувни муҳофаза қилиш зоналарининг чегараларм жойнинг конкрет шароитини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши ҳамда баландликда жойлашнам ҳудудлар, дарё водийларининг четлари, сойликлар, йўл-транспорт тармоқлари ва бошқа муҳандислик имшоотлари билан бирга уюшмаган юза оқимини қисман ўз ичига олувчи табиий ва сунъий чегаралар билан бирга кўшилиши керак.

Сув омбори сувни муҳофаза қилиш зонасининг ички чегараси сувнинг нормал тиргак даражасида унинг кесимидан, бошқа сув хавзалариники - сувнинг ўртача кўп йиллик даражасидан бошлаб қабул қилинади.

13. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерларида жойлашган кичик сув омборлари ва бошқа сув хавзалари атрофидаги сувни муҳофаза қилиш зоналари жойнинг конкрет шароитлиридан келиб чиқиб белгиланади ҳамда санитария талабларига риоя қилинган ҳолда фойдаланилади.

14. Сув омборларида ва балиқчилик хўжалиги аҳамиятига эга бўлган бошқа сув хавзаларида балиқчилик хўжалиги ва бошқа идораларнинг органлари фаолияти, муҳофаза идораларидан ташқари фойдаланиш юзасидан барча зарур талабларга риоя қилиш кафолати ва уни сақлаш учун маблағлар жалб қилинган ҳолда иншоотнинг эгаси билан келишилган тақдирда ҳамда шартнома асосида юритилиши мумкин..

15. Сув омборлари ва сув хавзаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари доирасида қирғоқ бўйи минтақаси ажратилади. Бу ерда анча катъий хўжалик фаолияти тартиби ўрнатилади.

Қирғоқ бўйи минтақаси таркибига. одатда, сувни ҳимоя қилиш зонаси чегарасида пляжлар, қирғоқ камарлари, силжиш участкалари, тош уюмлари киради.

Қирғоқ бўйи минтақасининг энг кам ҳажмлари сув омборлари ва бошқа сув хавзаларига тутшиб кетувчи ерлар (шудгор, пичанзор ва бошқалар) нинг турига ва сув хавзаларининг сиғими ҳисобга олинган ҳолда қияликларнинг тиклигига боғлиқ равишда белгиланади.

Шудгор, кўп йиллик дарахтзор, ўрмонлар ва дархатзор-чангалзор жойларда қирғоқ бўйи минтақалар 3 градусгача тик қияликларда 55 метргача, 3 градусдан 8 градусгача -35-40 метргача белгиланади. Оғиш 8 градусдан кўп бўлганда қирғоқ бўйи минтақа кенглиги ҳар бир конкрет ҳолатда алоҳида белгиланади.

Барча ҳолларда қирғоқ бўйи минтақа сув хавзасининг нормал горизонти шароитида сув кесимидан камида 20 метр кенгликда белгиланади.

16. Қирғоқнинг қайта ишланадиган участкаларида қирғоқ бўйи минтақаниннг энг кам кенглиги қирғоқнинг 5-10 йилда лойиҳалаштирилаётган чекиниши катталиги ҳисобга олинган ҳолда кўпайтирилиши керак.

17. Аҳоли пунктлари доирасида сув омборлари ва бошқа сув хавзалари қирғоқ бўйи минтақалари ҳажми табиатни муҳофаза қилиш ва санитария назорати давлат органлари, шунингдек, меъморчилик ва сув хўжалиги органлари билан келишилган ҳолда конкрет шароитлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

18 Агар мазкур ниёзмнинг 14-16-бандларига мувофиқ, белгиланган қирғоқ бўйи минтақаниннг ички чегараси сув омбори ёки сув хавзаси учун бегоналаштирилган ернинг чегарасига нисбатан қирғоққа яқин бўлса қирғоқ бўйи минтақаси ернинг бегоналаштирилиши чегараси буйича белгиланади, агар бегоналаштирилган ердан нарида бўлса, қирғоқ бўйи минтақа чегараси ернинг бегоналаштирилиши доирасидан ташқарига чиқиши мумкин.

2. Дарёларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш

19. Сувни муҳофаза қилиш зоналари кимга қарашлилиги ёки кимнинг ер эгаллиги ва ердан фойдаланишида бўлган жойдан оқишидан қатъий назар доимий ёки вақтинчалик оқимга эга бўлган барча дарёлар, сойлар ва жилғалар бўйлаб белгиланади.

20. Сувни муҳофаза қилиш зонасига қайирлар, ер ости сувлари туфайли нураган, тошқин пайтида сув босадиган участкалар. қайирдан кейинги дастлабки поғона-поғона ёнбағирлар, ўзак қирғоқларнинг четлари ва тик қияликлари, дарё водийсига оқувчи сойлар, силжийдиган участкалар, қирғоқларнинг қайта ишланадиган участкалари киритилади.

21. Дарёларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналарининг ички чегаралари сувнинг ўртача кўп йиллик кесимидан бошлаб қабул қилинади.

22. Дарёлар, сойлар ва ирмоқларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналари кенглиги геоморфологик, гидрогеологик шароитлар ҳисобга олинган ҳолда туташ ерлардан фойдаланиш характери ҳамда ўртача кўп йиллик сарфга кўра қуйидаги миқдорларда қабул қилинади:

катта дарёларда (сув сарфи секундига 100 куб метрдан ортиқ) 300-500 метр;

Ўртача дарёларда (сув сарфи секундига 5 куб метрдан 100 куб метргача) - 100-300 метр;

кичик дарёларда (сув сарфи секундига 2 куб метрдан 5 куб метргача) - 50-100 метр;

жуда кичик дарёларда (сув сарфи секундига 2 куб метргача бўлган сойлар) - 50 метргача.

Сувни муҳофаза қилиш зонасининг кенглиги дарёнинг бутун уэунлиги бўйлаб унинг ҳар бр бўлагиди сув сарфига боғлиқ равишда ҳар хил белгиланади.

23. Амударё ва Сирдарёнинг, уларнинг ирмоқларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳажмлари сув хужалиги лойиҳа ташкилотлари томонида ишлаб чиқилган лойиҳалар бўйича белгиланади.

24. Балиқчилик хўжалиги аҳамиятига эга бўлган сув иншоотлари учун сувни муҳофаза қилиш зонасининг кенглиги балиқчилик хўжалиги органлари билан табиатни муҳофаза қилиш ва сув хўжалиги органлари ўртасида келишилади ҳамда улар томонидан киргокни мустаҳкамлаш. Қирғокни ҳимоя қилиш ва экология талабларини бузмаслик кафолатланган махсус қарор билан расмийлаштирилади.

25. Дарё ва сойларнинг қирғоқлари бўйича сувни муҳофаза қилиш зонаси доирасида қирғоқ минтақаси ажратиб кўрсатилади. Бу минтақада хўжалик фаолияти юритиш қатъий чеклаб қўйилади ҳамда у ёки бу саноат-фуқаролик қурилиши, уй-жой, ижтимоий-маиший ва маданий иншоотлар қуриш тақиқланади

Дарё ва сойлар қирғоқ; бўйи минтақасининг кенглиги сувнинг ўртача кўп йиллик кесимига кўра аниқланади ҳамда дарёларда уларга туташиб кетган экин майдонларига ва қирғоқ; қияликлари тиклигига боғлиқ равишда қуйидаги ҳажмларда белгиланади.

шудгор ва кўп йиллик дарахтзор жойларла қияликлар тиклиги 3 градусгача бўлса - 35-55 метр ва 3 градусдан ортиқ бўлса - 55-100 метр;

пичанзор ва яйловларда қияликлар тиклиги 3 градусгача бўлса 25-35 метр ва 3 градусдан ортиқ бўлса 35-50 метр;

Ўрмон ва дарахтзор-чангалзор майдонларда қияликлар тиклиги 3 градусгача бўлганда - 35-55 метр ва 3 градусдан ортиқ бўлганда -55-100 метр.

Энг кўп аҳамият бериш кўпроқ емирилган тупроққа тегишлидир.

Тоғ дарёлари ва вақтинча сув оқадиган сойлар учун қирғоқ бўйи минтақа кенглиги ҳар бир конкрет ҳолатда туташган ерлардан фойдаланиш характери ва уларнинг сув ҳолатига таъсиридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Аҳоли пунктлари доирасида дарё ва сойларнинг қирғоқ бўйи минтақаси ҳажмлари табиат муҳофазаси ва санитария назорати давлат ооганлари, шунингдек, меъ.морчилик ва сув хужалиги органлари билан келишилган ҳолда конкрет шароитлардан келиб чиқиб белгиланади.

3. Магистраль каналлар ва коллекторларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқ бўйи минтақаларини белгилаш

26. Барча магистраль каналлар, уларнинг тармоқлари ва хўжаликлараро тақсимловчилари, магистраль ва хўжаликлараро коллекторлар бўйлаб қирғоқ бўйи минтақалари белгиланади. Уларда хўжалик фаолиятининг махсус тартиби жорий этилади ҳамда бу иншоотлар тегишли бўлган хўжаликларнинг розилигисиз у ёки бу сув олувчи машина , механизмлар ўрнатиш., вақтинчалик доимий иншоот , бинолар қуриш тақиқланади.

27. Қирғоқ бўйи минтақалар ва уларда ўрнатиладиган иншоотлар сувнинг оқимлари билан ифлосланишидан, қирғоқларнинг нураш жараёнидан, очиқ сув оқимларидан ва сувнинг ҳолатига таъсир этувчи бошқа ҳаракатлардан ҳимоя қилишни таъминлаши керак. Бунда барча сув истеъмолчилари томониан исталган ҳажмда сув олиш сув хўжалиги ташкилотлари билан тузилган шартномалар бўйича амалга оширилиши мумкин.

28. Қирғоқ бўйи минтақанинг ички чегараси каналлар ва коллекторлар сувларнинг ҳисоб-китоб кесимидан келиб чиқиб ўрнатилади, ташқи чегара ерларнинг бегоналаштирилиши чегарасига мувофиқ келиши керак

Қирғоқ бўйи минтақанинг кенглиги ва каналлар, коллекторларни бегоналаштириш минтақаси сув хўжалиги органлари томонидам белгиланган очиқ сув оқимларининг намунавий ихтисослари ва уларнинг қурилиши лойиҳаларига кўра ер ажратишнинг амалдаги нормаларига мувофиқ белгиланади.

29. Лойиҳада назарда тутилган каналлар ва коллекторларнинг қирғоқ бўйи минтақаси ҳудуди бу иншоотлар қарашли бўлган сув хўжалиги ташкилотларига берилади.

30. Сувнинг ҳолатига таъсир кўрсатишнинг олдини олиш мақсадида секундига 50 куб метрдан ортиқ сув ўтказиш қувватига эга бўлган магистраль каналлар, лойиҳа ҳисоб-китоб сув секундига 10 куб метрдан ортиқ бўлган магистраль коллекторлар бўйлаб сувни муҳофаза қилиш зоналари ўрнатилади.

31. Магистраль каналлар ва коллекторлар сувни муҳофаза қилиш зоналарининг кенглиги геомофологик, гидрогеологик шароитлар, туташиб кетган ерлардан фойдаланиш характери ҳисобга олинган ҳолда белгиланади ҳамда бегоналаштириш минтақаси чегарасидан қуйидаги ҳажмларда қабул қилинади:

секундига 50 дан 100 куб метргача сув ўтказиш қувватига эга бўлган магистраль каналлар, лойиҳа ҳисоб-китоб сув сарфи секундига 10 дан 20 куб метргача бўлган коллекторлар учун - 100 метр,

секундига 100 дан 150 куб метргача сув ўтказиш қувватига эга бўлган магистрал каналлар, лойиҳа-ҳисоб-китоб сув сарфи секундига 20 дан 50 куб метргача бўлган коллекторлар учун - 200 метр:

секундига 130 куб метрдан ортиқ сув ўтказиш қувватига эга бўлган магистраль каналлар, лойиҳа-ҳисоб-китоб сув сарфи секундига 50 куб метрдан ортиқ, бўлган коллекторлар учун - 300 метр.

4. Хўжалик-ичимлик сув таъминоти манбаларининг санитария муҳофазаси зоналарини белгилаш

32 Барча ишлаб турган, лойиҳалаштрилаётган қурилаётган водопроводларда санитария - эпидемиология ишончилигини таъминлаш мақсадида сув олиш жойларидаги сув таъминоти манбалари санитария муҳофазаси зоналарини, водопровод иншоотлари зонаси ва санитария ҳимоя минтақасини ҳамда сув хавзаларининг санитария - ҳимоя минтақаларини ўз ичига олувчи санитария муҳофазаси зонаси белгиланади.

33. Сув олиш жойидаги сув таъминотининг юза ва ер ости манбалари санитария муҳофазаси зонаси уч минтақадан иборат бўлиши керак:

биринчи минтақа - қаттиқ тартибли минтақа;

иккинчи ва учинчи минтақалар - хўжалик фаолияти чекланган тартибли минтақалар.

34. Сув таъминоти юза манбаларининг санитария муҳофазаси зонаси бѐринчи минтақасининг чегаралари сув олиш жойларидан қуйидагича масофада белгиланади:

а) дарё ва каналлар учун.

оқим бўйлаб юқорига - камида 200 метр:

оқим бўйлаб қуйига- камида 100 метр

сув олиш жойига туташиб кетувчи қирғоқ бўйлаб ёз-куз сув сатҳи бўйича сув кесимининг камида 100 метри;

қарама-қарши қирғоқ томон йўналишда:

дарё ва каналлар кенглиги 100 метрдан кам бўлганда - ёз-куз пайтидаги сув сатҳининг бутун акваторияси ва сув кесимидан 50 метр кенгликдаги қарама-қарши қирғоқ дарёлар, ва каналлар кенглиги 100 метрдан кўп бўлганда-кенглиги камида 100 метр бўлган акватория минтақаси;

б) сув омборлари ва кўллар учун:

акватория бўйича барча йўналишларда - камида 100 метр;

сув олинадиган жойга туташиб кетувчи қирғоқ бўйича -сув омборида нормал тамба даражасида ва кўлда ёз-куз пайтидаги сув сатҳи шароитида сув кесимидан камида 100 метр.

35. Сув таъминоти юза манбаларининг санитария муҳофазаси зонасининг иккинчи минтақаси чегаралари қуйидагича белгиланади;

а) дарё ва каналлар учун:

оқим бўйлаб юқорига, ирмоқлар ҳам шу жумлага киради, - дарё ва каналлар кенглиги ва узунлиги бўйича ўртача сув оқими тезлигидан ҳамда ёз-куз пайтида сув сатҳининг ўртача ойлик сув сарфи 95 фоиз таъминланганда сувнинг минтақа (пояс) чегарасидан сув олиш жойигача оқиб келиш вақтидан келиб чиққан ҳолда камида 3 сутка;

оқим бўйлаб қуйига - биринчи минтақа (пояс) чегарасидан камида 250 метр;

ён томондаги чегаралар - ёз-куз пайтидаги сув сатҳи шароитида сув кесими масофасидан-текисликдаги рельефда - 500 метр, тоғли рельефда -дарё ёки канал томонга қараган биринчи қияликнинг юқорисигача, лекин қиялама нишабликдаги 750 метрдан ва тик қияликда 1000 метрдан кўп эмас;

б) сув омборлари ва кўллар учун шамоллар сони сув олиш жойига томон 10 фоизгача бўлганда барча йўналишларда акватория бўйлаб 3 километр масофагача, шамоллар сони 10 фоиздан ортиқ бўлганда 5 километргача, ён томондаги чегаралар - сув омборида тамбанинг нормал даражасида ва кўлда сувнинг ёз-куз пайтидаги сатҳи шароитида сув кесимидан текисликдаги рельефда 500 метр масофада, тоғлик жойдаги рельефда - сув омбори ёки кўлга қараганда биринчи қияликнинг юқорисигача, лекин қиялама нишабликдаги 750 метрдан ва тик қияликда 1000 метрдан кўп эмас.

36. Сув таъминоти юза манбалари санитария муҳофазаси зонасининг учинчи минтақаси чегаралари дарё ва каналлар оқими бўйлаб юқорига ва қуйига ёки иккинчи минтақа учун бўлганидек сув омбори ва қулларнинг акваторияси бўйлаб барча томонларга, ён томондаги чегаралар - сув айиргич бўйлаб, бироқ дарё ва каналлар ёки сув омборлари ва кўллардан 3-5 километрдан кўп бўлмаган масофада бўлиши керак.

37. Сув таъминоти ер ости манбаининг санитария муҳофазаси зонаси биринчи минтақаси чегаралари якка сув олиш жойидан (қуруқ, шахта кудуғи, каптаж) ёки гуруҳли сув олишда энг чеккадаги сув олиш иншоотидан бошлаб қуйидагича масофада ўрнатилиши керак

муҳофаза қилинган ер ости сувларидан фойдаланилганда - 30 метр,

етарлича муҳофаза қилинмаган ер ости сувларидан фойдаланилганда - 50 метр,

инфилтрацион сув олиш жойларида сув манбанинг юзасидан камида 150 метр,

ирмоқли сув олиш жойларда ёки инфилтрацион сув олиш жойига қуюлувчи участкада - мазкур Низомнинг 34-бандига мувофиқ сув таъминоти юза манбанинг биринчи минтақаси зонасига ўхшаш,

ер ости сувлари захиралари ёпиқ типдаги имфилтрацион иншоотдан сунъий равишда тўлдирилганда - 50 метр. очик типда -100 метр.

38. Ер ости манбаи сув таъминотининг санитария муҳофазаси зонаси иккинчи минтақасининг чегараси иқлим районларига ва микроб билаи ифлосланишининг сув олиш жойига қадар 100 дан 300 суткагача силжиши ҳисобга олинган ҳолда муҳофазаланганлигига кўра белгиланади.

39. Зонанинг учинчи минтақаси чегараси сувнинг кимёвий ифлосланиши сув олиш жойига силжиши вақтига кўра аниқланади. У сув олиш жойидан фойдаланишнинг қабул қилинган муддатидан ортиқ бўлиши, лекин камида 25 йил ўтиши керак.

Нам сақлайдиган қатламнинг инфилтрацион озикланиши шароитида санитария муҳофазаси зонасининг иккинчи ва учинчи минтақаларини мазкур Низомнинг 35 аа 36-бандларига мувофиқ сув таъминоти юза манбаининг иккинчи ва учинчи минтақалари чегараларига татбиқан қабул қилиш керак.

40. Водопровод иншоотлари (насос станциялари, сувни тайёрлаш станциялари, сиғим станциялари) санитария муҳофазаси зоналари биринчи минтақа чегарасидан ва унинг атрофига санитария-ҳимоя минтақаси (кўриқлаш зонасидан иборат булиши керак.

41. Водопровод иншоотлари ҳудуди санитария муҳофазаси биринчи минтақасининг чегараси майдоннинг ўраб олиншига мос келади ва қуйидаги масофада бўлиши керак.

тоза сув ҳавзалари деворидан. филтрлардан, контактли ёритгичлардан - камида 30 метр масофада;

қолган бошқа иншоотлардан ва водопровод минорасидан камида 15 метр масофада.

42. Сув таъминоти манбаи зонаси иккинчи минтақаси ташқарисида жойлашган водопровод иншоотлари тўсиқлари атрофидаги санитария-ҳимоя минтақаси камида 100 метр кенгликка эга бўлиши керак.

43. Водопровод бўйлаб санитария-ҳимоя минтақалари белгиланади, уларнинг кенлиги энг чеккадаги водпороводдан бошлаб ҳисобланади:

қурилиши тугалланган ҳудудда қуруқ тупроққа ётқизилганда диаметри 1000 миллиметргача бўлганда камида 10 метр ва диаметри катта бўлганда камида 20 метр, нам тупроқда - диаметрдан қатъий назар камида 50 метр қурилиб тугалланган ҳудудда давлат санитария назорати ва табиат муҳофазаси органлари билан келишилган ҳолда минтақа кенлигининг юқорида кўрсатиб ўтилган ҳажмларини камайтиришга йўл кўйилади.

5. Даволаш-соғломлаштириш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган минерал сув манбаларининг санитария муҳофазаси округларини белгилаш

44. Аҳолини даволаш ва маданий-соғломлаштириш эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган минерал сув манбалари. шифобахш балчиқ олинадиган жойлар, минерал кўллар атрофига даволаш манбаларининг табиий физик ва кимёвий хоссаларини сақлаш. шунингдек, уларни бузилишдан, ифлосланишдан ҳамда муддатидан илгари тугаб қолишдан асраш мақсадида санитария муҳофазаси округи белгиланади.

Бир ёки бир-бирига боғлиқ бир неча минерал сув конларидан, аралаш пляжлардан ва бошқа табиий даволаш воситалардан фойдаланилганда улар учун санитария муҳофазасининг ягона округи белгиланиши мумкин.

45. Саитария муҳофазаси округи уч зонага бўлинади:

биринчиси қаттиқ тартибли зона.

иккинчиси - чекланган зона,

учинчиси - кузатиш хонаси.

46. Биринчи зона минерал сувлар юзага чиқадиган, шифобахш балчиқ конлари. минерал кўллар. сувидан даволаш мақсадларида фойдаланиладиган кўрфазлар, пляжлар жойлашган жойларни, шунингдек, денгизнинг қирғоқ бўйи минтақасини ва пляжларга туташиб кетувчи кенлиги камида 100 метрли ҳудудни қамраб олади.

47. Иккинчи зона юза сувларнинг минерал сувлар юзага чиқадиган жойга шифобахш балчиқ конларига, минерал кўллар ва кўрфазларга, минерал манбалар ҳосил қилишда

иштирок этувчи минерал ва чучук сув циркуляцияга учрайдиган ер юзасидан унча чуқур бўлмаган жойларга томон оқиши юз берадиган ҳудудни;

минерал сувлар ва шифобахш балчиқлар табиий сунъий сақланадиган жойларни;

санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш муассасалари жойлашган ҳудудни, шунингдек, лойиҳа ҳужжатларига кўра парклар, ўрмон-парклар ва бошқа кўкаламзор жойлар барпо қилиш мўлжалланган ҳудудни қамраб олади. Курортнинг санитария муҳофазаси округи учун назарда тутилган қоидаларга риоя қилинмаган ҳолда улардан фойдаланиш ифлосланишга, таркибнинг ўзгаришига ёки минерал сув ва шифобахш балчиқ зоналарининг тугаб қолишига ёхуд буларнинг барчаси бир бўлиб табиий даволаш воситаларининг ёмоллашувига олиб келиши мумкин.

48. Учинчи зона (сиртдан унинг чегаралари санитария муҳофазаси округи чегаралари билан мос келади) гидроминерал ресурслар озикланадиган ва пайдо бўладиган бутун жойларни, ҳудудни ўраб олган ўрмонорни, шунингдек, санитария муҳофазаси округи учун белгиланган қоидаларга риоя қилинмаган ҳолда халқ хўжалиги мақсадларида фойдаланилиши минерал сув ва шифобахш балчиқ, конларининг гидрогеологик тартибига, санитария ва ландшафит-иқлим шароитларга ноҳуш таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳудудни қараб олади.

6. Сувни муҳофаза қилиш зоналарида ва санитария муҳофазаси зоналарида хўжалик фаолияти тартиби

49. Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, сойлар, магистраль каналлар ва коллекторларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналарида қуйидалан тақиқланади:

ўсимлик зараркундалари ва касалликларига, бегона ўтларга қарши ишлатиладиган заҳарли дориларнинг ҳар қандайини қўллаш ва кўмиш;

заҳарли дорилар, пестицидлар, гербицидлар ва минерал ўғитлар сақланадиган омборлар, аппаратларни заҳарли дорилар билан тўлдирадиган майдончалар, авиация-кимё ишларини олиб бориш учун учиш-кўмиш йўллари қуриш;

канализация тозалаш иншоотларини ва оқова сувларни турли хил тўплагичларни жойлаштириш;

чорвачилик комплекслари ва фермаларини, паррандачилик фабрикаларини жойлаштириш, ҳайвонлар, моллар ва паррандалар кўмиладиган, ахлат ва ишлаб чиқариш, кимё ва радиоактив моддалар чиқиндилари тўпланадиган жойга айлантириш, шунингдек, тайёрланган суюқ гўнгни суғоришда фойдаланиш тўхташ жойлари, ёнилғи-мойлаш материаллари заправка пунктлари, автотранспорт, тракторлар, кишлок, хўжалик техникаси ва бошқа техника тузатиладиган, ювиладиган ва техник қаровдан ўтказиладиган жойлар қуриш:

қор қошламига ўғит солиш, таркибида гўнг бўлган оқова сувлардан тозаламасдан ўғит сифатида фойдаланиш, шунингдек, тозаланмаган саноат ва хўжалик-маиший оқова сувларни ташлаш;

молларни нормалаштирмай ўтлатиш, айниқса жарлик-ботқоқ, жойларда;

дарахтлар ва буталарни кесиш, ўрмонни парваришлаш учун кесиш ва санитария кесиши бундан истисно.

Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар ва сойларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналарида сувнинг ҳолатига таъсир кўрсатувчи қурилиш, тубни чуқурлаштириш ва портлатиш ишлари олиб бориш, фойдали қазилмалар ва сув ўтларм қазиб олиш, кабеллар, трубопроводлар ва бошқа коммуникациялар ётқизиш, бурғилаш, кишлок хўжалиги ва бошқа ишларни бажариш табиат муҳофазаси ва санитария назорати давлат органлари, шунингдек, сув хўжалиги органлари билан келишилган ҳолда факат туман бошқарув органларининг руҳсати бўйича амалга оширилиши керак.

Сув тиргаги нормал даражасидан, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларидан 2 километр масофада кишлок хўжалиги ва Ўрмонзор ерларга зарарли дориларни авиация ёрдамида сепиш тақиқланади.

50. Қирғоқ бўйи минтақаси доирасида мазкур Низомнинг 49-бандида белгиланган чеклашларга қўшимча равишда қуйидагилар тақиқланади.

туман бошқарув оргамларининг табиат муҳофазаси давлат органлари ва сув хўжалиги органлари билан келишилган рухсатномасиз қишлоқ; хўжалик экинлари етиштириш (ёш дарахт қаторлари орасига экилган вақтинчалик экинлардан ташқари),

органик ва минерал ўғитларни қўллаш,

мол боқиш ва молларни ёз даврида сақланадиган жой ташқимл этиш;

иншоотларнинг ҳар қандай хилини қуриш ва мавжудларини кенгайтириш,

махсус ажратилган жойлар ташқарисида палаталар тикиш, автомобилларнинг тўхташ жойлари ва қайиқлар боғлаб қўйиладиган жойлар қилиш;

ўғитлардан бўшаган тараларни йўқ қилиш;

ўғитларни транспортда ташиш ва сепишда қўлланиладиган тара, машина ва асбоб ускуналарни тозалаш, ювиш;

жун, каноп, тери ювиш.

51. Сув таъминоти юза ва ер ости манбалари санитария муҳофазаси зонаси биринчи минтақаси ҳудудида шунингдек, водопровод иншоотлари санитария муҳофазаси зонаси биринчи минтақаси ҳудудида қуйидагилар тақиқланади:

асосий водопровод иншоотларидан ташқари қурилишнинг барча турлари;

уй-жой ва жамоат биноларини жойлаштириш, одамларнинг яшаши шу жумладан водопроводда ишловчи одамларнинг яшаши,

водапровод иншоотларига хизмат кўрсатувчи трубопроводлардан ташқари турли мақсадлардаги трубопроводларни ётқизиш:

оқава сувларни юза манбаларга чиқариш. чўмилиш сувлоқ ҳосил қилиш мол боқиш, кир ювиш. балиқ овлаш, ва зарарли дорилар, пестицидлар. гербицидлар, минерал ва органик ўғитларни қўллаш, сақлаш ва қўмиш тақиқланади;

барча бинолар сувни чиқариб ташлашнинг энг яқин сис-темасига канализация қилинган оқава сувларни тозалаш ишоотлари биринчи минтақа ташқарисига жойлашган бўлиши керак канализация мавжуд бўлмаган тақдирда нотоза нарсаларни чиқариб ташлашнинг санитария талаблари ҳисоога олинган ҳолда сув ўтказмайдиан хандақлар қазилиши керак;

юза оқимни биринчи минтақа ташқарисига чиқариш таъминланиши керак;

дарахтларни санитария мақсадида кесиш ва уларни парвариш қилишга йўл қўйилади.

52. Сув таъминоти юза ва ер ости манбалари санитария муҳофазаси зонаси иккинчи минтақаси ҳудудида шунингдек, водопровод иншоотлари санитария-ҳимоя минтақаси доирасида қуйидагилар тақиқланади:

ҳудуднинг нотоза нарсалар, ахлат гўнг саноат чиқиндилари, маиший ақовалар ва бошқалари билан ифлосланиши;

заҳарли дорилар ва минерал ўғитлар ёнилғи-мойлаш материаллари амборларинни, ўра-чуқурларни шлам сақланадиган жойларни ва сув таъминоти манбаларининг кимёвий ифлосланишига олиб келувчи бошқа иншоотларни жойлаштириш:

моллар кўмиладиган жойларни, қабристонларни, ассенизация ва филтрлаш далаларни, суғориладиган дехқончилик далаларини, гўнг сақланадиган омборхоналарни, силос сақланадиган чуқурларни, чорвачилик ва паррандачилик корхоналари ва фермаларини, сув таъминоти манбаларининг микроб билан ифлосланишига олиб келувчи бошқа иншоотларни жойлаштириш;

бевосита тошқин хавфи бўлган даврда. музлаган ёки қор билан қопланган далага ўғит сепиш, ўғитларни авиация ёрдамида сепишда сочилиб кетишига йўл қўйиш;

қум ва шағал қазиб олиш, шунингдек тубини чуқурлаш ишлари олиб бориш;

санитария муҳофазаси биринчи минтақасининг ташқи чегараларидан 500 метр масофада мол боқиш.

53. Сув таъминоти юза ва ер ости манбаларининг санитария муҳофазаси зонаси учинчи минтақаси ҳудудида табиат муҳофазаси ва санитария назорати давлат органлари

билан келишиб амалдаги санитария нормалари ва табиатни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилган ҳолда хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият билан шуғулланишга рухсат берилади.

54. Сув олиш жойларининг санитария-ҳимоя минтақалари зоналарида ҳожатхоналар, ювунди ўралар, гўнг сақланадиган жойлар, ахлатхоналар ҳамда тупроқ ва грунт сувларининг ифлосланиши учун шароит яратувчи бошқа иншоотлар бўлмаслиги керак.

уюмлар ҳудудида, ассенизация далаларида, филтрлаш далаларида, суғориладиган деҳқончилик далаларида, қабристонларда, моллар кўмиладиган жойларда сув олиш жойлари қуриш тақиқланади.

55. Минерал сув манбалари, шифобахш балчиқ конлари, минерал кўллارнинг санитария муҳофазаси округлари доирасида тупроқ, сув, ҳавони ифлослантирувчи, ўрмонлар ва бошқа дарахтзорларга зарар етказувчи, нураш жараёнлари ривожланишига олиб келувчи ҳамда сувнинг табиий даволаш хоссаларига ва ҳудуднинг санитария аҳволига салбий таъсир кўрсатувчи барча ишлар тақиқланади.

Санитария муҳофазаси округларида табиий даволаш воситаларининг зарур даражасидаги санитария ҳолатини таъминловчи, шунингдек даволаниш ва дам олиш учун қулай шароитлар яратувчи санитария-соғломлаштириш тадбирлари бошқа чора-тадбирлар амалга оширилади.

56. Биринчи зона ҳудудида табиий даволаш воситаларидан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган фуқароларнинг доимий ва вақтинча яшашлари, ишоотлар қурилиш, кон қазилар ва ер ости ишлари бажарилиши, шунингдек, манбанинг табиий даволаш хоссаларига ва ҳудуднинг санитария ҳолатига зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатларни қилиш тақиқланади.

57. Иккинчи зона ҳудудида аҳолининг даволаниши ва дам олиши билан боғлиқ объектлар ва иншоотлар қурилиши, курортнинг ривожланиши аа ободончилиги бевосита боғлиқ бўлмаган кон ишлари ва бошқа ишларни бажариш, шимувчи қудуқлар қуриш, суғориш далаларига ва ер ости филтрланишига моллар кўмиладиган жойларга, қабристонларга айлантириш, моллар оммавий ҳайдаб ўтиладиган жойларга айлантириш, ўсимлик зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш мақсадида заҳарли дориларни қўллаш, яшил дарахтзорларни чопиб ташлаш (ўрмонни парвариш қилиш учун кесил ва санитария кесилларидан ташқари) ҳамда ер участкалари, ўрмонлар ва сув ҳавзаларидан даволаш воситалари сифатининг ёмонлашувиға ёки уларнинг камайишиға олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа хилда фойдаланиш тақиқланади.

58. Учинчи зона ҳудудида табиат муҳофазаси ва санитария назорати даалат органлари билан келишган ҳолда табиий даволаш воситаларига ва ҳудуднинг санитария ҳолатига салбий таъсир курсатиши мумкин бўлмаган барча иш турларига йул қўйилади.

59. Маҳаллий бошқарув органлари табиат муҳофазаси ва санитария назорати давлат органларининг тавсияси билан маҳаллий санитария-гигиена шароитларини ҳисобга олган ҳолда сув иншоотлари сувни муҳофаза қилиш зоналарида хўжалик фаолиятининг кўшимча

7. Сувни муҳофаза қилиш зоналарини келишиш ва тасдиқлаш тартиби

60. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ёки табиат давлат органлари лойиҳаларнинг фойдаланиш талаблари ва зарур экологик ва санитария шароитларига мувофиқ туман бошқарув органларига таклифлар киритадилар. Агар таклифлар зарур даражада ҳал этилмаса, улар кўриб чиқиш учун вилоят бошқарув органларига берилади.

61. Вилоят туман бошқарув органлари бир ой муддат ичида сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёлари каби йирик ва мураккаб иншоотларда сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш Ўзбекистон Рвспубликаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг таклифига кўра кўриб чиқилади ҳамда қарор тегишли вилоят

хокимликлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

62. Сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш юзасидан таклифларни кўриб чиқиш учун доимий туман, вилоят, республика комиссиялари ташкил этилади, Бу комиссиялар таркиби одатда табиат муҳофазаси органлари, сув хўжалиги, санитария назорати, меъморчилик, ер тузилиши, шунингдек, комиссияни тузувчи органнинг хоҳиши бўйича корхоналар, ташкилотлар, муассасалар вакиллари билан иборат бўлади.

Комиссияга одатда, туман, вилоят, бошқарув оргннинг раҳбарларидан бири республика даражасида эса республика Бош вазирининг ўринбосари ёки ҳукуматнинг ихтиёри билан ҳукумат аъзоларидан бири бошчилик қилади.

63. Сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш юзасидан таклифларни тайёрлаш учун лойиҳа ташкилотлари:

мелиорация ва сув хўжалиги, сув таъминоти иншоотларининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда улардан фойдалани бўйича амалдаги нормативларга, табиат муҳофазаси ва ер тузишнинг ҳудудий схемалари ва комплекс дастурларига, шунингдек, мазкур Низомга амал қиладилар;

сув иншоотлари жойлашган жойларнинг ҳамда грунт сувларипасайган ва кўтарилган зона доирасидаги туташиб кетган ҳудуднинг зоогеографик, ов хўжалиги, геоботаник тупроқ; ўрмон хўжалиги, гидрогеологик характеристикасини ўрганади.

сув таъминоти акваториясининг ихтиологик, балиқ хўжалиги, гидрогеологик, гидробиологик, гидрокимёвий характеристикасини ўрганадилар (сув олиш иншооти створидан 2 километр юқори ва 2 километр қуйи зона ҳажмида);

санитария-эпидемиология вазияти тўғрисидаги маълумотларни туплайдилар ва ўрганадилар,

флора ва фаунанинг алоҳида кўрикланадиган турлари, сув иншоотлари таъсири зонасида жойлашган табиат ёдгорликлари, кўрикхоналар тўғрисидаги маълумотларни туплайдилар ва ўрганадилар;

сувнинг ифлосланиши ва булғанишининг олдини олиш, унумдор ер майдонларини ва ҳудуднинг мавжуд тузилишини энг кўп даражада сақлаб қолиш, емирилиш жараёнларини, ернинг ботқоқламишини ва бошқа зарарли таъсирларни тўхтатиш ҳисобга олинган ҳолда сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш ва амалдаги норма ҳамда қоидаларни қўллаш имкониятларини ўрганадилар ва текширадилар;

сувнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи иншоотлар рўйхатини аниқлайдилар.

64. Сувни муҳофаза қилиш зонасининг чегараси режали-картография асосга туширилади ҳамда участка ва ер-сувнинг тартиби ҳисобга олинган ҳолда умумий майдон аниқланади Режаларда сувни муҳофаза қилиш зонаси ва унга туташиб кетган участка чегарасида олдин турли эҳтиёжлар учун ажратилган барча участкалар чегараси кўрсатилади.

65. Сувни муҳофаза қилиш зонасининг ҳажмларини асословчи, иншоотнинг атроф муҳитига таъсири даражаси тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичлар тайёрланади. Иншоотларни куриш, сувнинг ҳолатига, ҳудуднинг ободончилигига ва бошқаларга салбий таъсир кўрсатувчи корхоналар, биналар ва иншоотларни ёпиш ёки бузиб ташлаш юзасидан чора-тадбирлар белгиланади,

66. Сувни муҳофаза қилиш зонасини белгилаш бўйича маълумотлар комиссиянинг кўриб чиқиши учун тақдим этилади,

Материалларнинг комиссиялар томонидан кўриб чиқилиши натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

комиссия таркиби:

сувни муҳофаза қилиш зонасига киритилувчи ер участкаларига характеристика;

ер участкасидаги қурилишлар, иншоотлар, суғориш ва коллктор-дренаж тармоқлари, кўп йиллик дарахтзорлар, уларнинг баланс қиймати;

сувни муҳофаза қилиш зонасини маъқуллаш тўғрисида комиссия хулосаси, атроф муҳитни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш бўйича тавсия этиладиган чора-тадбирлар, комиссиянинг ихтиёрига кура бошқа масалалар.

67. Сувни муҳофаза қилиш зоналарининг комиссия томонидан маъқулланган чегаралари:

туман ташкилотларига қарашли бўлган магистраль каналлар коллекторлар бўйича табиатни муҳофаза қилиш вилоят кўмитаси, давлат санитария назорати туман органлари, сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги органлари билан:

вилоят ташкилотларига қарашли бўлган дарёлар, магистраль каналлар ва коллекторлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, шунингдек, сув таъминоти ва минерал сув манбалари бўйича мазкур банднинг 4-хат бошисида санаб ўтилган иншоотлардан ташқари. табиат муҳофазаси вилоят кўмитаси. давлат назорати вилоят органлари, сув хўжалиги ва қишлоқ, хўжалиги органлари билан;

ирмоғи Сурхондарё билан бирга Сирдарё. ирмоқлари Қорадарё, Норин ва Чирчиқ, Зарафшон билан бирга Сирдарё. шунингдек. минерал сув манбалари ва республика аҳамиятига эга бўлган бошқа даволаш курортлари ва санаторийлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан келишилди.

Балиқчилик саноати аҳамиятига эга бўлган иншоотларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналари балиқчилик муҳофазаси органлари билан келишилади,

Дарёлар. сойлар. магистраль каналлар ва коллекторлар сувни муҳофаза қилиш зоналари чегаралари шаҳарлар ҳудуди бўйича ва қирғоқ бўйи минтақалари бўйича ўтганда тегишли меъморчилик органлари билан келишилади.

Минерал сув манбалари ва бошқа маҳаллий аҳамиятга эга бўлган курортлар ва санаторий даволаш воситаларининг санитария муҳофазаси округлари қасаба уюшмалари вилоят органлари билан, республика аҳамиятига эга бўлганлари Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси Кенгаши билан келишилади;

68. Материаллар юборилган давлат назорати, табиат муҳофазаси назорати органлари, бошқа вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар уларни 10 кун муддат ичида кўриб чиқадилар ва ўзларининг асосли хулосаларини берадилар.

69. Сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш бўйича тасдиқлашга тақдим этиладиган материаллар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак.

комиссиянинг муҳофаза зоналарини белгилаш тўғрисидаги далолатномаси;

давлат ва. бошқа органларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналарини келишганлик тўғрисидаги хулосаси,

режали-картография материал.

70. Сувни муҳофаза қилиш зоналари туман ташкилотларига қарашли бўлган магистраль каналлар ва коллекторлар, шунингдек, туман аҳамиятига эга бўлган сув таъминоти манбалари бўйича-туман бошқарув органлари томонидан:

магистраль каналлар, коллекторлар, ҳамда туман аҳамиятига эга бўлган сув хўжалиги объектлари бўйича туман ҳокимликлари томонидан;

дарёлар, магистраль каналлар ва коллекторлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари бўйича, мазкур банднинг тўртинчи хат бошида санаб ўтилган объектлардан ташқари вилоят ҳокимликлари томонидан.

Тошкент шаҳри ва вилоят бўйсунушидаги шаҳарлар ҳудуди бўйича ўтувчи дарёлар, сойлар, магистраль каналлар ва коллекторларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналари тегишли ҳокимликлар томонидан тасдиқланади.

71. Сувни муҳофаза қилиш зоналарининг тегишли тартибда тасдиқланган чегаралари натурада оғохлантирувчи белгилар билан ифодаланади.

72. Бу ишларни олиб борган лойиҳа ташкилоти томонидан сувни муҳофаза қилиш зоналари тасдиқлангандан кейин иловага мувофиқ муҳофаза қилинадиган ҳудуднинг

паспорти тайёрланади Муҳофаза қилинадиган ҳудуднинг паспартида иншоотнинг номи, белгиланган зоналар (минтақалар) ва бу зоналарда ердан фойдаланиш тартиби кўрсатилади Паспорт ва белгиланган зона (минтақа)лар чегараси акс этирилган график материал илова қилинади.

Паспорт маҳаллий бошқарув органи раҳбари томнидан имзоланади ва хўжалик фаолияти тартибига риоя қилинишини назорат қилиш учун давлат назорати органларига ва бошқа манфаатдор органларга юборилади.

73. Сув иншоотларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарида ва уларга тутшиб кетувчи ҳудудларда сувни ифлосланиш, булғаниш ва тугаб қолишлан муҳофаза қилишни, шунингдек. сув ҳолати ва тартиби яхшиланишини таъминловчи қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

технологик чора-тадбирлар - улар саноат сув таъминотининг сув айланиши тизимлари, оқова сувларни тозалаш ва зарарсизлангириш иншоотлари курилишига;

оқова сувлар қолдиқларидан халқ хўжалигида фойланган ҳолда утиллаштиришга;

оқова сувларни тозалаш ва зарарсизлантириш иншоотларининг барқарор ишлашини таъминловчи саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иншоотларнинг технологик жараёнларини ташкил этишга, ифлос оқова сувлар ҳосил бўлишини истисно этувчи технологик жараёнларини ташкил этишга йўналтирилган бўлади;

Ўрмон-мелиоратив ва агротехник чора-тадбирлар - улар сув иншоотлари қирғоқларининг мустаҳтамланишини таъминлашга, уларни ўпирилишдан, ботқоққа айланишдан сақлашга, шунингдек, сув иншоотлари оқимининг табиий режими барқарорлашиши ва яхшиланишига қаратилган бўлади;

гидротехник чора-тадбирлар - улар сувдан фойдаланишда қулай шароитлар яратишни таъминловчи гидротехник тизимлар ва иншоотлар барпо этишга, шунингдек, зарур ҳолларда дарё ва каналларнинг ўзанларини, ҳовуз, қўллар ва сув омборларининг тубларини зарарли балчиқ ва чўкиндилардан тозалашга қаратилган бўлади;

Санитария-техник чора-тадбирлар - улар сув иншоотларига ташланадиган оқова сувларни зарарсизлантириш ва ҳавфсизлантиришни таъминлашга, шунингдек, санитария муҳофазасига ва хўжалик фаолияти юритиладиган ҳудудни тузишга қаратилган бўлади;

ташкилий чора-тадбирлар сувнинг ҳолатига таъсир кўрсатувчи корхоналар. бинолар ва иншоотларни сувни муҳофаза қилиш зоналаридан кўчиришни ёки ёпишни назарда туттади;

атроф муҳитга қулай таъсир кўрсатиш учун ифлосланувчи воситалардан фойдаланилмай кўкаламзорлаштириш ва дарахт экиш.

74. Янгидан кўрилаётган сув иншоотларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарида бу чора-тадбирларни амалга ошириш харажатлари уларни куриш қийматига тегишли бўлади.

Мавжуд сув иншоотларида сувни муҳофазаси қилиш зоналари белгиланиши муносабати билан ишлаб чиқилаётган ҳудуднинг ифлосланишини бартараф этиш бўйича технологик ва санитария-техника чора тадбирлари бу ифлосланиш манбалари ҳисобланган корхоналар муассасалар ва ташкилотлар шунингдек, фуқаролар маблағлари ҳисобидан бажарилади, улар бу кўрсатмаларни бажаришдан бош тортган тақдирда уларга нисбатан белгиланган тартибда маъмурий, иқтисодий ва бошқа даъволар кўзғатилган.

Гидротехник маелиоратив, агротехник ва ташкилий чора-тадбирлар тегишли сув иншоотлари қарашли бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар маблағлари ҳисобидан бажарилади.

75. Ердан фойдаланиш режимига. хўжалик фаолиятига ва маъкур Низом билан белгиланган бошқа ҳатти-ҳаракатларга риоя этиш мажбурияти сувни муҳофаза қилиш зоналарида ердан фойдаланувчи ер эгаларига ва ердан фойдаланувчиларга юклатилади.

белгиланган режимга риоя этишнинг давлат назорати маҳаллий бошқарув органи, табиат муҳофазаси. санитария назорати давлат органи томонидан амалга оширилади.

Бевосита иншоотларда зоналар ва иншоотларни муҳофаза қилишни назорат қилиш ва зарур чора-тадбирларни амалга ошириш сувни муҳофаза қилиш зоналари билан бирга

